

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
АКАДЕМИЯ

СУД ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРЛАРИ, АЖРИМ ВА  
ҚАРОРЛАРИНИНГ ҚОНУНИЙЛИГИ ВА  
АСОСЛАНТИРИЛГАНЛИГИНИ  
ТЕКШИРИШ

*ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА*

Тошкент – 2016

*Муаллиф:*

юридик фанлар доктори, профессор **Э.Эгамбердиев**

*Тақризчилар:*

Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Мониторинг институти  
юридик гуруҳ раҳбари, юридик фанлар доктори,  
профессор **М.М.Мамасидиқов;**

Тошкент давлат юридик университети фуқаролик процессуал ва хўжалик  
процессуал ҳуқуқи кафедраси мудир, юридик фанлар номзоди,  
доцент **Д. Хабибуллаев**

### **Э-18 Эгамбердиев Э.**

**Суд ҳал қилув қарорлари, ажрим ва қарорларининг қонунийлиги ва асослантирилганлигини текшириш: Ўқув қўлланма.**  
–Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси. – Т., 2016. – 90 б.

Ушбу ўқув қўлланма биринчи инстанция судлари томонидан мазмунан кўриб ҳал қилинган, фуқаролик ишлари бўйича қабул қилинган ва қонуний кучга кирмаган, ҳал қилув қарори ва ажримларини апелляция тартибида, шунингдек, қонуний кучга кирган, апелляция тартибида кўрилмаган ҳал қилув қарорларини кассация тартибида текшириш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий масалалар, жумладан, апелляция ҳамда кассация тартибида иш юритиш тушунчаси, аҳамияти, объектлари, субъектлари, иш қўзғатиш асослари, шикоят ва протестлар бўйича ишни қайта кўриш тартиби, муддатлар доираси, судларнинг ваколатлари атрофлича ёритиб берилган.

Қўлланма Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг тингловчиларига, ҳуқуқшунослик мутахассислиги бўйича лицей ва коллеж ўқувчилари ва талабаларига, Тошкент Давлат Юридик Университети талабаларига, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларига ва барча китобхонларга мўлжалланган.

**ББК 67.99(5У)92я73**

## СЎЗ БОШИ

Мамлакатимизда амалга ошириб келинаётган кенг қамровли ислоҳотлар замирида инсон манфаати ётади. Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи эканлиги, Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидан амалга оширишлиги, асосий қонунизмнинг “Халқ ҳокимиятчилиги”га бағишланган иккинчи бобига тегишли бўлган 7-моддасининг мазмунида ўз ифодасини топган<sup>1</sup>.

Давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи бўлган Ўзбекистон Республикаси халқининг шахсий ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари, шунингдек уларнинг қонун билан ҳимоя қилинадиган қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, давлатимиз олдида турган асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Фикримизнинг далили сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият” мавзусида қилган маърузасида: “Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари, уларни ҳар томонлама ҳимоялаш ва таъминлаш, жамиятни демократлаштириш йўллари ҳақида гапирар эканмиз, бу мавзу дунёда ҳар доим, айниқса сўнгги пайтларда энг ўткир долзарб масалага айланиб бораётганлигини кузатиш мумкин ва буни табиий ҳол деб қарашимиз кераклиги”<sup>2</sup> тўғрисида берган кўрсатмаларини келтиришимиз мумкин.

“Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини амалдаги қонунлар асосида ҳимоя қилиш суд-ҳуқуқ ислоҳотлари олдида турган асосий вазифалардан бири эканлиги ва бу борада уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини чинакамига ҳимоя қилувчи суд органларини жорий этиш ва бу борадаги ислоҳотларни давом эттириш, адвокат билан прокурорнинг суд жараёнида тенг

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., 2015. – Б.5.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – олий қадрият. – Т., 2005. – Б.5.

ҳуқуқлигини таъминлаш каби масалалар Президентимизнинг Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси<sup>1</sup> да шунингдек, “Бизнинг мақсадимиз эркин ва фаровон, демократик ҳаёт қуриш”<sup>2</sup> деб номланган маърузасида ҳам ўз ифодасини топган.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқига оид бўлган долзарб масалалардан бири бу – “Суд ҳал қилув қарорлари, ажрим ва қарорларини қонунийлиги ва асослантирилганлигини текширишдир. Бу қўлланмада суд ҳал қилув қарорлари ва ажримларини ( апелляция , кассация тартибида иш юритиш орқали текшириш турлари) ҳақида сўз юритилади. Ўзбекистон Республикасининг ягона суд тизимига кирадиган умумюрисдикция судлари ўзларига тааллуқли бўлган фуқаролик ишларини фуқаролик қонунчилигида белгилаб кўйилган тартибда мазмунан кўриб ҳал қилиш йўли билан фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари ҳамда қонун билан ҳимоя қилинадиган қонуний манфаатларини ҳимоя қиладилар. Бундай вазифаларни умумий судлар ўзларига берилган ваколатлар доирасида ФПК нормалари асосида суд ишларини юритиш тартибида амалга оширадилар.

Биринчи инстанция судлари суд мажлисида кўриб ҳал қилинган иш юзасидан қонуний, асослантирилган ҳал қилув қарори ажрим чиқарса, судга даъво билан мурожаат қилган шахс (даъвогар) ҳамда жавобгар манфаатдор шахс сифатида ҳеч қачон юқори судга шикоят қилмайди. Прокурор эса бундай ҳал қилув қарори ва ажримига протест келтирмади. Ҳал қилув қарори устидан юқори судга шикоят бериш ёки протест келтириш учун бирдан-бир асос суд мажлисида мазмунан кўриб ҳал қилинган иш юзасидан қабул қилинган суд ҳал қилув қарорининг қонунга зид бўлиши, асослантирилмаганлиги ёки адолатсизлиги ҳисобланади.

Биринчи инстанция судларининг ҳал қилув қарорлари ва ажримларининг қанчалик қонуний, асослантирилган ва адолатли эканлиги-

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т., 2010. – Б.7-10.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т., 2015. – Б.37-66.

ни текшириш, булар устидан апелляция ёки кассация тартибида берилган шикоят ёки келтирилган протестлар бўйича ишлар, тегишли бўлишига қараб апелляция, кассация инстанцияси судлари томонидан қайта кўриб ҳал қилиш йўли билан амалга оширилади.

Бу турдаги иш юритишларнинг асосий мақсади биринчи инстанция судлари томонидан кўриб ҳал қилинган ишлар юзасидан қабул қилинган, қонуний кучга кирмаган ва қонуний кучга кирган апелляция тартибида кўрилмаган ҳал қилув қарорлари, ажримлар устидан ФПКнинг 320, 348<sup>9</sup>- моддаларида кўрсатилган шахслар томонидан апелляция ҳамда кассация тартибида берилган шикоят (протест) бўйича ишни қайта кўриш орқали одил судлов ҳужжати ҳисобланган ҳал қилув қарори ёки ажримлардаги хатоликларни бартараф қилиш йўли билан апелляция ёки кассация судига мурожаат қилган шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ўз вақтида ҳимоя қилишга қаратилган. Ушбу қўлланма апелляция ва кассация тартибида суд ишларини юритиш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий масалаларни чуқур ўзлаштириш учун кенг имконият яратади. Қўлланма Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси тингловчиларига, ҳуқуқшунослик университети, ҳуқуқшунослик факультети, ҳуқуқшунослик лицей ва коллежлари талабаларига, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлар ходимларига, шунингдек, юридик соҳага қизиқувчиларга бағишланган.

# **I БОБ. СУД ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРЛАРИ, АЖРИМ ВА ҚАРОРЛАРИНИНГ ҚОНУНИЙЛИГИ ВА АСОСЛАНТИРИЛГАНЛИГИНИ ТЕКШИРИШ**

## **1-§. Суд қарорлари устидан шикоят қилиш, протест келтириш ва уларни қайта кўришнинг умумий қоидалари**

Амалдаги фуқаролик суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир. Ушбу қонун ҳужжатлари суд буйруғи асосида ҳал қилинадиган, даъво тартибидаги, давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан берилган шикоятлар бўйича ҳамда алоҳида тартибда юритиладиган ишларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш тартибини белгилайди.

Фуқаролик ишларини кўриб ҳал қилишнинг барча босқичларида ишларни кўриб ҳал қилиш Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексининг нормалари билан тартибга солинади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Фуқаролик процессуал қонун ҳужжатлари айрим нормаларини судлар томонидан қўлланилиши ҳақида”ги (2003 йил 19 декабрь), “Фуқаролик ишларини апелляция тартибида кўриш амалиёти ҳақида”ги (2004 йил 21 май), “Фуқаролик ишларини кўришда судлар томонидан далилларга оид қонун нормаларини қўлланишнинг айрим масалалари тўғрисида”ги (2007 йил 2 октябрь), “Фуқаролик ишлари бўйича экспертиза тайинлаш, ўтказиш ва эксперт хулосасига баҳо беришда келиб чиқадиган айрим масалалар ҳақида”ги (2008 йил 12 декабрь) қарорлари суд амалиётида ишларни кўриб ҳал қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Фуқаролик суд ишларини юритишнинг умумий қоидаларига кўра, фуқаролик суд ишларини юритишнинг ҳар бир турига оид бўлган фуқаролик ишларини, фуқаролик процессуал қонунчилигида белгилаб қўйилган тартибда қуйи судлар томонидан кўриб ҳал қилиш жараёнида йўл қўйилган хато ва камчиликларни ўз вақтида аниқлаб, уларни бартараф қилиш, ўз моҳиятига кўра, юқори судлар олдида турган асосий вазифалардан ҳисобланади.

Шундай экан, қуйи судлар томонидан фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида фуқаролик ишларини кўриб ҳал қилиш жараёнида йўл қўйилган хато ва камчиликларни ўз вақтида аниқлаб, уларни

тузатиш, ўз-ўзидан амалга ошмайди. Бунинг учун кимлар ва қандай процессуал воситалар билан юқори судларга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлигини, йўл қўйилган хато ва камчиликларнинг объектлари нималардан иборат эканлигини ҳамда уларни тузатиш учун нималарга асосан тегишли бўлишига қараб юқори судлар иш қўзғатишлигини ҳамда йўл қўйилган хато ва камчиликларни тузатиш қандай ҳуқуқий оқибатларга олиб келиши масалаларини аниқ билиб олиш ўта муҳим аҳамиятга эга.

Фуқаролик суд ишларини юритишнинг ҳар бир турига оид фуқаролик ишлари ўзининг судловлиги бўйича биринчи инстанция судларининг судловига тегишли бўлганлиги учун ушбу ишлар биринчи инстанция судлари томонидан суд мажлисида мазмунан кўриб ҳал қилинади. Бу дегани, юқори инстанция судлари, судларга тааллуқли бўлган ишларни мазмунан кўриб ҳал қилиш ваколатига эга эмас экан, деган маънони билдирмайди.

Фуқаролик процессуал кодексининг 142-моддасида Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди, Фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари ўз ваколатларига берилган фуқаролик ишларини, шунингдек, алоҳида ҳолатларни ҳисобга олиб ҳар қандай фуқаролик ишини Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳудудидаги фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судидан олиб, биринчи инстанция суди сифатида ўзининг иш юритишига қабул қилиб олишга ёки бир суддан бошқа тегишли судга ўтказишга ҳақли эканлиги кўрсатилган бўлса, 144-моддасида эса Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судловига тааллуқли ишлар кўрсатилган.

Ушбу моддада кўрсатилишича, Ўзбекистон Республикаси Олий суди қонунда ўз ваколатига берилган фуқаролик ишларини кўриб чиқади, шунингдек алоҳида ҳолатларни ҳисобга олиб, ҳар қандай фуқаролик ишини Ўзбекистон Республикасининг исталган судидан олиб, биринчи инстанция суди сифатида ўзининг иш юритишига қабул қилиб олишга ёки бир суддан бошқа тегишли судга ўтказишга ҳақли.

Юқорида кўрсатиб ўтилган моддаларнинг мазмунидан кўриниб турибдики, юқори инстанция судлари ҳам ўзларига берилган ваколатлардан фойдаланиб, биринчи инстанция судларининг судловига тегишли бўлган фуқаролик ишларини, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро туман (шаҳар) судларидан олиб биринчи инстанция суди сифатида ўз иш юритишига қабул қилиб олган бўлса, ушбу ишни апелляция, кассация ёки назорат тартибида эмас, биринчи инстан-

ция суди сифатида мазмунан кўриб ҳал қилиб иш юзасидан ўзининг қарорини, ҳал қилув қарори шаклида чиқариши керак.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг барча бўғинидаги судлар ўзларига берилган ваколатлари доирасида фуқаролик ишларини кўриб ҳал қилишда тегишли бўлишига қараб ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқарадилар. Судлар томонидан фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида фуқаролик ишларини суд томонидан суд мажлисида мазмунан кўриб ҳал қилиш борасида йўл қўйилган камчиликлар, суд томонидан кўриб ҳал қилинган иш юзасидан қабул қилинган ҳал қилув қарорида, ажрим ёки қарорда намоён бўлади.

Шунинг учун ҳар бир суд бўғини ўзига берилган ваколат доирасида кўриб ҳал қилинган фуқаролик иши бўйича чиқарадиган ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорини процессуал қонунчилигида белгилаб қўйилган талабларга жавоб берадиган қилиб чиқариши керак. Чунки, суд қарорлари жисмоний ва юридик шахсларнинг низолашаётган ёки бузилган субъектив ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларни тиклаш борасида муҳим аҳамиятга эга бўлган одил судлов ҳужжати ҳисобланади ва улар ўз навбатида суд қарорларига қўйилган талабларга жавоб бериш керак. Акс ҳолда суд қарорлари шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг кафолати борасидаги аҳамиятини йўқотади.

Суд қарорларига қўйиладиган асосий талаблар қуйидагилар ҳисобланади:

- 1) қонуний бўлишлиги;
- 2) асослантирилган бўлишлиги;
- 3) адолатли бўлишлиги.

Суд қарорлари (ҳал қилув қарори, ажрим, қарор) ушбу талабларга тўла жавоб берадиган қилиб судлар томонидан суд мажлисида кўриб ҳал қилинган фуқаролик иши бўйича қабул қилинган бўлса, ишда иштирок этувчи шахслар ҳеч қачон бундай суд қарорларидан норози бўлмайдилар ва тегишли тартибда юқори судларга мурожаат ҳам қилмайдилар. Суд қарорлари устидан юқори судларга мурожаат қилишга бирдан-бир асос – бу суд қарорининг қонуний эмаслиги, асослантирилмаганлиги ёки адолатсизлигидир. Шундай экан, биринчи навбатда кимлар суд қарорлари устидан ундаги хато ва камчиликларни бартараф қилиш учун қайси судларга қандай тартибда мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлигини билиш муҳим аҳамиятга эга.

Фуқаролик иши юзасидан суднинг чиқарган ҳал қилув қарорининг қонунийлиги, асослантирилганлиги ва адолатли эканлигини,



яъни ундаги камчиликларни бартараф қилиш учун юқори судга процессуал қонунчилигида белгилаб қўйилган процессуал воситалардан (апелляция шикоят (протести), кассация шикоят (протести), назорат тартибида мансабдор шахслар томонидан келтирилган протест, янгидан очилган ҳолатлар бўйича ариза)дан фойдаланиб, қуйидагилар мурожаат қилиш ҳуқуқига эга:

- тарафлар (даъвогар ҳамда жавобгар);
- учинчи шахслар;
- тарафлар ҳамда учинчи шахсларнинг вакиллари;
- ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги масала суд томонидан ҳал этилган шахслар;
- прокурор;
- давлат бошқаруви органлари ва уларнинг вакиллари;
- ўзи чиқарган ҳал қилув қарори (ажрими), қарорининг бекор қилинишидан рози бўлмаган судья.

Ушбу масала ФПКнинг 310-моддасида ишда иштирок этувчи шахслар деб баён этилган бўлса-да, унда ишда иштирок этувчи шахслар доираси кўрсатилмаган.

Юқорида кўрсатиб ўтилган шахслар, суд ҳал қилув қарори (ажрим) ва қарорларининг қанчалик қонуний, асослантирилган ва адолатлилигини текшириш учун юқори судларга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар ҳисобланади. Судлар томонидан фуқаролик ишларини кўриб ҳал қилиш борасида йўл қўйилган хато ва камчиликларни тузатишнинг объектлари қуйидагилар ҳисобланади:

а) фуқаролик ишлари бўйича биринчи инстанция судлари томонидан чиқарилган ҳал қилув қарорлари;

б) ўз ваколатлари доирасида фуқаролик ишларини биринчи инстанция суди сифатида кўриб ҳал қилган юқори инстанция судлари томонидан чиқарилган ҳал қилув қарорлари;

в) тегишли бўлишига қараб юқори судлар томонидан қабул қилинган ажрим ва қарорлар.

Айнан ана шу одил судлов ҳужжатлари фуқаролик ишини кўриб ҳал қилиш жараёнида йўл қўйилган хато ва камчиликларни тузатишнинг объектлари ҳисобланади.

Суд қарорларидаги йўл қўйилган хато ва камчиликларни юқори судлар томонидан бартараф қилиш учун нималар асос бўлишини билиб олиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Суд қарорларининг қонуний асослантирилган ва адолатли бўлишини текшириш учун асос юқори инстанция судига процессуал қонунчилигида белгилаб

қўйилган процессуал воситалар (шикоят, протест, ариза) билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган ишда иштирок этувчи шахслар томонидан апелляция, кассация тартибида келтирилган шикоятлар (протестлар), мансабдор шахслар томонидан назорат тартибида келтирилган протестлар, янгидан очилган ҳолатлар бўйича ишни қайта кўриш тўғрисидаги ариза ҳисобланади. Бу асослар, бир вақтнинг ўзида суд қарорларидаги хато ва камчиликларни тузатиш учун юқори инстанция судларида иш қўзғатишнинг асоси ҳам ҳисобланади.

Фуқаролик процессуал кодексининг 311-моддасида суд қарорининг қонуний, асослантирилганлиги ва адолатли эканлиги юзасидан текширув қўзғатиш асослари кўрсатилган. Ушбу модданинг мазмунига кўра, қуйидаги асосларга кўра, тегишли бўлишига қараб, юқори судлар, суд қарорининг қонуний асослантирилган ва адолатли бўлишлигини текширади:

1) қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори устидан берилган апелляция шикояти ёки апелляция протести бўйича;

2) биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган ажрими устидан берилган хусусий шикоят ёки хусусий протест бўйича;

3) қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари устидан берилган кассация шикояти ёки кассация протести бўйича;

4) биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирган ажрим устидан берилган хусусий шикоят ёки хусусий протест бўйича;

5) қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори, ажрим, қарор устидан назорат тартибида протест келтириш тўғрисида берилган аризага асосан назорат тартибида протест келтириш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахс томонидан назорат тартибида келтирилган протести бўйича;

6) қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори, ажрим ва қарорни янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш ҳақида берилган ариза бўйича. Булар ўз навбатида, тегишли бўлишига қараб, юқори инстанция судларида иш қўзғатиш, ишни қайта кўриб чиқиш учун асос ҳисобланади.

Юқори инстанция судлари тегишли тартибда берилган шикоят, протест ёки аризага асосан судлар томонидан кўриб ҳал қилинган ишлар бўйича қабул қилинган суд ҳал қилув қарорлари, ажрим ва қарорларнинг қанчалик қонуний, асослантирилганлиги ва адолатлилигини текширадилар.

Фуқаролик ишларини кўриб ҳал қилиш жараёнида йўл қўйилган одил судлов ҳужжатларидаги хато ва камчиликларни тузатиш бўйича юқори инстанция судларида иш қўзғатиш асосларига кўра иш қўзғат-

тиш ва уларни текширишдан асосий мақсад бу судларда кўриб ҳал қилинган фуқаролик иши бўйича объектив ҳақиқатни аниқлаш йўли билан ҳал қилув қарори, ажрим ва қарорларда йўл қўйилган хато ва камчиликларни аниқлаб, уларни бартараф қилиш йўли билан шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари ҳамда қонун билан ҳимоя қилинадиган қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва бузилган субъектив ҳуқуқларини бузилмасдан олдинги ҳолатини тиклашдан иборат.

Фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида фуқаролик ишини кўриб ҳал қилишда йўл қўйилган хато ва камчиликларни тuzатиш ҳамда суд қарорларини текшириш қуйидаги тўрт босқичда амалга оширилади:

1) биринчи инстанция суди томонидан суд мажлисида мазмунан кўриб ҳал қилинган фуқаролик иши бўйича қабул қилинган ва қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори устидан ишда иштирок этувчи тарафлар ёки уларнинг вакиллари томонидан апелляция тартибида берилган шикоят, туман (шаҳар) прокурори томонидан апелляция тартибида келтирилган протест бўйича апелляция инстанция суди томонидан апелляция тартибида иш юритиш орқали текшириш (ФПКнинг 37- боби ва ушбу бобга тегишли бўлган 320-348-моддалари);

2) биринчи инстанция суди томонидан мазмунан кўриб ҳал қилинган иш юзасидан қабул қилинган ва қонуний кучга кирган, апелляция тартибида кўрилмаган ҳал қилув қарори устидан ФПКнинг 348<sup>1</sup>-моддасида кўрсатилган шахслар томонидан кассация тартибида берилган шикояти ёки прокурорнинг кассация тартибида келтирган протести бўйича кассация инстанцияси суди томонидан кассация тартибида иш юритиш орқали текшириш (ФПКнинг 38-боби ва ушбу бобга тегишли бўлган 348<sup>1</sup>-348<sup>17</sup>-моддалар);

3) қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорлар устидан назорат тартибида протест келтириш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахслар томонидан назорат тартибида келтирган протестлар бўйича назорат инстанцияси судлари томонидан назорат тартибида иш юритиш йўли билан текшириш (ФПКнинг 39-боби ва ушбу бобга тегишли бўлган 349-361-моддалар);

4) қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорларни янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш йўли билан текшириш (ФПКнинг 40-боби ва ушбу бобга тегишли бўлган 36-369-моддалар).

Суд қарорларининг қонунийлиги, асослантилганлиги ва адолатли эканлигини текшириш жараёнида апелляция, кассация ва назорат инстанцияси судлари ўзларига берилган ваколатлар доира-

сида, тегишли бўлишига қараб, қонуний кучга кирмаган ва қонуний кучга кирган биринчи инстанция судлари томонидан кўриб ҳал қилинган фуқаролик ишлари бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарорлари, қонуний кучга кирмаган ва қонуний кучга кирган апелляция тартибида кўрилмаган ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорларини ўз кучида қолдириши, ўзгартириши ёки бекор қилиши мумкин.

Суднинг фуқаролик иши бўйича қабул қилган қарорини апелляция, кассация тартибида бекор қилиш учун маълум асослар мавжуд бўлиши керак. Суднинг қарорини бекор қилиш учун қуйидагилар асос бўлиб хизмат қилади:

а) иш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўлиқ аниқланмаганлиги;

б) суд аниқланган деб ҳисоблаган, иш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатларнинг исботланмаганлиги;

в) суднинг ҳал қилув қарорида баён қилинган хулосаларнинг иш ҳолатларига мувофиқ келмаслиги;

г) моддий ҳуқуқ нормалари ёки процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёки нотўғри қўлланганлиги.

Ушбу асослардан бири мавжуд бўлган тақдирда кўриб ҳал қилинган фуқаролик иши бўйича суд томонидан чиқарилган ҳал қилув қарори тегишли бўлишига қараб апелляция, кассация ёки назорат тартибида бекор қилиниши керак. Бу борада шуни алоҳида таъкидлаш керакки, суднинг мазмунан тўғри бўлган, қонуний, асослангандирилган ва адолатли ҳал қилув қарори, ажрим ва қарори фақат расмий асосларга кўра бекор қилиниши мумкин эмас.

Суднинг қарорини апелляция, кассация ва назорат тартибида бекор қилишнинг асослари бўлган моддий ҳуқуқ нормаларини ёки процессуал нормаларнинг нотўғри қўлланганлиги деганда ФПКнинг 313 ҳамда 314-моддаларида кўрсатилган ҳолатларни назарда тутиш керак.

Агар суд кўриб ҳал қилинган фуқаролик иши бўйича татбиқ қилиниши лозим бўлган қонунни қўлламаган бўлса ёки суд иш бўйича татбиқ қилинмаслиги лозим бўлган қонунни қўллаган бўлса, шунингдек, суд қонунни нотўғри талқин қилган бўлса, моддий ҳуқуқ нормалари бузилган ёки нотўғри қўлланилган ҳисобланади. Буларнинг ҳар бири, ўз навбатида, суд ҳал қилув қарори, ажрим ва қарорни бекор қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Моддий ҳуқуқ нормаларини бузиш ёки нотўғри қўллаш суд қарорларини бекор қилиш учун асос бўлса, процессуал ҳуқуқ нормаларини бузиш ёки нотўғри қўллаш ҳам суд қарорларини бекор қилиш

учун асос бўлиб хизмат қилади. Лекин, айтиш жоизки, процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёки нотўғри қўлланганлиги фуқаролик ишининг нотўғри ҳал этилишига сабаб бўлган ёки сабаб бўлиши мумкин бўлган тақдирдагина суднинг ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорнинг бекор қилинишига асос бўлади. Акс ҳолда асос бўлмайди. ФПКнинг 314-моддасида суднинг ҳал қилув қарори, ажрим ва қарорини бекор қилиш асослари кўрсатилган. Булар қуйидагилардан иборат:

1) агар иш суд томонидан ғайриқонуний таркибда кўрилган бўлса;

2) иш суд муҳокамасида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган, аммо суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинмаган шахслардан бирортасининг йўқлигида кўрилган бўлса;

3) иш кўриб ҳал қилинаётганида иш юритиладиган тилга доир қоидалар бузилган бўлса;

4) суд ишда қатнашишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига доир масалани ҳал қилган бўлса;

5) ҳал қилув қарори, ажрим, қарор чиқаришда суд маслаҳатининг сир сақланишга доир қоидалар бузилган бўлса;

6) ҳал қилув қарори, ажрим, қарор судьялардан бирортаси (судья) томонидан имзоланмаган ёки ҳал қилув қарори, ажрим, қарор уларда кўрсатилган судьялар томонидан имзоланмаган бўлса;

7) ҳал қилув қарори, ажрим, қарор ишни кўрмаган судьялар томонидан чиқарилган бўлса;

8) ишда суд мажлиси баённомаси мавжуд бўлмаса ёки у имзоланмаган бўлса, ҳал қилув қарори, ажрим, қарор мажбурий тартибда бекор қилиниши шарт.

Суд қарорлари устидан шикоят қилиш, протест келтириш ва уларни қайта кўриш усулларида бири бу – апелляция тартибида иш юритишдир.

## **II БОБ. БИРИНЧИ ИНСТАНЦИЯ СУДИНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРЛАРИ ВА АЖРИМЛАРИ УСТИДАН БЕРИЛГАН АПЕЛЛЯЦИЯ ШИКОЯТИ (ПРОТЕСТИ) БЎЙИЧА УЛАРНИ ҚАЙТА КЎРИШ (АПЕЛЛЯЦИЯ ТАРТИБИДА СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШ)**

### **1-§. Апелляция тушунчаси ва унинг турлари**

Суд қарорлари устидан апелляция тартибида шикоят қилиш борасида шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу фуқаролик суд ишларини юритиш учун янгилик эмас. Апелляция тартибида шикоят қилиш, ўз моҳиятига кўра, шикоят қилишнинг оддий усули эканлиги хорижий давлатларнинг фуқаролик процессида ўз ифодасини топган. Бу илк бор Рим ҳуқуқи ва процессига оид нормаларда ўз ифодасини топган<sup>1</sup>. Чор Россияси даврида ҳам суд қарорлари устидан апелляция тартибида шикоят қилиш мумкинлиги 1864 йилдаги Фуқаролик суд ишларини юритиш тўғрисидаги Уставда ҳам кўрсатилган<sup>2</sup>. Бундай тартиб то 1917 йилгача давом этиб келган. 1917 йилдаги “Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида қабул қилинган суд тўғрисидаги Декрет”га асосан апелляция тартибида суд қарорлари устидан шикоят қилиш улар асосида ишни қайта кўриш тартиби бекор қилинган.

Суд қарори устидан апелляция тартибида шикоят қилиш тартиби мустақил республикамизда илк бор Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексининг нормаларида қонуний тарзда белгилаб қўйилди. Ушбу кодексни ҳал қилув қарорларини қайта кўриш бўйича иш юритишга бағишланган учинчи бўлими ва ушбу бўлимга тегишли бўлган 21. боби ва бу бобдаги 156-172-моддаларининг мазмунида апелляция тартибида иш юритиш тартиби хўжалик судларининг амалиётига, шунингдек, фуқаролик ишларини кўриб ҳал қилиш ваколатига эга бўлган умумюрисдикция судлари томонидан фуқаролик суд ишларини юритиш асосида кўриб ҳал қилинган ишлар бўйича чиқарилган суд ҳал қилув қарори, ажрим, қўшимча ҳал қилув қарори, сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарори устидан апелляция тартибида шикоят бериш ҳуқуқига эга бўлган шахслар томонидан берил-

---

<sup>1</sup> *Борисова Е.М.* Апелляция в гражданском (арбитражном) процессе. – М., 2000; Гражданский процесс: Учебник / Под ред. М.К.Треушниковой. – М., 2008. – С.509.

<sup>2</sup> Уставъ Гражданского судопроизводства: Систематический сборник / Сост. Владимир Гардон. – Петербург, 1908. – С. 407-438.

ган апелляция шикояті ҳамда прокурор томонидан келтирилган протест асосида уларнинг қонунийлиги, асосланганлиги ва адолатлигини апелляция тартибида текшириш, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексининг 37-боби ва ушбу бобга тегишли бўлган 320-348-моддаларида ўз ифодасини топган<sup>1</sup>.

Ушбу модданинг мазмунига кўра, апелляция инстанцияси судлари, шикоят бериш ФПКнинг 320-моддасида кўрсатилган ҳуқуқга эга бўлган шахслар томонидан келтирилган апелляция шикояті (протести) бўйича биринчи инстанция суди томонидан суд мажлисида мазмунан кўриб ҳал қилинган фуқаролик иши бўйича чиқарилган ва қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарорининг қонуний, асосланганлиги ва адолатли эканлигини текширади. Шунинг учун *апелляция деганда*, биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарорини, ажримини, қонуний, асосланганлиги ва адолатлигини текшириш бўйича апелляция шикоят ёки ишни қайта кўриш тўғрисида протест келтириш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг иккинчи инстанция судига қилган мурожаатни тушуниш керак.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқ назариясида апелляция икки турга ажратилган: а) тўлиқ апелляция; б) тўлиқ бўлмаган апелляция<sup>2</sup>. Апелляциянинг бу икки тури бир-биридан ўзининг мазмун ва моҳияти билан фарқ қилади.

Тўлиқ апелляциянинг моҳияти шундан иборатки, биринчи инстанция суди томонидан кўриб ҳал қилинган иш (талаб) апелляция суди томонидан яна қайта кўриб ҳал қилинади. Шу муносабат билан ишда иштирок этувчи тарафлар янги фактларга ҳавола қилишади. Янги далилларни тақдим этишлари, янги эътирозларни киритишлари мумкин.

Тўлиқ апелляциянинг мақсади бу - ишни узил-кесил тўлиқ ҳал қилиш учун зарур бўлган барча фактик материалларни биринчи инстанция судига тақдим этиш борасида тарафлар томонидан йўл қўйилган хатоликларни аниқлаб, уларни тўғрилашдан иборат.

Тўлиқ бўлмаган апелляциянинг моҳияти шундан иборатки, бундай апелляцияда апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодекси. – Т., 2015. – Б.63-69; Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. – Т., 2015 – Б.141-153.

<sup>2</sup> Яблочков Т.М. Учебник русского гражданского судопроизводства. – Ярославль, 1910. – С. 27-28; Гражданский процесс: Учебник / Под ред. М.К.Треушниковой. – М., – 2008. – С.509.

судининг иш бўйича қабул қилган қарорини текшириш билан чекланмасдан, суд жараёнини ҳам текширади. Шунинг учун ишда иштирок этувчи тарафлар иш юзасидан янги фактларга ҳавола қилмайдилар, иш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган янги далилларни тақдим этиш ҳуқуқига эга эмаслар. Апелляция инстанция суди ишдаги бор материаллар асосида ишни кўриб ҳал қилиш йўли билан биринчи инстанция судини ишнинг кўриш жараёнини ҳамда унинг иш юзасидан қабул қилган ҳал қилув қарорининг қонуний ва асослантирилганлигини текширади. Бундай апелляция бўйича апелляция инстанцияси судида иш юритиш, ишни янгидан кўриб ҳал қилишга қаратилмасдан, суд қарорини текширишга қаратилади. Бундан кўриниб турибдики, тўлиқсиз апелляцияда юқори суд тарафларнинг хатоларини эмас, биринчи инстанция судининг хатосини текширади.

Тўлиқсиз апелляцияда, апелляция инстанцияси суди ўз фаолиятини биринчи инстанция суд томонидан фуқаролик ишини кўриб ҳал қилиш бўйича суд жараёнини ва иш юзасидан чиқарилган қарорни субъектив жиҳатдан текширишга қаратади. Апелляция инстанция суди фуқаролик ишини кўриб ҳал қилиш ва иш юзасидан ҳал қилув қарорини чиқариш жараёнида биринчи инстанция судининг судда ҳақиқатан ҳам иш бўйича мавжуд бўлган ҳолатларни иш бўйича ўзидаги фактик материаллар ҳамда далилларга асосланган ҳолда аниқ ўрнатилганлигини текшириб аниқлайди.

Тўлиқ апелляцияда эса, апелляция инстанция суди иш бўйича муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни, бор ҳақиқатга қанчалик мослигини текширади. Апелляция қандай турда бўлмасин биринчи инстанция судининг мазмунан кўриб ҳал қилинган, фуқаролик иши юзасидан чиқарилган ҳал қилув қарорлари, ажримлари устидан апелляция инстанция судига шикоят қилишнинг процессуал воситаси ҳисобланади ва қуйидаги хусусиятларга эга:

1) апелляция шикояти биринчи инстанция судининг иш юзасидан қабул қилинган ва қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарорига нисбатан берилади;

2) апелляция шикояти бўйича иш кўриб ҳал қилиш учун юқори судга ўтказилади;

3) апелляция шикоятини бериш иш юзасидан суднинг чиқарган ҳал қилув қарорининг қонуний ва асослантирилмаганлигидан норозилиги, апелляция шикоятини берган шахснинг норозилиги билан ўзаро боғлиқ бўлади;



4) апелляция инстанция суди ишни қайта кўриш жараёнида ишни ҳуқуқий ҳамда фактик томонларини биринчи инстанция суди қанча ҳажмда текширган бўлса, шунча ҳажмда текширади;

5) апелляция инстанция суди, умумий қоидага кўра, ишни кўриб ҳал қилиш натижасида ишни янгидан кўриб ҳал қилиш ва қарор чиқариш учун биринчи инстанция судига юборишга ҳақли эмас. Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори апелляция инстанцияси томонидан бекор қилинган тақдирда ишни кўриб иш бўйича янги ҳал қилув қарорини чиқариши керак;

6) апелляция инстанция судининг ишни қайта кўриш бўйича ваколати, ҳал қилув қарори юзасидан апелляция тартибида келтирилган шикоят (протест) ҳамда суд ҳал қилув қарорининг предметга боғлиқ бўлади. Биринчи инстанция судининг иш юзасидан чиқарган ҳал қилув қарорининг предмети бўлмаган янги талаблар, апелляция тартибида иш юритиш жараёнида арз қилинмайди.

Апелляцияни биринчи инстанция суди томонидан суд мажлисида мазмунан кўриб ҳал қилинган ва қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори устидан апелляция инстанция судига шикоят қилишнинг асосий процессуал воситаси эканлиги ва унинг юқорида кўрсатиб ўтилган хусусиятлари юридик адабиётларда ҳам ўз ифодасини топган<sup>1</sup>.

Юқорида кўрсатиб ўтилган хусусиятлар апелляциянинг биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори устидан шикоят қилишнинг асосий процессуал воситаси эканлигидан далолат беради.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорлари ва ажримлари устидан шикоят бериш, протест келтириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар томонидан келтирилган апелляция шикояти (протести) бўйича уларни апелляция инстанцияси судларида қайта кўриш масалалари фуқаролик процессуал кодексининг 320-348-моддаларида кўрсатилган. Апелляция инстанцияси судлари юқоридаги моддаларнинг мазмунига асосланган ҳолда ишда иштирок этувчи шахсларнинг апелляция тартибида келтирган шикояти (протести) бўйича биринчи инстанция суди томонидан мазмунан кўриб ҳал қилинган фуқаролик ишини қайта кўриб ҳал қилади ва шу йўл билан биринчи инстанция судларини кўриб ҳал қилинган фуқаролик ишлари юзасидан чиқарган ва

---

<sup>1</sup> Гражданский процесс: Учебник / Под ред. М.К.Треушникова. – М., 2008. – С.510; Гражданское процессуальное право России / Под ред. П.В.Алексия, Н.Д.Амаглобели / Закон и право. – 2007. – С. 317.

қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарорининг қонунийлиги, асослан-тирилганлиги ҳамда адолатлилигини текширади. Бундан кўриниб турибдики, ФПКнинг юқорида кўрсатилган моддалари апелляция тартибида иш юритишни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солади.

Бу моддаларнинг йиғиндиси ва уларнинг мазмуни апелляция институтини ташкил қилади. Апелляция институти жорий этилганлиги, ўзининг мазмун-моҳиятига кўра, ишда иштирок этувчи шахсларнинг биринчи инстанция суди томонидан мазмунан кўриб ҳал қилинган фуқаролик иши юзасидан чиқарилган ва қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори ва ажримдан норози бўлиб апелляция тартибида берилган шикоят (протест) бўйича фуқаролик ишини қайта кўриб ҳал қилиш, фуқаролик процессини асосий ва мустақил босқичларидан бири эканлигидан далолат беради.

Апелляция тартибида иш юритиш, яъни биринчи инстанция судининг мазмунан кўриб ҳал қилинган фуқаролик иши юзасидан чиқарган қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори ва ажримини апелляция суди томонидан уларнинг қай даражада қонуний, асослан-тирилган ва адолатли эканлигини текшириш ўз-ўзидан амалга оширилмайди. Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ва ажримини апелляция инстанцияси суди томонидан текшириш ишда иштирок этувчи шахсларнинг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлади. Агар ишда иштирок этувчи тарафлар ёки уларнинг вакиллари, учинчи шахслар биринчи инстанция судини мазмунан кўриб ҳал қилинган фуқаролик иши юзасидан чиқарган ва қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори ёки ажримдан норози бўлиб, апелляция тартибида юқори судга апелляция тартибида шикоят қилмаса, туман (шаҳар) прокурори протест келтирмаса, апелляция инстанцияси судлари ўз-ўзидан биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарорини ёки ажримини қай даражада қонуний, асослан-тирилган ва адолатли эканлигини текширмайди. Ишни қайта кўриб текшириш учун асос бўлиши керак.

Биринчи инстанция судини мазмунан кўриб ҳал қилинган фуқаролик иши юзасидан чиқарган ва қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори ёки ажримини апелляция инстанцияси судлари томонидан текшириш учун бирдан-бир асос шикоят келтириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар томонидан апелляция тартибида берилган шикоят ҳамда прокурорнинг апелляция тартибида келтирган протести ҳисобланади.

Апелляция шикояти (протести), ўз моҳиятига кўра, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорлари ва ажримларининг қай

даражада қонуний, асослантирилган ва адолатли бўлишлигини текшириш бўйича юқори судга мурожаат қилишнинг процессуал воситаси бўлиши билан бирга, апелляция инстанцияси судида иш қўзғатиш ва суд қарори ва ажримини текшириш асоси ҳисобланади. Ишда иштирок этувчи шахслар, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ёки ажримдан норози бўлиб, юқори судга апелляция шикоятни билан мурожаат қилса, прокурор эса, апелляция тартибида протест келтирсагина, апелляция инстанцияси суди улар асосида иш қўзғатиб суд ҳал қилув қарорини ёки ажримини текшириш бўйича ўз фаолиятини амалга оширади.

Апелляция инстанцияси судига шикоят бериш, протест келтириш ҳуқуқига эга бўлган шахсларни апелляция тартибида берган шикоятни (протести) бўйича биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори ва ажримини текшириш йўли билан биринчи навбатда бу суднинг хатоларини тuzатади. Иккинчидан, иш бўйича одил судловнинг судлар томонидан тўғри амалга оширилишига ёрдам беради. Учунчидан, ишда иштирок этувчи шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, бузилган ҳуқуқларни бузилмасдан олдинги ҳолатга тиклашда муҳим аҳамият касб этади. Тўртинчидан, биринчи инстанция судлари томонидан мазмунан кўриб ҳал қилинадиган фуқаролик ишлари бўйича уларни қонуний, асослантирилган ва адолатли ҳал қилув қарорини чиқариш учун ундайди. Бешинчидан, иш юзасидан моддий ва процессуал нормаларни тўғри татбиқ қилишга даъват этади. Олтинчидан, қўйи судларнинг фаолиятини назорат қилади. Еттинчидан, ҳуқуқ бузилиш ҳолларининг олдини олади ва қонунчиликни мустаҳкамлайди.

Фуқаролик ишлари бўйича биринчи инстанция судларининг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарорлари бўйича барча ҳолатларни текшириш кераклиги Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Фуқаролик ишларини апелляция тартибида кўриш амалиёти ҳақида”ги (2004 йил 21 май) қарорида ҳам кўрсатиб ўтилган Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорининг туб моҳияти, фуқаролик ишларининг юқори судларда кўриб ҳал қилинишидан асосий мақсад, биринчи инстанция судининг мазмунан кўриб ҳал қилинган фуқаролик иши юзасидан чиқарган ва қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори, ажримини қай даражада қонуний, асослантирилган ва адолатлилигини текшириб, бу судлар томонидан йўл қўйилган хато ва камчиликларни аниқлаб, уларни ўз вақтида бартараф қилиб судга мурожаат қилган шахсларнинг бузилган субъектив ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Юқорида баён этилган барча ҳолатлар бўйича хулоса қилиб айтиш мумкинки, биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори ва ажримининг қай даражада қонуний, асослантирилган ва адолатли эканлигини апелляция тартибида шикоят бериш ёки протест келтириш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг апелляция тартибида келтирилган шикоят (протест) бўйича апелляция инстанцияси суди томонидан процессуал қонунчилигида белгилаб қўйилган тартибда текшириш, биринчи инстанция судлари томонидан мазмунан кўриб ҳал қилинган ишлар юзасидан қабул қилинган ва қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори ва ажримдаги хато ва камчиликларни бартараф қилишнинг асосий кафолатларидан бири ҳисобланади.

Фуқаролик ишлари бўйича апелляция тартибида суд ишларини юритиш – бу биринчи инстанция судининг мазмунан кўриб ҳал қилинган фуқаролик иши юзасидан чиқарган ва қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори ва ажримдан норози бўлган ишда иштирок этувчи шахслар томонидан апелляция тартибида берилган шикоят (протест) бўйича апелляция инстанцияси суди томонидан ҳал қилув қарори ва ажримини қай даражада қонуний, асослантирилган ва адолатли эканлигини текшириш ва йўл қўйилган хатоликларни аниқлаб уларни бартараф қилиш мақсадида фуқаролик ишини қайта кўриш бўйича апелляция судида иш қўзғатиш ва кўриб ҳал қилишдан иборат.

## **2-§. Фуқаролик ишлари бўйича апелляция тартибида иш юритишнинг элементлари**

Фуқаролик ишлари бўйича апелляция тартибида иш юритиш билан бевосита боғлиқ бўлган ҳуқуқий масалалардан бири – бу биринчи инстанция судининг мазмунан кўриб ҳал қилишга фуқаролик иши юзасидан қабул қилинган ва қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори ва ажрими устидан апелляция тартибида шикоят бериш, протест келтириш ҳуқуқи ҳисобланади. Апелляция тартибида шикоят бериш ҳуқуқи, ўз моҳиятига кўра, апелляция тартибида иш юритишни қўзғатиш учун ФПКнинг 320-моддаси бўйича шахсларга берилган ҳуқуқдир. Биринчи инстанция судларининг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарорлари устидан шикоят бериш ҳуқуқи ишда иштирок этувчи шахсларда иш юзасидан қабул қилинган ҳал қилув қарорининг эълон қилиниши билан вужудга келади. Ҳал қилув қарорининг эълон қилиниши билан прокурорда ҳам унинг устидан протест келтириш ҳуқуқини вужудга келтиради. Ушбу ҳуқуқни амалга ошириш учун унинг объекти,

шикоят қилувчи субъектлари, шунингдек, уни амалга ошириш тартибининг қонунда белгилаб қўйилганлигидир.

Ишда иштирок этувчи шахслар ўзларига қонуний тарзда берилган биринчи инстанция суди томонидан мазмунан кўриб ҳал қилинган фуқаролик иши юзасидан қабул қилинган ва қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори ёки ажрими устидан апелляция шикаятини бериш ёки протест келтириш ҳуқуқидан фойдаланиб апелляция судига мурожаат қилиш ушбу суд бўғини билан ишда иштирок этувчи шахслар ўртасида фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатни вужудга келтиради. Шунинг учун апелляция шикаятининг объектларини тўғри аниқлаб олиш ўта муҳим аҳамиятга эга.

Апелляция тартибида шикаят беришнинг объектлари қуйидагилар ҳисобланади:

а) биринчи инстанция судининг фуқаролик иш юзасидан чиқарган ва қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарорлари (ФПКнинг 320-моддаси);

б) биринчи инстанция суди томонидан фуқаролик иши бўйича қабул қилган қўшимча ҳал қилув қарори (ФПКнинг 214-моддаси);

в) биринчи инстанция суди томонидан сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарори (ФПКнинг 229-моддаси);

г) Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий судининг, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг биринчи инстанция суди сифатида чиқарган ҳал қилув қарорлари (ФПКнинг 321-моддаси);

д) округ ва ҳудудий ҳарбий судларнинг ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳарбий судининг ҳал қилув қарорлари (ФПКнинг 321-моддаси);

е) Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳал қилув қарорлари (ФПКнинг 321-моддаси);

ё) биринчи инстанция судининг ажримлари (ФПКнинг 346-моддаси).

Биринчи инстанция суди ва юқори судларнинг биринчи инстанция суди тариқасида чиқарган ҳал қилув қарорлари, шунингдек, биринчи инстанция суди томонидан фуқаролик ишини мазмунан кўриб ҳал қилиш билан боғлиқ бўлган айрим масалалар юзасидан чиқарилган ва шикаят қилиниши мумкинлиги қонунда кўрсатилган ажримлар пировард натижада апелляция тартибида шикаят бериш, протест келтиришнинг объектлари ҳисобланади.

Апелляция тартибида шикаят беришнинг асосий элементларидан яна бири – апелляция тартибида шикаят бериш ва протест келтириш ҳуқуқига эга бўлган субъектлардир. Апелляция тартибида шикаят бериш ҳуқуқига эга бўлган субъектларга ишда иштирок этувчи

шахслар киради. Жумладан, тарафлар, учинчи шахслар, уларнинг вакиллари процесда бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишда иштирок этадиган прокурор, давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқаролар (ФПКнинг 33-моддаси). Шунингдек ишда иштирок этиш учун жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги масала суд томонидан ҳал этилган шахслар (ФПКнинг 310-моддаси).

Прокурор ишда иштирок этувчи шахс сифатида ФПКнинг 34 ҳамда 47-моддасига асосан суднинг ҳал қилув қарори, ажрими юзасидан апелляция тартибида протест келтириш ҳуқуқига эга. Прокурор ўзига берилган ушбу ҳуқуқдан фойдаланиб, биринчи инстанция судининг фуқаролик иши бўйича чиқарган ва қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори ёки ажрими устидан апелляция тартибида протест келтирса, прокурорнинг апелляция тартибида келтирган протести биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори ёки ажримининг қай даражада қонуний, асослангандирлиги ва адолатлигини текшириш учун апелляция инстанция судида иш қўзғатиб, апелляция тартибида иш юритиш асосида суд ҳал қилув қарорлари ёки ажримларини текшириш бўйича фуқаролик ишини қайта қўриш учун асос бўлади.

Ишда иштирок этувчи тарафлар, учинчи шахслар ва уларнинг вакили ҳам ишда иштирок этувчи шахс таркибига киради. Вакил ҳам ишда иштирок этувчи шахс бўлганлиги учун биринчи инстанция судининг иш юзасидан чиқарган ва қонуний кучга кирмаган суд ҳал қилув қарорлари ва ажримлари устидан апелляция шикоятни бериш ҳуқуқига эга (ФПКнинг 34-моддаси). Шу билан бирга, вакилнинг апелляция шикоятини бериш ҳуқуқи ихтиёрий (шартномага асосланганлиги) вакилнинг ваколатларига бағишланган ФПКнинг 54-моддасида ҳам кўрсатилган. Ушбу модданинг мазмунида баён этилишича, вакил суд ҳал қилув қарори, ажрими устидан апелляция шикоятини бериши мумкин, агарда ваколат берувчи шахс томонидан вакилга берилган ваколатномада кўрсатилган бўлса. Апелляция шикоятини бериш ҳуқуқи вакилга берилган ваколатномада кўрсатилмаган бўлса, вакил бундай ҳуқуқдан фойдалана олмайди. Бундан кўриниб турибдики, ФПКнинг ишда иштирок этувчи шахсларнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларига бағишланган 34-моддаси билан вакилнинг ваколатларига бағишланган 54-моддаси ўртасида номувофиқлик мавжуд. Ушбу номувофиқликни бартараф қилиш учун ФПКнинг вакилнинг ваколатига бағишланган 54-моддасининг мазмунида вакил биринчи

инстанция суди томонидан мазмунан кўриб ҳал қилган ва қонуний кучга кирмаган суд ҳал қилув қарори (ажрим) бўйича шикоят бериш ҳуқуқига эга деб, ушбу моддага ўзгартириш киритилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан ҳимоя қилинадиган қонуний манфаатларини судда уларнинг қонуний вакиллари (ота-оналари, уларни фарзандликка олганлар, васийлар ёки ҳомийлар) ҳимоя қилади (ФПКнинг 51-моддаси). Қонуний вакиллар судда иш юритиш билан боғлиқ бўлган ўз ваколатларини махсус тарзда расмийлаштирилган ва нота-риал тартибда тасдиқланган ишончномасиз амалга оширадилар. Шундай экан, қонуний вакиллар биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори, ажрими юзасидан апелляция шикоятини бериш масаласини уларнинг ўзлари мустақил тарзда ҳал қиладилар.

ФПКнинг 43-моддаси процессуал ҳуқуқий ворисликка бағишланган. Ушбу модданинг иккинчи қисмида ҳуқуқий ворис процессга киргунга қадар амалга оширилган барча процессуал ҳаракатлар ҳуқуқий ворисга ўзини бўшатиб берган шахсга қай даражада мажбурий бўлган бўлса, ҳуқуқий ворисга ҳам шу даражада мажбурий эканлиги кўрсатилган бўлса-да, ҳуқуқий вориснинг суднинг ҳал қилув қарори (ажрими) бўйича апелляция шикояти бериш ҳуқуқига эга эканлиги кўрсатилмаган, бироқ ҳуқуқий вориснинг иш материаллари билан танишишга ҳақли эканлиги кўрсатилган.

Миллий процессуал қонунчилигимизда ҳуқуқий вориснинг процессга киришганлиги ҳақида суднинг ажрим чиқариши ФПК 43-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган. Агар суд ҳуқуқий ворисни процессга киритишига йўл қўймаса, суд қандай ҳужжат қабул қилиш керак деган саволга жавоб йўқ. Ҳуқуқий ворисни процессга киритиш тўғрисидаги талабни суд (судья) рад этса, бу ҳақда ажрим чиқариши керак. Суднинг бундай ажрими устидан шикоят бериш ҳуқуқини, ҳуқуқий ворисга бериш бу ҳақда ФПК 43-моддаси биринчи бандининг охирига ўзгартириш киритилиб кўрсатиб қўйилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Апелляция тартибида суд ишларини юритишни қўзғатишнинг процессуал воситаси ишда иштирок этувчи тарафлар, учинчи шахслар ва уларнинг вакиллари томонидан суднинг ҳал қилув қарори (ажрими) бўйича берган апелляция шикояти, прокурор томонидан келтирилган апелляция протести ҳисобланади. Тарафлар, учинчи шахслар ва уларнинг вакили учун апелляция шикояти, прокурор учун

апелляция протести апелляция инстанцияси судида биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори, ажримининг қай даражада қонуний, асослантирилган ва адолатлилигини текшириш бўйича иш қўзғатиш учун процессуал воситагина бўлиб қолмай, апелляция инстанцияси судида апелляция тартибида иш юритишни қўзғатишнинг асоси бўлиб хизмат қилади.

Апелляция тартибида шикоят бериш ва протест келтириш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар суднинг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори чиққан кундан эътиборан йигирма кун ичида тарафлар ишда иштирок этишга жалб қилинган бошқа шахслар, шунингдек, ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги масала суд томонидан ҳал этилган шахслар биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори устидан апелляция шикояти беришлари, прокурор протест келтириши мумкин. Кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган шикоят (протест) кўрилмасдан қолдирилади ва шикоят (протест) берган шахсга қайтарилади (ФПКнинг 320-моддаси).

Суднинг ҳал қилув қарори устидан апелляция тартибида шикоят (протест) бериш тартиби процессуал қонунчилигига оид нормаларда кўрсатилган. ФПКнинг 322-моддаси бевосита апелляция шикояти бериш ҳамда протест келтириш тартибига бағишланган. Ушбу муддатнинг мазмунига кўра, биринчи инстанция судининг суд мажлисида мазмунан кўриб ҳал қилинган фуқаролик иши юзасидан чиқарган ва қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори устидан бериладиган апелляция шикояти ёки протести, апелляция инстанция судининг номига ёзма равишда ёзилади, лекин иш бўйича ҳал қилув қарорини чиқарган судга берилади. Бундай қоида ўрнатилганлигининг асосий сабаби, ишда иштирок этувчи шахсларга маълум маънода қулайликлар яратиб бериш билан бирга, суднинг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори устидан апелляция тартибида шикоят бериш, протест келтириш учун белгиланган муддат ўтмасдан туриб, уни ҳеч ким биринчи инстанция судидан талаб қилиб ололмаслигидир.

Суднинг ҳал қилув қарори устидан апелляция тартибида шикоят бериш ёки протест келтириш учун қонунда белгилаб қўйилган муддат давомида ишда иштирок этувчи шахслар томонидан апелляция шикояти берилган бўлса ёки прокурор томондан протест келтирилган бўлса, биринчи инстанция суди белгиланган муддат ўтгандан кейин апелляция шикояти ёки протестини иш билан биргаликда апелляция инстанцияси судига юбориши керак.



Тарафларнинг вакиллари ишда иштирок этувчи шахс бўлганликлари учун суднинг ҳал қилув қарори устидан апелляция шикоятини бериш ҳуқуқига эга. Вакил томонидан берилган апелляция шикоятига ишонч билдирувчи шахс томонидан вакилга берилган ишончнома ёки унинг ҳуқуқини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжат илова қилиниши керак.

Апелляция шикояти ёки протести судга ишда иштирок этувчи шахсларнинг сонига мутаносиб миқдорда нусхалари билан берилиши керак. Зарур ҳолларда судья суднинг ҳал қилув қароридан норози бўлиб, унинг устидан апелляция шикояти берган шахс ёки апелляция протести келтирган прокурор зиммасига апелляция шикояти ёки протестига илова қилинган ёзма ҳужжатларнинг нусхаларини ҳам ишда иштирок этувчи шахслар сонига мутаносиб миқдорда топшириш мажбуриятини юклаши мумкин.

Биринчи инстанция суднинг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори устидан ишда иштирок этувчи шахслар томонидан берилган апелляция шикояти ёки прокурор томонидан келтирилган апелляция протести шакл жиҳатдан ёзма равишда ёзилиб, ўзида қуйидагиларни намоён этиши керак:

- 1) шикоят берилаётган ёки протест келтирилаётган суднинг номи;
- 2) шикоят ёки протест келтираётган шахснинг номи (фамилияси, исми, отасининг исми);
- 3) шикоят қилинаётган ёки протест келтирилаётган ҳал қилув қарори ва уни чиқарган суд;
- 4) ҳал қилув қарорининг нотўғрилиги нималардан иборат эканлиги;
- 5) шикоят бераётган ёки протест келтираётган шахснинг талаби;
- 6) шикоят ёки протестга илова қилинган ёзма материалларнинг рўйхати.

Апелляция шикояти ёки протестида кўрсатилиши керак бўлган барча ҳолатларнинг йиғиндиси апелляция шикояти ёки протести мазмунини ташкил қилади. Суднинг ҳал қилув қароридан норози бўлиб, унинг устидан апелляция шикоятни бераётган шахснинг ўзи ёки унинг вакили имзолаши керак. Апелляция протести ушбу фуқаролик ишини судда кўриб ҳал қилиш жараёнида иштирок этган ёки этмаганлигидан қатъи назар прокурор томонидан келтирилган бўлса, прокурор томонидан имзоланиши керак. Апелляция шикоятида ёки протестида шикоят берган ёки протест келтирган шахснинг ёхуд вакилининг телефонлари, факс рақамлари, электрон манзили кўрсатилиши керак.

Таъкидлаб ўтганимиздек, биринчи инстанция суднинг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори устидан бериладиган апелляция шикоятлари ва протестлари ёзма равишда апелляция инстанция суди

номига ёзилиб, ишни мазмунан кўриб ҳал қилиб иш юзасидан ҳал қилув қарорини чиқарган судга берилади. Ушбу суд апелляция тартибида шикоят бериш ва протест келтириш учун белгиланган муддатда ишда иштирок этувчи шахслар томонидан берилган апелляция шикоятини ёки прокурор томонидан келтирилган протестни олгандан сўнг биринчи инстанция суди қуйидаги процессуал ҳаракатларни амалга ошириши керак:

1) ишда иштирок этувчи шахсларга шикоят ёки протестнинг нусхаларини юбориш;

2) ишда иштирок этувчи шахсларни апелляция инстанция судида ишни кўриш вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилиш;

3) ҳал қилув қарори устидан шикоят бериш ёки протест келтириш учун белгиланган муддат ўтган вақтдан эътиборан ўн кун ичида ишни тушган шикоят ёки протест билан бирга апелляция инстанция судига юбориши шарт.

Ҳал қилув қарори устидан шикоят бериш ва протест келтириш учун белгиланган муддат ичида ҳеч ким ишни суддан талаб қилиб олиши мумкин эмас. Шундай бўлса-да, ишда иштирок этувчи шахслар судда иш материаллари ва тушган шикоятлар ёки протестлар билан танишишлари мумкин. Чунки, уларга судда иш материаллари, шунингдек, иш бўйича берилган апелляция шикояти ёки келтирилган апелляция протести билан танишиш ҳуқуқи берилган. Бу ҳолат ФПКнинг 325-моддасида қонуний тарзда белгилаб қўйилган.

Биринчи инстанция суднинг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори устидан ишда иштирок этувчи шахслар томонида қатнашаётган шерик иштирокчилар ва учинчи шахслар судга берилган шикоятга қўшилишлари мумкин. Берилган шикоятга қўшилиш шерик иштирокчиларга ва учинчи шахслар учун маълум имтиёзлар яратади. ФПКнинг 326-моддасида кўрсатилишича, протест ёки шикоят берган тарафда қатнашаётган шерик иштирокчилар ва учинчи шахслар тараф томонидан берилган апелляция шикоятига қўшилсалар, улар шикоят бўйича тўланиши керак бўлган давлат божини тўламайдилар. Улар давлат божини тўлашдан қонуний тарзда озод қилинган.

Апелляция шикояти ёки протести ФПКнинг 322 ҳамда 323-моддаларида кўрсатилган талабларга, яъни апелляция шикояти ёки протестини бериш тартиби ҳамда унинг мазмунига риоя қилинган ҳолда берилиши керак. Ушбу талабларга риоя қилмаслик маълум ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаришга сабаб бўлади. Масалан, биринчи инстанция суднинг ҳал қилув қарори устидан апелляция шикоятини

бериш ёки протест келтиришда, шикоят бериш ёки протест келтириш тартибига ҳамда шикоят ва протест мазмунига қўйилган талаблар ишда иштирок этувчи шахслар томонидан бузилган бўлса, шикоят бўйича давлат божи уни тўлашдан озод қилинмаган шахс томонидан тўланмаган бўлса, ушбу ҳолат апелляция шикояти ёки протестни ҳаракатсиз қолдириш учун асос бўлади. Шунинг учун ишда иштирок этувчи шахслар, суднинг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори устидан апелляция шикоятини бериш ёки протест келтиришда шикоят бериш ёки протест келтириш учун қонунда белгилаб қўйилган тартибга ҳамда шикоят ёки протестнинг мазмунига қўйилган талабларга риоя қилиб судга тақдим этишлари керак.

Апелляция шикоят ёки протестини ҳаракатсиз қолдириш тўғрисида судья бу шикоят ёки протестнинг ҳаракатсиз қолдирилишига асос бўлган камчиликларни ва уларни тугатиш учун муддатни кўрсатиб ажрим чиқариши керак. Ажрим апелляция шикояти берган ёки протест келтирган шахсга имзо қўйдириб топширилади ёки унга почта орқали ёхуд ахборот тизими орқали электрон шаклда юборилиши керак.

Биринчи инстанция суднинг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори устидан апелляция шикоятини берган ёки протест келтирган шахс суднинг ажримда кўрсатилган муддатда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этса, ҳаракатсиз қолдирилган шикоят ёки келтирилган протест дастлаб судга тақдим этилган кундан берилган ҳисобланади. Акс ҳолда, шикоят ёки протест берилмаган ҳисобланади ва ўз навбатида шикоят берган ёки протест келтирган шахсга (прокурорга) қайтариб берилади. Судья бу ҳақда ажрим чиқариши керак (ФПКнинг 324-моддаси).

Апелляция шикояти ёки протести бўйича ишда иштирок этувчи шахслар томонидан тушунтириш бериш ёки эътироз билдириш, апелляция шикояти бериш тартибига оид ҳуқуқий масалалардан бири ҳисобланади. Ишда иштирок этувчи шахслар томонидан берилган шикоят ёки прокурор томонидан келтирилган протест юзасидан судга тушунтириш бериш ёки эътироз билдиришлари мумкин.

Фуқаролик процессуал Кодексининг 327-моддасининг мазмунида баён этилишича, ишда иштирок этувчи шахслар шикоят ёки протест юзасидан тушунтириш ёки эътироз билдирганда, берган тушунтиришни, билдирилган эътирозини тасдиқлайдиган ҳужжатларни илова қилиб топширишлари керак. Апелляция шикояти ёки протести юзасидан берилган тушунтиришлар ҳамда эътирозлар, апелляция шикояти ёки протести каби ишда иштирок этувчи шахсларнинг сонига мутаносиб миқдорда нусхалари билан бирга судга тақдим этилиши керак.

Ахборот тизими орқали электрон шаклда юбориладиган тушунтиришлар бундан мустасно. Тушунтиришлар ва эътирозларга суд ишида иштирок этувчи шахсларга топшириши ёки юбориши лозим. Чунки ишда иштирок этувчи шахслар апелляция инстанцияси судида ишни кўриш, яъни суд мажлисига етарли даражада тайёргарлик кўриш имкониятига эга бўлишлари керак.

Ҳал қилув қарори устидан апелляция тартибида берилган шикоят ёки протестини булар учун белгиланган муддат ўтган вақтдан эътиборан ўн кун ичида – иш биринчи инстанция суди томонидан тушган шикоят ёки протест билан бирга қўшиб қайта кўриш учун юборилган фуқаролик ишини қабул қилиб олган апелляция инстанция суди биринчи инстанция суди каби маълум процессуал ҳаракатларни бажаради. Жумладан: апелляция инстанцияси суди зарур ҳолларда ишда иштирок этувчи шахсларга ҳал қилув қарори устидан апелляция тартибида берган шикоят ёки протест юзасидан тушунтириш ва эътирозлари бўлса, уларни билдиришни таклиф қилади, берилган тушунтириш, эътирозни, шунингдек, уларга илова қилинган ҳужжатларни ишда иштирок этувчи шахсларнинг сонига қараб мутаносиб миқдорда нусхалари билан тақдим қилади. Ушбу ҳужжатларни суд ишда иштирок этувчи шахсларга топширади.

Апелляция инстанцияси суди ишда иштирок этувчи шахсларнинг талаби ёки ўз ташаббуси билан иш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган далилларни талаб қилиб олади.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг ўзига хос бўлган эркин ҳуқуқлилик ва тортишувчилик (диспозитивлик) принципига асосан ишда иштирок этувчи тарафлар, учинчи шахслар ва уларнинг вакиллари, шунингдек, бошқа шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш ваколатига эга бўлган прокурор, давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқаролар, биринчи инстанция судининг суд мажлисида мазмунан кўриб ҳал қилинган фуқаролик иши бўйича чиқарган ҳал қилув қарори ва ажримлари устидан апелляция тартибида шикоят бериш, прокурор эса протест келтириш ҳуқуқидан фойдаланиб, бу ҳуқуқни ўз хоҳишлари бўйича амалга оширадилар. Бу шахсларни биринчи инстанция суднинг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори, ажримлари устидан апелляция шикоятини бериш, прокурорни эса, протест келтириш учун ҳеч ким мажбур қила олмайди.

Биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори устидан берилган апелляция шикоятини ёки протестини ишда

иштирок этувчи шахслар тўлдириш, ўзгартириш, ундан воз кечиш ва қайтариб олиш ҳуқуқига ҳам эга. Ушбу ҳуқуқларни ҳам ишда иштирок этувчи шахслар эркин ҳуқуқлилик ва тортишувчилик принципига асосланган ҳолда улардан фойдаланадилар ва ўз хоҳишлари бўйича амалга оширадилар.

Шикоятдан воз кечиш, биринчидан, қонунга зид бўлмаслиги керак, иккинчидан, бошқа бировларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан ҳимоя қилинадиган манфаатларига таъсир қилмаслиги ва бузмаслиги керак. Ушбу талаблар асосида шикоятдан воз кечган бўлса, суд уни қабул қилиб олиши керак. Агар шикоятдан воз кечиш зўрлаш, алдаш, кўрқитиш йўли туфайли, қонунга зид ёки бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларига таъсир қилса, суд шикоятни қабул қилиб олмаслиги керак.

Биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори (ажрим) устидан апелляция тартибида шикоят келтирган шахс иш бўйича апелляция инстанцияси судида, суд мажлиси бошлангунига қадар ҳам ўз шикоятини қайтариб олиши ёки ишни кўриб ҳал қилиш босқичида ҳам ундан воз кечиб қайтариб олиши мумкин.

Ҳал қилув қарори устидан апелляция тартибида протест келтирган прокурор томонидан келтирилган протестидан воз кечишлик ўзига хос хусусиятга эга. Апелляция тартибида протест келтирган прокурорнинг ўзи, шунингдек, юқори турувчи прокурор фақат суд мажлиси бошлангунга қадар протестни тўлдириш, ўзгартириш ва қайтариб олиши мумкин. Агар прокурор томонидан келтирилган апелляция протести бўйича апелляция инстанцияси суди ишни кўришга киришган бўлса, протестни тўлдириш, ўзгартириш ёки воз кечишга йўл қўйилмайди. Чунки прокурор иш бўйича тараф ҳисобланмайди.

Агар биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори устидан бошқа шахслар апелляция шикоятни бермаган бўлса, шикоят берган шахснинг ўз шикоятидан воз кечганлигини суд қабул қилган бўлса, шунингдек, протест қайтариб олинганда апелляция инстанцияси суди ажрим чиқариб, ўзининг ушбу ажрими билан апелляция тартибида иш юритишни тугатади.

### **3-§. Фуқаролик ишини апелляция инстанцияси судида кўриб ҳал қилиш**

Апелляция тартибида иш юритиш фуқаролик процессининг мустақил босқичларидан бири ҳисобланади. У босқичнинг асосий

вазифаси биринчи инстанция суди томонидан мазмунан кўриб ҳал қилинган фуқаролик иши юзасидан чиқарилган ва қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори ва ишни мазмунан ҳал қилиб бермайдиган ва қонунда шикоят бериш ёки протест келтириш мумкин бўлган ажримларини апелляция тартибида шикоят ёки протест келтириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар томонидан апелляция тартибида келтирилган шикоят (протест) бўйича, суд ажримларини эса, хусусий шикоят (протест)лар бўйича уларнинг қай даражада қонуний, асослантирилган ва адолатли эканлигини текшириш асосида биринчи инстанция судлари томонидан йўл қўйилган хато ва камчиликларни ўз вақтида аниқлаб, судга муурожаат қилган шахснинг бузилган ҳуқуқини ҳамда қонуний манфаатини ҳимоя қилишдан иборат.

Биринчи инстанция судининг мазмунан кўриб ҳал қилинган иш юзасидан қабул қилган қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори устидан апелляция тартибида шикоят бериш ёки протест келтириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар томонидан берилган апелляция шикояти ёки прокурор томонидан келтирилган апелляция протести бўйича апелляция инстанцияси судининг ишни кўриш доирасини аниқлаб олиш муҳим аҳамиятга эга. Суд ишни апелляция тартибида кўраётганда биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори қай даражада қонуний, асослантирилган ва адолатли эканлигини текширади. У янги далилларни ўрганиб чиқиши ва янги фактларни аниқлаши ҳам мумкин (ФПКнинг 332-моддаси).

Низоли ҳуқуқий муносабатнинг асосий субъектлари бўлиб даъвогар билан жавобгар ҳисобланади. Шунинг учун низо предметини тасарруф қилиш ҳуқуқи фақат даъвогар ва жавобгарга берилган (ФПКнинг 40-моддаси). Апелляция инстанцияси судида келтирилган шикоят ёки протест бўйича ишни қайта кўриш жараёнида ҳам даъвогар билан жавобгар ишнинг ҳақиқий тарафлари ҳисобланадилар.

Агар биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори устидан даъвогар ёки жавобгар томонидан апелляция тартибида шикоят берилган бўлса ёки прокурор томонидан протест келтирилган бўлса, апелляция тартибида берилган шикоят ва келтирилган протест бўйича даъвогарнинг даъво талабларидан воз кечиши, жавобгар томонидан даъвогарнинг даъво талабларининг тан олиши ва тарафларнинг иш бўйича келишиб тузган келишув битими албатта ёзма шаклда, шу жумладан ахборот тизими орқали электрон шаклда, бу ҳолатлар баён этилиб, апелляция инстанцияси судига топширилиши лозим. Агар ишни кўриб ҳал қилиш вақтида даъвогар ўзининг

даъво талабларидан воз кечса, даъвогар томонидан арз қилинган талабларни жавобгар тан олса ёки тарафлар иш юзасидан келишув битими тузган бўлсалар, бу ҳақда суд мажлисининг баённомасида ёзиб қўйилади ва баённомани тегишли бўлишига қараб даъвогар, жавобгар ёки ҳар икки тараф имзолайди. Масалан, даъвогар ўз даъвосидан воз кечганлиги суд баённомасида қайд этилган бўлса, баённомани даъвогар имзолайди. Даъвогарнинг даъво талабларини жавобгар томонидан тан олинганлиги суд мажлисининг баённомасида қайд қилинган бўлса, баённомани жавобгар имзолайди. Иш бўйича тарафларнинг ёзма шаклда тузилган келишув битими суд мажлисининг баённомасига киритилган бўлса, баённомани даъвогар билан жавобгар имзолаши керак.

Даъвогарнинг ўз даъво талабларидан воз кечиши, иш юзасидан тарафларнинг келишув битимини тузиш билан боғлиқ процессуал ҳаракатлари фуқаролик ишлари бўйича апелляция инстанцияси судида ҳам иш юритишни тугатишга қаратилган ҳаракат ҳисобланади. Шунинг учун суд даъвогарнинг ўз даъвосидан воз кечишини қабул қилишдан ва тарафлар ўртасида тузилган келишув битимини тасдиқлашдан олдин фуқаролик ишининг асосий субъектлари бўлган даъвогар билан жавобгарга бундай ҳаракатлар қандай ҳуқуқий оқибатларга олиб келишини уларга тушунтириб бериши керак.

Апелляция инстанцияси суди даъвогарнинг ўз даъво талабларидан воз кечишини қабул қилса ва иш юзасидан тарафлар томонидан тузилган келишув битимини тасдиқласа, бу ҳақда ажрим чиқариб, ўзининг ушбу ажрими билан биринчи инстанция суди томонидан фуқаролик иши бўйича чиқарилган ва қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарорини бекор қилади ва апелляция тартибида иш юритишни тугатади. Бордию, даъвогарнинг ўз даъво талабларидан воз кечиши ёки тарафлар томонидан фуқаролик иши юзасидан тузилган келишув битими қонунга зид бўлса ёки бошқа бировларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига хилоф тарзда таъсир этса, суд даъво талабларидан воз кечишни рад қилиши, тузилган келишув битимини тасдиқламасдан, берилган апелляция шикоятини ёки келтирилган протест бўйича фуқаролик ишини апелляция тартибида кўриб ҳал қилиши лозим.

Апелляция инстанцияси суди ишни кўриб ҳал қилиш жараёнида судга ҳал қилув қарорининг қонуний, асосланганлиги ва адолатлилигини текширишни, биринчи инстанция судида фуқаролик ишларини кўриб ҳал қилиш учун ўрнатилган қоидаларга асосланган ҳолда амалга ошириши керак. Апелляция инстанцияси суди биринчи

инстанция судининг фуқаролик иши юзасидан чиқарган ва қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарорни тўлиқ текшириб чиқиши лозим. Чунки ФПК 332-моддасининг иккинчи қисмида, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини тўлиқ текшириш, апелляция инстанцияси суди учун мажбурий эканлиги қатъий белгилаб қўйилган.

Апелляция тартибида иш юритишда ҳам биринчи инстанция судидаги каби ишни кўриб ҳал қилишда тортишувчанлик принципи тўла маънода амал қилади. Ишда иштирок этаётган тарафлар ва бошқа шахслар далилларнинг дахлдорлиги ва уларга йўл қўйилишини ҳисобга олиб, ишни тўғри ҳал қилиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни исботлаш учун хизмат қиладиган янги далилларни апелляция инстанцияси судига тақдим этиш ҳуқуқига эга. Апелляция инстанцияси суди ҳам ФПКнинг 332-моддасига асосан тарафлар ва ишда иштирок этувчи шахслар томонидан тақдим этилган янги далилларни ўрганиб чиқиш ва янги фактларни аниқлаш ҳуқуқига эга. Айнан ўзига берилган ҳуқуқ асосида иш бўйича тақдим этилган далилларни ўрганади, янги фактларни аниқлайди.

Фуқаролик ишини апелляция тартибида берилган шикоят (протест) бўйича апелляция тартибида такроран кўриб ҳал қилишнинг ўзига хослиги ушбу тартибда иш юритишга оид ҳаракатларни суд ҳамда ишда иштирок этувчи шахслар томонидан эркин ҳуқуқлилиқ ва тортишувчилиқ принципига асосланиб амалга оширганликларида намоён бўлади. Апелляция инстанцияси судлари биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарорининг қонунийлиги, асослантирилганлиги ва адолатли эканлигини апелляция тартибида шикоят бериш ёки протест келтириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар томонидан апелляция тартибида берилган шикоят (протест) бўйича текшириш билан боғлиқ асосий масалалардан бири – ҳал қилув қарори юзасидан берилган апелляция шикояти ёки прокурор томонидан келтирилган апелляция протести бўйича фуқаролик ишини кўриб ҳал қилиш муддати ҳисобланади.

Фуқаролик процессуал қонунчилигида ишни судда кўришга тайёрлаш ва кўриб ҳал қилиш муддатлари кўрсатилган. Масалан, ФПК 131-моддасининг биринчи қисмида фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш ариза қабул қилинган кундан бошлаб ўн кунлик муддатдан кечиктирмай амалга оширилиши лозим.

Ўта мураккаб ишлар бўйича мазкур муддат судьянинг асослантирилган ажримига кўра икки ойгача узайтирилиши мумкин. Ушбу модданинг иккинчи қисмидаги ишлар бундан мустасно.



Ишни судда кўришга тайёрлаш муддати биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори юзасидан келтирилган апелляция шикоят (протести) бўйича фуқаролик ишини апелляция инстанцияси судида қайта кўришда жорий қилинадими ёки йўқми деган саволга ушбу моддада аниқ жавоб йўқ. Ушбу саволга аниқ жавоб бериш ўта муҳим аҳамиятга эга. Чунки ФПКнинг 142-моддасида Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий судининг, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг судловига тааллуқли ишлар кўрсатилган. ФПКнинг 144-моддасида эса, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судловига тааллуқли ишлар кўрсатилган. Ушбу моддаларнинг мазмунига кўра, бу судлар биринчи инстанция судларининг иш юритишидаги фуқаролик ишини олиб, биринчи инстанция суди сифатида ўзининг иш юритишига қабул қилиб олишга ёки бир суддан бошқа тегишли судга ўтказишга ҳақли эканлиги кўрсатилган.

Агар ушбу судлар ўзларига берилган ваколатлар доирасида фуқаролик ишини фуқаролик ишлари бўйича туманлараро туман (шаҳар) судидан ўз иш юритишига қабул қилиб олиб, биринчи инстанция суди тариқасида кўриб ҳал қиладиган бўлса, ФПКнинг 131-моддасида ишни судда кўришга тайёрлаш учун белгиланган ўн кунлик муддат қўлланилиши керак.

Фуқаролик ишини апелляция инстанциясида кўриш муддатлари ФПКнинг 331-моддасида кўрсатилган. Ушбу модданинг мазмунида баён этилишича, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси ҳарбий суди апелляция шикояти ёки протести бўйича тушган ишни у келиб тушган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай кўриши лозим. Иш ўта мураккаб бўлган ёки бошқа алоҳида ҳолларда тегишли суднинг раиси бу муддатни кўпи билан яна ўн кунга узайтириши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ФПКнинг 331-моддасига кўра, апелляция шикояти ёки протести бўйича тушган ишни у келиб тушган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай кўриб чиқиши керак. Алоҳида ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси ёки унинг ўринбосари бу муддатни кўпи билан яна бир ойга кечиктириши мумкин. Ишни кўриб ҳал қилиш муддати кечиктирилмайди, аксинча у узайтирилади. Ўзбекистон Республикаси Олий суди апелляция шикояти ёки протести бўйича тушган фуқаролик ишини икки ойдан кечиктирмай кўриб ҳал қилиши керак.

Фуқаролик ишени апелляция инстанция судида кўриш муддати узайтирилганда апелляция инстанция суди ишда иштирок этувчи шахсларни ишни кўриш вақти ва жойи тўғрисида процессуал қонунчилигида белгилаб қўйилган тартибда хабардор қилиши керак.

Биринчи инстанция судининг фуқаролик иши юзасидан қабул қилган ва қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарорлари қонуний, асослантилган ва адолатлилигини текшириш бўйича шикоят бериш ва протест келтириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар томонидан келтирилган апелляция шикояти ва прокурорнинг апелляция протести бўйича фуқаролик ишени апелляция инстанцияси судида кўриб чиқиш ФПКнинг 13-моддаси ҳамда 15 бобига тегишли бўлган нормаларда ўрнатилган тартиб-қоидалар асосида амалга оширилади.

Юқоридаги бобга оид нормаларда фуқаролик иши биринчи инстанция судлари томонидан суд мажлисида мазмунан кўриб ҳал қилишнинг тартиб-қоидалари белгиланган. Ушбу ҳуқуқий нормаларга асосланган ҳолда апелляция инстанция судлари ҳам биринчи инстанция судининг суд мажлисида мазмунан кўриб ҳал қилинган фуқаролик иши юзасидан қабул қилган ва қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарорини шикоят бериш ва протест келтириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар томонидан келтирилган апелляция шикояти ёки прокурорнинг апелляция протести бўйича қанчалик қонуний, асослантилган ҳамда адолатли эканлигини текшириш бўйича фуқаролик ишени қайта кўриб ҳал қиладилар.

Апелляция инстанцияси судида иш юритиш – биринчи инстанция судида иш юритиш қоидалари асосида амалга оширилса-да, ўзининг олдига қўйилган асосий вазифаси билан фарқ қилади. Апелляция инстанцияси судида фуқаролик ишени кўриб ҳал қилишда апелляция тартибида берилган шикоят (протест) бўйича бу суд биринчи инстанция судининг иш юзасидан чиқарган қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарорининг қонуний, асослантилган ҳамда адолатли эканлиги текширади. Ана шу йўл билан ундаги камчиликларни бартараф этади. Биринчи инстанция суди томонидан мазмунан кўриб ҳал қилинган иш юзасидан қабул қилинган ва қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарорларидаги хато ва камчиликларни аниқлаб, уларни бартараф этиш йўли билан шахсларнинг бузилган ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш апелляция инстанцияси судининг асосий вазифаси ҳисобланади.

Апелляция инстанцияси судида иш юритишнинг аҳамияти шундаки, апелляция инстанцияси суди тарафлардан бири томонидан

биринчи инстанция судининг кўриб ҳал қилинган фуқаролик иши юзасидан қабул қилинган қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори устидан берилган апелляция шикояти ёки прокурорнинг апелляция протести бўйича ишни қайта кўриб ҳал қилиш йўли билан ҳал қилув қарорининг қонуний, асослантилган ҳамда адолатли эканлигини текшириш орқали ундаги камчилик ҳамда хатоликларга йўл қўйилганлигини аниқласа, ишни мазмунан қайта кўриб чиқиш йўли билан шахсларнинг бузилган субъекти ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилади. Бундан кўриниб турибдики, апелляция инстанцияси судида иш қўзғатиш, ўз моҳиятига кўра, биринчи инстанция судларининг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарорлари ва ажримларини текшириш, буларда йўл қўйилган хато ҳамда камчиликларни аниқлаб, уларни бартараф этишга қаратилган. Бу суд асосан биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори ҳамда ажримларини текшириш билан боғлиқ бўлган фаолиятини амалга оширади. Бу ҳолат апелляция инстанцияси судида иш юритишнинг ўзига хослигидан далолат берувчи асосий хусусият бўлиб ҳисобланади.

Апелляция инстанцияси судида фуқаролик ишини қайта кўриб ҳал қилиш биринчи инстанция судида ишни мазмунан кўриб ҳал қилиш каби тўрт қисмдан эмас, уч қисмдан иборат бўлади:

- 1) суд мажлисининг тайёргарлик қисми;
- 2) иш юзасидан маъруза қилиш қисми;
- 3) иш юзасидан ажрим чиқариш қисми.

Агар апелляция инстанцияси суди ишини биринчи инстанция судига кўриш учун қайтариб юбормасдан, ўзи мазмунан кўриб ҳал қилмоқчи бўлса, апелляция инстанцияси судининг мажлиси уч қисмдан эмас, тўрт қисмдан иборат бўлади:

- 1) тайёргарлик;
- 2) ишни мазмунан кўриб ҳал қилиш;
- 3) суд музокараси;
- 4) судьяларнинг маслаҳатлашуви, ажрим чиқариш ва уни эълон қилиш.

Апелляция инстанцияси суди мажлисининг тайёргарлик қисмида раислик қилувчи, биринчи инстанция судининг мажлисидагидек, ФПКнинг 164, 165 ва 166-моддаларига амал қилган ҳолда, қуйидаги процессуал ҳаракатларни бажаради:

- а) суд мажлисида тегишли тартибни таъминлаш чораларини кўради;
- б) суд мажлисида раислик қилувчи суд мажлисини очади ва кимнинг шикояти ёки протести бўйича ҳамда қайси суднинг ҳал қилув

қарори юзасидан қандай иш кўрилишини эълон қилади, ишда иштирок этувчи шахсларнинг қайси бири келмаганлигини, келмаганлик сабаблари тўғрисида қандай маълумотлар борлигини аниқлайди, судга келганларнинг шахсини аниқлайди, шунингдек, мансабдор шахслар ҳамда вакиллари иш бўйича иштирок этаётган бўлсалар, уларнинг ваколатларини текшириш;

в) суд таркибини эълон қилади, суд мажлисининг котиби, прокурор, эксперт, таржимон сифатида кимлар қатнашаётганлигини маълум қилади ва ишда иштирок этувчи шахсларга рад қилиш ҳақида арз қилиш ҳуқуқларини, рад қилиш учун асослар, рад қилиш ҳақидаги аризани ҳал қилиш тартиби ва бундай арзларни қаноатлантириш оқибатларни тушунтиради;

г) ишда иштирок этувчи шахсларга уларнинг процессуал ҳуқуқлари ҳамда бурчларини тушунтиради.

Биринчи инстанция судидагидек ишда иштирок этувчи шахсларнинг апелляция инстанцияси судининг мажлисига келмай қолиши маълум ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқаришга асос бўлади. Ушбу масала ФПК 337-моддасининг мазмунида қуйидагича баён қилинган: Ишда иштирок этувчи шахслардан бирортаси суд мажлисига келмаган бўлса ва у ишни кўриш вақти ва жойи тўғрисида тегишлича хабардор қилинганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлмаса, апелляция инстанцияси суди иш кўришни кейинга қолдириши керак.

Ишда иш кўриладиган вақт ва жой тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинган иштирок этувчи шахсларнинг келмаслиги ишни кўриш учун тўсқинлик қилмайди. Бироқ, суд бундай ҳолларда ҳам келмаганлик сабабларини узрли деб топса, иш кўришни кейинга қолдириши мумкин.

Иш бўйича суд мажлисида иштирок этиши керак бўлган прокурор ёки адвокат узрсиз сабабларга кўра келмаган бўлса, бу ҳақда суд хусусий ажрим чиқариб, тегишли бўлишига қараб юқори турувчи прокурорга ёки Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармаси ҳузуридаги малака комиссиясига маълум қилиши керак.

Ишда иштирок этувчи шахслар ишни апелляция инстанциясида кўриб ҳал қилиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ўзларининг илтимосномаларини ёки аризаларини беришлари мумкин. Агар иш юзасидан ишда иштирок этувчи шахслар аризалар берган бўлса ёки илтимосномалар билдирган бўлсалар, суд буларни ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг фикрлари тинглангандан сўнг ҳал қилиши

керак. Шундан сўнг апелляция инстанцияси судида ишни кўриб ҳал қилишни иккинчи қисми бошланди.

Апелляция инстанцияси судида ишни кўриб ҳал қилишнинг иккинчи босқичи иш юзасидан маъруза қилишдан бошланади. Апелляция инстанцияси судида ишни кўриб ҳал қилиш коллегиялик принципига асосан судьялардан иборат тартибда кўриб ҳал қилинади. Шунинг учун фуқаролик ишини апелляция инстанцияси судида кўриб ҳал қилиш суд мажлисида раислик қилувчи ёки судлардан бирининг маърузаси билан бошланади.

Иш юзасидан маъруза қилувчи судья ишнинг ҳолатини, биринчи инстанция судининг иш юзасидан чиқарган ҳал қилув қарорининг мазмунини, апелляция шикоятини ёки протестида келтирилган далилларни ва улар юзасидан берилган тушунтиришларни (эътирозларни), келтирилган янги далилларнинг мазмунини, шунингдек ҳал қилув қарорининг қонуний, асосланганлигини ва адолатли эканлигини текшириш учун суд кўриши зарур бўлган барча маълумотларни баён қилиши керак.

Апелляция инстанцияси судида иш кўришнинг учинчи қисмини суд мажлисининг музокара қисми ташкил қилади. Суд мажлисининг ушбу қисмида суд мажлисида раислик қилувчи ёки судьялардан бирининг маърузасидан кейин суд мажлисига келган ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришларини тинглайди, бу шахслар апелляция шикоятини ёки протестида кўрсатилмаган ваъдалар келтиришга ҳақли ва қўшимча материаллар ҳам тақдим этишлари мумкин.

Суд мажлисининг музокара қисмида даставвал апелляция шикоятини берган шахс ва унинг вакили ёки агар иш прокурорнинг протести бўйича кўриб чиқиладиган бўлса, биринчи бўлиб прокурор сўзга чиқади. Ҳал қилув қарори устидан ҳар икки тараф ҳам апелляция тартибида шикоят берган бўлса, биринчи бўлиб даъвогарга сўнг жавобгар тарафга сўз берилади.

Бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ваколатига эга бўлган давлат бошқаруви органларининг, ташкилотларининг вакиллари ҳамда айрим фуқаролар суднинг ҳал қилув қарорлари устидан апелляция шикоятини бермаган бўлсалар, буларга апелляция судида тарафлар ва учинчи шахслардан кейин сўз берилади.

Ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришлари тинглангандан кейин прокурор биринчи инстанция судининг суд мажлисида мазмунан кўриб ҳал қилган фуқаролик иши юзасидан қабул қилган

ҳал қилув қарорининг қанчалик қонуний, асослантирилган ва адолатли эканлиги тўғрисида ўзининг фикрини баён қилади.

Апелляция инстанцияси судида ишни кўриб ҳал қилиш жараёнида иш кўришни тўхтатиш учун ФПКнинг 92, 93-моддаларида кўрсатилган асослар мавжуд бўлса, суд иш юритишни тўхтатиб, бу ҳақда ажрим чиқаради. Бундай ҳолат юз бермаса, иш бўйича ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришлари ва прокурорнинг фикри тингланганидан сўнг апелляция инстанцияси суди кўриб ҳал қилинган фуқаролик иши юзасидан ажрим чиқариш учун махсус хонага (маслаҳатхона) чиқади.

Апелляция инстанцияси судида кўриб ҳал қилинган иш юзасидан ажрим чиқариш учун маслаҳатхонага кириш, ажрим чиқариш ва уни эълон қилиш апелляция инстанцияси суди мажлисининг тўртинчи қисмини ташкил қилади.

Апелляция инстанцияси суди кўриб ҳал қилган иш юзасидан ўзининг ажримини иш кўрилгандан кейин дарҳол чиқариши керак. Алоҳида ҳолларда кўрилган иш бўйича асослантирилган ажрим тайёрлаш кўпи билан уч кунга кечиктирилиши мумкин, лекин ажримнинг хулоса қисмини суд ишни апелляция тартибда кўриб ҳал қилиш тамомланган мажлисининг ўзидаёқ эълон қилиши керак.

Судьяларнинг маслаҳатлашуви, ажрим чиқариш ва уни эълон қилиш ФПКнинг 14-моддасида белгилаб қўйилган тартибда ўтказилади. Ушбу моддага кўра апелляция инстанцияси суди ишни кўриб ҳал қилиш жараёнида келиб чиқадиган ҳамма масалаларни судьяларнинг овоз бериш йўли билан ҳал этади. Кўриб ҳал қилинган иш юзасидан ажримни апелляция инстанцияси суди махсус хонасида (маслаҳатхонада) чиқаради ва бу ажрим ёзма равишда тузилади. Ажримни чиқариш вақтида бошқа шахсларнинг ҳозир бўлишига йўл қўйилмайди. Ҳар бир масала ҳал қилинаётганда судьяларнинг бирортаси ҳам овоз беришда бетараф қолишга ҳақли эмас. Раислик қилувчи ҳаммадан кейин овоз беради. Озчилик томонда қолган судья ўзининг алоҳида фикрини ёзма равишда баён қилишга ҳақли, унинг бу фикри ишга қўшиб қўйилади, бироқ унинг фикри эълон қилинмайди. Ишда иштирок этувчи шахслар судьянинг алоҳида фикри билан таништирилмайди.

Агар апелляция судининг ажримига алоҳида фикр билдирилган бўлса ва бу юқори суд инстанциясида (назорат инстанциясида) кўрилмаган бўлса, у қонуний кучга киргандан кейин иш билан бирга қўшиб ажримга нисбатан протест келтириш масаласини ҳал қилиш учун тегишли суд раисига юборилиши керак.

Апелляция инстанцияси суди кўриб ҳал қилинган иш юзасидан ўзининг чиқарган ажримини ўша суднинг мажлисида эълон қилиши керак. Ана шу тарзда апелляция инстанцияси судида ишни кўриб ҳал қилиш ўз яқунига етади.

Апелляция инстанцияси судининг ажрими қабул қилинган кундан эътиборан қонуний кучга киради. Бу ажрим устидан кассация тартибида шикоят ва протест келтирилмайди. Фақат назорат тартибида протест келтириш мумкин. Ишда иштирок этувчи шахслар назорат тартибида протест келтириш ваколатига эга бўлмаганликлари учун ФПКнинг 350-моддасига асосан назорат тартибида протест келтириш тўғрисида ариза билан тегишли юқори суднинг раисига ёки протест келтириш ҳуқуқига эга бўлган ФПКнинг 349-моддасида кўрсатилган шахсларга назорат тартибида протест келтириш тўғрисида ариза билан мурожаат қилишлари мумкин.

#### **4-§. Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини апелляция тартибида ўзгартириш ва бекор қилиш асослари**

Биринчи инстанция судлари фуқаролик ишларини мазмунан кўриб ҳал қилгандан сўнг иш бўйича қонуний, асослантирилган ҳамда адолатли ҳал қилув қарорини чиқаришлари керак. Агар ҳал қилув қарори қонуний, асослантирилмаган ва адолатли бўлмаса, фуқаролик процессуал қонунчилигида кўрсатиб қўйилган, апелляция, кассация ёки назорат тартибида юқори судлар томонидан бекор қилинади.

ФПКнинг 312-моддасида суднинг қарорини апелляция, кассация ва назорат тартибида бекор қилиш ишлари кўрсатилган. Ушбу моддада кўрсатилган асослар барча суд қарорларини бекор қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини апелляция тартибида бекор қилиш ёки ўзгартириш учун қуйидагилар асос бўлади:

1) иш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатларнинг аниқламаганлиги;

2) суд аниқланган деб ҳисоблаган иш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатларнинг исботланмаганлиги;

3) суд ҳал қилув қарорида баён қилинган хулосаларнинг иш ҳолатларига мувофиқ келмаслиги;

4) моддий ҳуқуқ нормалари ёки процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёки нотўғри қўлланганлиги.

Судлар фуқаролик ишларини кўриб ҳал қилиш билан боғлиқ бўлган процессуал фаолиятларини процессуал қонунчилигида белгилаб қўйилган талабларга қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширишлари керак. Агар белгилаб қўйилган талабларга риоя қилмай, иш юзасидан қонуний бўлмаган ёки асослангандирилмаган ҳал қилув қарори чиқарган бўлсалар, бу ўз навбатида қонуний кучга кирмаган суд ҳал қилув қарорини апелляция тартибида бекор қилиш учун асос бўлади.

Агар биринчи инстанция суди фуқаролик иши бўйича моддий ҳуқуқ (фуқаролик, оила, меҳнат, уй-жой ва бошқалар) нормасини нотўғри татбиқ этиб ҳал қилув қарори чиқарган бўлса, суднинг ҳал қилув қарори қонуний эмас, балки ғайриқонуний ҳисобланади. Бундай ҳал қилув қарори тегишли бўлишига қараб, юқори судлар томонидан апелляция, кассация, назорат тартибида бекор қилинишига сабаб бўлади.

Моддий ҳуқуқ нормаларини бузиш ёки нотўғри қўллаш ФПКнинг 313-моддасида кўрсатилган. Ушбу моддада кўрсатилишича, қуйидаги ҳолларда моддий ҳуқуқ нормалари бузилган ёки нотўғри қўлланган ҳисобланади:

- 1) суд татбиқ қилиниши лозим бўлган қонунни қўлламаган бўлса;
- 2) суд татбиқ қилинмаслиги лозим бўлган қонунни қўллаган бўлса;
- 3) суд қонунни нотўғри талқин қилган бўлса.

Фуқаролик ишини кўриб ҳал қилиш жараёнида процессуал ҳуқуқ нормаларини бузиш ёки нотўғри қўллаш ҳам суд ҳал қилув қарорини бекор қилиш учун асос бўлади. Бу борада шуни алоҳида таъкидлаш керакки, процессуал нормаларнинг бузилганлиги ёки нотўғри қўлланганлиги ишнинг нотўғри ҳал этилишига сабаб бўлган ёки сабаб бўлиши мумкин бўлган тақдирдагина қонуний кучга кирмаган суд ҳал қилув қарори ажрим ёки қарорнинг бекор қилинишига асос бўлади.

Процессуал ҳуқуқ нормаларини бузиш ёки нотўғри қўллаш масаласи ФПКнинг 314-моддасида ўз ифодасини топган. Ушбу модданинг мазмунига кўра қуйидаги ҳолларда процессуал ҳуқуқ нормаларини бузиш ёки нотўғри қўллаш, суднинг ҳал қилув қарорини, ажрим ёки қарорни бекор қилиш ёки ўзгартириш учун асос бўлади:

- 1) иш суд томонидан ғайриқонуний тартибда кўрилган бўлса;
- 2) иш суд муҳокамасида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган, ammo суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабар берилмаган шахслардан бирортасининг йўқлигида кўрилган бўлса;
- 3) иш кўрилаётганида иш юритиладиган тилга доир қоидалар бузилган бўлса;



4) суд ишга қатнашишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига доир масалани ҳал қилган бўлса;

5) ҳал қилув қарори, ажрим, қарор чиқаришда суд маслаҳатининг сир сақланишига доир қоидалар бузилган бўлса;

6) ҳал қилув қарори, ажрим, қарор судьялардан бирортаси (судья) томонидан имзоланмаган ёки ҳал қилув қарори, ажрим, қарор, уларда кўрсатилмаган судьялар (судья) томонидан имзоланган бўлса;

7) ҳал қилув қарори, ажрим, қарор ишни кўрмаган судьялар томонидан чиқарилган бўлса;

8) ишда суд мажлиси баённомаси мавжуд бўлмаса ёки у имзоланмаган бўлса. Ушбу асослар мавжуд бўлса, ҳал қилув қарори, ажрим, қарор мажбурий тартибда бекор қилиниши шарт.

Иш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатларнинг тўлиқ аниқланмаганлиги, суд аниқланган деб ҳисоблаган, лекин иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларнинг исботланмаганлиги, суд ҳал қилув қароридан баён қилинган хулосаларнинг иш ҳолатларига тўғри келмаслиги, биринчи инстанция суди томонидан ишнинг фактик томонларининг нотўғри ҳал қилинганлигидан, яъни суд ҳал қилув қарорининг асослангандирлигидан далолат беради. Моддий ҳуқуқ нормалари ёки процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёки нотўғри қўлланганлиги биринчи инстанция суди томонидан кўриб ҳал қилинган фуқаролик иши бўйича чиқарган ва қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарорининг ҳуқуқий томони, яъни унинг қонуний эмаслигидан далолат беради.

Биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори устидан тарафлар томонидан апелляция тартибида келтирилган шикоят ёки прокурорнинг апелляция тартибида келтирган протести бўйича апелляция инстанцияси суди ишни апелляция тартибида кўриб ҳал қилиш жараёнида юқорида кўрсатиб ўтилган асослар борлигини аниқласа, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиши, ўзгартириши ёки янги ҳал қилув қарорини чиқариши керак. Агар апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция судининг иш юзасидан чиқарган ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдириб апелляция шикояти ёки протестини қаноатлантирмаса, бунинг сабабларини, яъни ҳал қилув қарорини бекор қилиш учун асос йўқлигини ўзининг ажримида кўрсатиши керак. Масалан, тарафлардан бири биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори устидан апелляция тартибида шикоят бериб, ўзининг шикоятида биринчи инстанция суди фуқаролик ишини кўриб ҳал

қилиш учун процессуал қонунчилигида белгилаб қўйилган муддатларга риоя қилмаганлигини кўрсатган бўлса, процессуал муддатларга риоя қилмаганлиги суднинг ҳал қилув қарорини бекор қилишлик учун асос бўлмайди. Буни апелляция суди ўзининг ажримда апелляция шикоятни берган шахсга ёзма равишда жавоб бериши керак.

## **5-§. Апелляция инстанция судининг ваколатлари**

Фуқаролик ишини апелляция тартибида кўриб чиққан апелляция инстанцияси суди қуйидаги ваколатларга эга:

1) ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдиришга, шикоят ёки протестни эса қаноатлантирмасликка;

2) ишни янгидан кўриш учун юбормасдан ҳал қилув қарорини ўзгартиришга ёхуд бутунлай ёки қисман бекор қилишга ва янги ҳал қилув қарорини чиқаришга;

3) ушбу Кодекс 314-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда ҳал қилув қарорини бутунлай ёки қисман бекор қилишга ва ишни биринчи инстанция судига янгидан кўриб чиқиш учун юборишга;

4) ҳал қилув қарорини бутунлай ёки қисман бекор қилишга ҳамда ушбу кодекснинг 97 ва 100-моддаларида кўрсатилган асосларга кўра аризани кўрмасдан қолдиришга ёхуд иш юритишни тугатишга ҳақли.

Апелляция инстанцияси суди ўз ваколатларини ФПКнинг 343-моддасига асосланган ҳолда ўзининг иш юзасидан чиқарган ажрими бўйича амалга оширади.

Биринчи инстанция судининг мазмунан кўриб ҳал қилинган фуқаролик иши юзасидан қабул қилган ва қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдириб, апелляция тартибида келтирилган шикоят ёки прокурорнинг апелляция тартибида келтирган протестини эса қаноатлантирилмаслиги мумкин, қачонки суднинг ҳал қилув қарори қонуний, асослантирилган ва адолатли бўлса ёхуд ундаги камчиликлар ҳал қилув қарорини бекор қилиш ёки ўзгартириш учун асос бўлмаса. Бундай ҳолда суд ҳайъати ўзининг ажримда биринчи инстанция суди томонидан йўл қўйилган камчиликларни кўрсатиб ўтиши керак. Камчиликларни бартараф этиш учун апелляция инстанцияси суди хусусий ажрим чиқариши ҳам мумкин.

Ишни янгидан кўриш учун юбормасдан ҳал қилув қарорини ўзгартириш ёхуд бутунлай ёки қисман бекор қилиш мумкин деганда, апелляция инстанцияси суди томонидан ишни мазмунан кўриб ҳал

қилиш натижасида иш бўйича янги ҳал қилув қарорини чиқариш йўли билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгартириш, бутунлай ёки қисман бекор қилинишни тушуниш керак.

Биринчи инстанция судининг фуқаролик иши юзасидан чиқарган ҳал қилув қарорини ўзгартириш деганда, апелляция инстанцияси суди томонидан низо бўйича биринчи инстанция судининг хулосаларини апелляция инстанцияси суди томонидан тузатишни тушуниш керак. Масалан, ундириладиган нарсанинг миқдорини камайтириш ёки кўпайтириш, даъвонинг предметини ўзгартириш (ундириладиган нарсанинг ўрнига унинг қийматини). Апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгартиришга ҳақли. Ҳал қилув қарорини ўзгартириш янги ҳал қилув қарорини чиқаришдан шу билан фарқ қиладики, апелляция инстанцияси суди тарафларнинг ҳуқуқ ҳамда бурчларига доир биринчи инстанция судининг хулосаларини ўзгаришсиз қолдиради.

Апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция судининг иш бўйича чиқарган ҳал қилув қарорини бекор қилса, ўзининг мазмун-моҳияти билан биринчи инстанция судининг чиқарган, қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарорига тескари бўлган янги ҳал қилув қарорини чиқаради. Масалан, биринчи инстанция суди иш бўйича даъвогарнинг фойдасига моддий ҳуқуқ нормаларни нотўғри татбиқ қилиб ҳал қилув қарори чиқарган бўлса, апелляция инстанция суди биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиб, даъвогарнинг даъво талабини рад этиш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқариши мумкин.

Апелляция инстанцияси суди ишни апелляция тартибида кўриб ҳал қилганда ФПКнинг 314-моддасида кўрсатилган ҳал қилув қарорини бекор қилиш асослари мавжудлигини аниқласа, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бутунлай ёки қисман бекор қилиб, ишни биринчи инстанция судига янгидан кўриб чиқиш учун юбориши керак.

Фуқаролик ишини апелляция тартибида кўриб ҳал қилган апелляция инстанция суди ФПКнинг 97, 100-моддаларида кўрсатилган асослар бўйича асослар берилгани аниқланса, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бутунлай ёки қисман бекор қилиб, иш бўйича ёки аризани кўрмасдан қолдириш, иш юритишни тугатиш тўғрисида ажрим чиқариши керак.

Иш бўйича аризани кўрмасдан қолдириш ёки иш юритишни тугатиш асослари бўйича биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

а) суд ФПКнинг 152-моддасида кўрсатилган даъвога бўлган ҳуқуқ ва уни тақдим этиш шартларини бузган бўлса;

б) даъвога бўлган ҳуқуқни амалга ошириш шартларини бузган бўлса. Булардан ташқари, эркин ҳуқуқлик принципига асосан, даъвогар ишини апелляция тартибида кўриб ҳал қилиш жараёнида ўз даввосидан воз кечса, даъвогар билан жавобгар ушбу босқичда ФПКнинг 180, 330-моддаларига асосан келишув битимини тузган бўлсалар ва уни апелляция суди тасдиқласа, апелляция инстанцияси суди бу ҳақда ажрим чиқариб иш юритишни тугатади.

### **6-§. Биринчи инстанция судининг ажрими устидан шикоят бериш ва протест келтириш**

Биринчи инстанция судининг фуқаролик ишини мазмунан ҳал қилиш билан бевосита боғлиқ бўлган айрим масалалар юзасидан қабул қиладиган қарори ажрим шаклида чиқарилади. Ажрим суднинг ҳал қилув қарори каби фуқаролик ишини мазмунан ҳал қилиб бермайди. Шунинг учун фуқаролик ишини мазмунан ҳал қилиб бермайдиган биринчи инстанция судларининг қарорларига ажрим деб айтилади.

Ажрим ҳам ҳал қилув қароридан тарафлар томонидан апелляция тартибида шикоят, прокурор томонидан эса протест келтиришнинг алоҳида объекти ҳисобланади. Фуқаролик ишининг оқибатидан манфаатдор шахс, қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назорат қилиш ваколатига эга бўлган прокурор суднинг чиқарган ажримдан норози бўлса, амалдаги процессуал қонунчилиги бўйича тегишли бўлишига қараб ажрим устидан хусусий шикоят бериши, прокурор эса хусусий протест келтириши мумкин.

Биринчи инстанция судининг ажримлари устидан апелляция тартибида шикоят ёки протест келтириш объекти эканлиги тўғрисида шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, биринчи инстанция судининг фуқаролик ишини кўриб ҳал қилиш билан боғлиқ бўлган, айрим масалалар бўйича чиқарган айрим ажримлари, тарафлар ёки уларнинг вакили апелляция тартибида шикоят, прокурор томонидан протест келтиришнинг объекти ҳисобланмайди. Фақат процессуал қонунчилигида кўрсатилган биринчи инстанция судининг ажримларигина апелляция тартибида шикоят бериш протест келтириш объекти бўлиши мумкин.

Фуқаролик процессуал кодексининг суд қарорлари ва баённомалари деб номланган иккинчи бобининг 19-моддасида суднинг хусусий ажрими устидан хусусий шикоят берилиши ёки хусусий протест

келтирилиши мумкинлиги кўрсатилган. Ушбу қоида суднинг барча ажримлари устидан манфаатдор шахс хусусий шикоят, прокурор эса хусусий протест келтириши мумкинлигини билдирмайди.

Биринчи инстанция судининг фуқаролик ишини кўриб ҳал қилиш билан боғлиқ бўлган ажримларини асосан икки турга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади:

- 1) биринчи инстанция судининг хусусий ажримлари;
- 2) биринчи инстанция судининг умумий ажримлари.

Суд фуқаролик ишини кўриб ҳал қилиш жараёнида айрим мансабдор шахслар ёки фуқаролар томонидан қонунийлик ва ҳуқуқ- тартибот бузилганлигини аниқласа, хусусий ажрим (қарор) чиқариб, унга тегишли органлар ва мансабдор шахсларга юбориши керак. Қонунийлик ва ҳуқуқ тартиботни бузган шахслар суднинг хусусий ажримларида кўрсатилган камчиликларни бартараф қилиш учун ўзлари кўрган чоралар тўғрисида судни хабардор қилишлари шарт. Бундай хабар суднинг чиқарган хусусий ажримининг (қарорининг) нусхаси олинган кундан эътиборан бир ойлик муддат ичида маълум қилиниши лозим.

Агар суд фуқаролик ишини мазмунан кўриб ҳал қилиш жараёнида ишда иштирок этувчи тарафларнинг ёки бошқа шахснинг хатти-ҳаракатида жиноят аломатлари мавжудлигини аниқласа, ушбу шахсни жиноий жавобгарликка тортиш масаласини ҳал қилиш тўғрисида прокурорга маълум қилиши керак.

Юқорида таъкидлаб ўтилган суд ажримларидан бири бу – биринчи инстанция судининг фуқаролик ишини кўриб ҳал қилиш билан боғлиқ бўлган, айрим масалалар юзасидан чиқарадиган умумий характердаги ажримларидир. Бу ажримлар ўзларининг мазмун-моҳияти билан умумий характерга эга бўлганлиги учун умумий ажримлар ҳисобланади. Суднинг умумий характерга эга бўлган ажримларини ҳам икки турга бўлиш мумкин:

- 1) апелляция тартибида шикоят ёки протест келтиришнинг объекти бўлмаган ажримлар;
- 2) апелляция тартибида шикоят ёки протест келтиришнинг алоҳида объекти ҳисобланадиган ажримлар, яъни процессуал қонунчилигида кўрсатиб қўйилган ажримлар.

Суднинг куйдаги ажримлари хусусий шикоят ёки хусусий протест келтиришнинг объекти ҳисобланмайди:

- ФПКнинг 64-моддаси бўйича далилларни таъминлаш;
- ФПКнинг 84-моддаси бўйича суднинг фуқаролик иши бўйича экспертиза тайинлаш;

- ФПКнинг 149 ва 150-моддаларида баён этилган талабларга риоя қилмай ариза берилганлигини ёки давлат божи тўланмаганлиги муносабати билан аризани ҳаракатсиз қолдириш;

- ФПКнинг 161-моддаси бўйича ишни судда кўришга тайинлаш тўғрисидаги ажримлар ва бошқалар.

Хусусий шикоят ёки протест келтириш объекти бўлиб ҳисобланадиган суд ажримларига қуйидаги ажримлар киради:

- ФПК 64-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган далилларни таъминлашни рад этиш;

- ФПКнинг 95-моддаси бўйича суднинг иш юритишни тўхтатиши;

- ФПКнинг 99-моддаси бўйича судьянинг аризани кўрмасдан қолдириши;

- ФПКнинг 121-моддаси бўйича суднинг суд харажатлари билан боғлиқ масалалар бўйича чиқарган ажрими;

- ФПКнинг 130-моддаси бўйича суднинг процессуал муддатларни тиклаш ва узайтириб бериши;

- ФПКнинг 147-моддаси бўйича суднинг фуқаролик ишини бир суддан бошқа судга ўтказиши;

- ФПКнинг 160-моддаси бўйича суднинг ишни судда кўришга тайёрлаши;

- ФПКнинг 213-моддаси бўйича суднинг ҳал қилув қарорининг ёзувидаги хатолар ва очиқ кўриниб турган арифметик хатоларни тузатиш;

- ФПКнинг 214-моддаси бўйича суднинг қўшимча ҳал қилув қарорини чиқаришни рад этиш;

- ФПКнинг 215-моддаси бўйича суднинг қўшимча ҳал қилув қарорини тушунтириш;

- ФПКнинг 216-моддаси бўйича суднинг ҳал қилув қарорининг ижросини кечиктириш ва уни бўлиб-бўлиб ижро этиш, ҳал қилув қарорини ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш;

- ФПКнинг 374-моддаси бўйича суднинг ижро асосига мувофиқ ижро варақасини бериш тўғрисидаги ажримлар.

Юқорида кўрсатиб ўтилган, манфаатдор шахслар томонидан хусусий шикоят ёки прокурор томонидан хусусий протест келтириш мумкин бўлган ажримларни мазмун ва моҳиятига қараб яна икки турга бўлиш мумкин:

1) кейинчалик фуқаролик ишини кўриб ҳал қилинишига халақит берадиган ёки йўл қўймайдиган, тўсқинлик қиладиган ажримлар;

2) фуқаролик ишини кўриб ҳал қилинишига тўсқинлик қилмайдиган ажримлар. Фуқаролик ишини кўриб ҳал қилинишига тўсқинлик ёки йўл қўймайдиган суд ажримларига қуйидагилар киради:

а) ФПКнинг иш юритишни тўхтатиб туришга бағишланган 7-бобида оид 92-93-моддаларида кўрсатилган асослар бўйича иш юритишни тўхтатиб туриш тўғрисидаги суднинг ажрими;

б) ФПКнинг аризани кўрмасдан қолдиришга бағишланган 8-бобида оид 97-моддасида кўрсатилган асослар бўйича суднинг 99-моддасига асосан аризани кўрмасдан қолдириш тўғрисида чиқарган ажрими;

в) ФПКнинг иш юритишни тугатишга бағишланган 9-бобида оид 100-моддасида кўрсатилган асослар бўйича суднинг чиқарган ажрими.

Фуқаролик ишини кўриб ҳал қилинишига тўсқинлик ва йўл қўймайдиган асослар бўйича суднинг чиқарган ажримларидан ташқари бошқа барча ажримлар фуқаролик ишини ўз вақтида кўриб ҳал қилиш учун тўсқинлик қилмайди. Ишни кўриш бўйича бошланган суд жараёни ишни узил-кесил, яъни иш юзасидан ҳал қилув қарорини чиқариш ва уни эълон қилишга қадар давом этиб якунланади.

Фуқаролик ишини кейинчалик кўриб ҳал қилиниши учун бошланган суд жараёнини давом эттириш учун тўсқинлик қиладиган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, суд тегишли бўлишига қараб, иш юритишни тўхтатади, аризани кўрмасдан қолдиради, иш юритишни тугатади ва бу ҳақда ажрим чиқаради. Иш юритишни тўхтатиш, аризани кўрмасдан қолдириш учун асослар бартараф қилингандан сўнг суд фуқаролик ишини процессуал қонунчилигида белгилаб қўйилган тартибда кўриб ҳал қилади.

Биринчи инстанция судининг ажримлари устидан апелляция тартибида шикоят бериш ҳуқуқи бу – ишда иштирок этувчи тарафлар учинчи шахслар ва уларнинг вакиллари, ишда иштирок этишга ишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқ мажбуриятлари ҳақидаги масала суд томонидан ҳал қилинган шахсларга биринчи инстанция судининг ажримларининг қанчалик қонуний, асослантирилган ҳамда адолатли эканлигини текшириш бўйича апелляция инстанцияси судида иш кўзғатиш учун берилган ҳуқуқидир.

Биринчи инстанция судининг ажримлари устидан протест келтириш ҳуқуқи эса туман (шаҳар) прокурорига берилган апелляция инстанцияси суди ажримининг қонунийлиги асослантирилганлиги ва адолатлилигини текшириш бўйича апелляция инстанцияси судида иш кўзғатиш учун асос, апелляция тартибида протест келтириш ҳуқуқидир.

ФПКнинг 320-моддасида кўрсатилган шахслар, апелляция тартибида шикоят бериш протест келтириш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар ҳисобланади.

Биринчи инстанция судининг ажримлари устидан апелляция шикояти бериш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар ўзларига берилган ҳуқуқлардан фойдаланган ҳолда суднинг ажрими устидан апелляция тартибида хусусий шикоят берган, прокурор хусусий протест келтирган бўлсалар, бу ўз навбатида биринчи инстанция судининг чиқарган ажримининг қанчалик қонуний, асослантирилган ва адолатли эканлигини текшириш бўйича апелляция инстанцияси судида иш кўзғатиш учун асос бўлади. Апелляция тартибида шикоят ва протест келтириш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар томонидан келтирилган апелляция шикояти ёки протести бўйича апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция судининг иш юзасидан чиқарган ва қонуний кучга кирмаган ажримининг қонунийлиги, асослантирилган ва адолатлилигини текширади.

Фуқаролик иши юзасидан қабул қилинган ва қонуний кучга кирмаган биринчи инстанция судининг ажримлари устидан апелляция тартибида шикоят бериш ҳамда протест келтириш ҳуқуқи ҳамда уларни ҳал қилиш, апелляция судлари томонидан ФПКнинг биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорлари ва ажримлари устидан хусусий шикояти бериш (протест келтириш)га оид 37-боби ва ушбу бобга тегишли бўлган 346-348 моддаларида белгилаб қўйилган тартибда ҳал қилинади. Апелляция тартибида келтирилган шикоят ёки протест бўйича апелляция инстанцияси суди иш кўзғатиб, ўзига берилган ваколатлар доирасида биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган ажримининг қонунийлигини, асослантирилганлигини ҳамда адолатлигини текширади ва шу асосда ўзининг ваколатларини текширув натижалари бўйича чиқарган ажрими билан амалга оширади.

ФПКнинг 348-моддасида биринчи инстанция судининг ажрими устидан шикоят берилганлиги (протест келтирилганлиги) муносабати билан ишни кўрадиган апелляция инстанцияси судининг ваколатлари кўрсатилган. Ушбу моддага кўра хусусий тартибда берилган шикоят ёки протест бўйича биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган ажримларини текшириш бўйича апелляция суди қуйидаги ваколатларга эга:

1) ажримни ўзгаришсиз қолдиришга, шикоят ёки протестни эса қаноатлантирмасликка;



2) ажримни бекор қилишга ва ишни мазмунан кўриб чиқиш учун биринчи инстанция судига юборишга;

3) ажримни бутунлай ёки қисман ўзгартиришга ёхуд бекор қилишга ва масалани мазмунан ҳал қилишга.

Апелляция тартибида келтирилган шикоят ёки протест бўйича биринчи инстанцияси судининг қонуний кучга кирмаган ажримларининг қонуний, асослантилган ҳамда адолатли эканлигини текшириш натижалари юзасидан қабул қилинган ажрими устидан фақат назорат тартибида протест келтириш мумкин. Чунки апелляция инстанцияси судининг ажрими чиқарилиши биланоқ қонуний кучга киради.

Суднинг хусусий ажримлари устидан шикоят қилиш апелляция тартибида берилган шикоятдан фарқ қилади. Булар ўртасидаги асосий фарқ шундан иборатки, хусусий шикоятлардан давлат божи ундирилмайди, апелляция шикоятларидан Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат божи ставкалари тўғрисида”ги қарори ҳамда Солиқ кодексининг 326-моддаси бўйича судга даъво тақдим этиш пайтида даъво қиймат бўйича тўланиши лозим бўлган ставканинг 50 фоизи миқдорида давлат божи ундирилади.

Хусусий шикоят биринчи инстанция судининг процессуал қонунчилигида назарда тутилган ҳамда фуқаролик ишини кўриб ҳал қилишга тўсқинлик қиладиган асослар бўйича чиқарган ва қонуний кучга кирмаган ажримлари устидан ишда иштирок этувчи тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар томонидан берилади. Апелляция тартибидаги шикоят биринчи инстанция судининг ажрими устидан эмас, балки ушбу суднинг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори устидан берилади.

### **III БОБ. ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРГАН СУД ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРЛАРИ ВА АЖРИМЛАРИ УСТИДАН КАССАЦИЯ ТАРТИБИДА ШИКОЯТ БЕРИШ ВА ПРОТЕСТ КЕЛТИРИШ БЎЙИЧА ИШЛАРНИ ҚАЙТА КЎРИШ (КАССАЦИЯ ТАРТИБИДА ИШ ЮРИТИШ)**

#### **1-§. Суд ҳал қилув қарорлари, ажримларини кассация тартибида қайта кўриш босқичи ва унинг аҳамияти**

Кассация инстанцияси суди томонидан иш юритиш билан боғлиқ бўлган барча ҳуқуқий масалалар фуқаролик процессуал қонунчилиги нормалари билан ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2001 йил 1 июндаги “Фуқаролик ишларини апелляция, кассация ва назорат тартибида кўриш амалиёти ҳақида”ги 4-сонли қарори ҳам ушбу тартибда суд ишларни юритиш жараёнида судлар томонидан нималарга эътибор бериш кераклиги борасида муҳим аҳамият касб этади.

“Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари”га бағишланган иккинчи бўлимига тегишли бўлган 7-10- бобларида инсон ва фуқароларга берилган шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар, сиёсий ҳуқуқлар, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар, шунингдек инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари қонуний тарзда кўрсатилган<sup>1</sup>.

Асосий қонунимиз ва унинг асосида қабул қилинган бошқа қонунлар билан инсон ва фуқароларга берилган шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш давлатимиз томонидан кафолатланган. Бу Конституциямининг 44-моддасининг мазмунида ўз ифодасини топган. Ушбу модданин мазмунида баён этилишича, “Ҳар бир шахс ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиши мумкин”. Бу ҳуқуқ асосий қонунимиз асосида кафолатланган ҳуқуқ бўлиб ҳисобланади.

Шахсларга берилган ва давлат томонидан кафолатланган ушбу ҳуқуқни амалга ошириш кассация инстанцияси судлари томонидан ФПКнинг 348<sup>1</sup>-моддасида кассация тартибида келтирилган шикоят бериш (протест) ҳуқуқига эга бўлган шахслар томонидан кассация

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., 2015 – Б. 8-16.

тартибида келтирилган шикоят (протест) бўйича биринчи инстанция суди томонидан кўрилган иш юзасидан қабул қилинган ва қонуний кучга кирган апелляция тартибида кўрилмаган суд ҳал қилув қарорлари, ажримларининг қанчалик қонуний, асослантирилган ва адолатли эканлигини текшириш бўйича ишларни қайта кўриш ўта муҳим аҳамиятга эга.

Кассация инстанцияси судлари томонидан қонуний кучга кирган, апелляция тартибида кўрилмаган суд ҳал қилув қарорлари устидан кассация тартибида берилган шикоят (протест) бўйича фуқаролик ишларини кассация инстанцияси судларида қайта кўриш, ўзининг мазмуни, моҳияти билан биринчи инстанция судларида ишни мазмунан кўриб ҳал қилиш, шунингдек апелляция инстанцияси судларида иш юритиш босқичларидан фарқ қилади, шу жумладан назорат тартибида иш юритиш босқичидан ҳам.

Биринчи инстанция судлари томонидан мазмунан кўриб ҳал қилинган фуқаролик ишлари бўйича қабул қилинган ва қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарорлари ва ажримларида йўл қўйилган хато ҳамда камчиликларни ўз вақтида аниқлаб уларни бартараф қилиш мақсадида апелляция инстанция судлари ташкил қилинган. Бу судлар ҳам инсон ва фуқароларнинг суд ҳимоясига бўлган ҳуқуқини амалга оширишда муҳим роль ўйнайди. Лекин апелляция тартибида иш юритиш босқичида биринчи инстанция судлари томонидан қабул қилинган ва қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарорлари ва ажримларидаги камчиликлар ҳамма ҳолларда ҳам апелляция инстанцияси судлари томонидан аниқланиб бартараф қилинади деб бўлмайди. Бу судлар ҳам фуқаролик ишларини қайта кўришда маълум хатоликларга йўл қўйишлари мумкин.

Биринчи инстанция судлари томонидан кўриб ҳал қилинган фуқаролик ишлари бўйича қабул қилинган ва қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари ҳамда ажримлардаги камчиликларни ўз вақтида аниқлаб, уларни бартараф қилиш, кассация тартибида иш юритиш босқичида ҳам амалга оширилади. Бу босқич “Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорлари ва ажримлари устидан кассация шикояти бериш (протест келтириш)<sup>1</sup>” деб номланган ва фуқаролик процессуал кодексининг 38-бобида ва ушбу бобга тегишли бўлган 348<sup>1</sup>-348<sup>17</sup>-моддаларда ўз ифодасини топган. Бу моддаларнинг йиғиндиси кассация институтини ташкил қилиб, кассация тартибида иш

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал кодекси. – Т., 2015.

юритишни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш билан бирга, шахсларнинг суд ҳимоясига бўлган ҳуқуқларини амалга оширишнинг кафолатларидан бири ҳисобланади.

Кассация тартибида иш юритиш фуқаролик процессининг мустақил босқичи сифатида, кассация инстанцияси суди ва ишда иштирок этувчи шахсларнинг биринчи инстанция судининг мазмунан кўриб ҳал қилинган фуқаролик иши юзасидан қабул қилинган ва қонуний кучга кирган, апелляция тартибида кўрилмаган ҳал қилув қарорлари ҳамда ажримининг қанчалик қонуний, асослантирилган ва адолатли эканлигини текширишга қаратилган кафолатлардан бири ҳисобланади.

Кассация тартибида иш юритиш, ўзининг мазмун-моҳиятига кўра, кассация инстанцияси судида иш қўзғатиш бўйича кассация тартибида шикоят бериш протест келтириш ҳуқуқи ва муддати, тартиби, мазмуни, ишни кассация инстанцияси судида кўриш муддатлари, ишни кўриш доираси, кўриш тартиби, шунингдек кассация инстанцияси судининг ваколатлари билан боғлиқ масалаларни ўз ичига қамраб олади.

Кассация тартибида иш юритишнинг асосий вазифаси бу – фуқаролик процессуал кодексининг 4-моддасида кўрсатилган, фуқаролик суд ишларини юритиш олдида турган жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашаётган шахсий ҳуқуқлари, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий субъектив ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш йўли билан қонунчиликни мустаҳкамлаши, ҳуқуқнинг бузилиш ҳолларини олдини олиш, ижтимоий адолатни, фуқаролар ўртасида тинчлик ва миллий тотувликни таъминлаш ҳуқуқий тарғибот ва фуқароларнинг ҳуқуқий онгини оширишга хизмат қилади. Фуқаролик суд ишларининг олдида турган вазифаларни кассация инстанцияси судлари, биринчи инстанция судлари томонидан мазмунан кўриб ҳал қилинган фуқаролик иши юзасидан қабул қилинган, қонуний кучга кирган, апелляция тартибида кўрилмаган биринчи инстанция судларининг ҳал қилув қарорлари устидан суднинг ҳал қилув қарори чиққан кундан эътиборан бир йил ичида тарафлар ва ишда иштирок этиш учун жалб қилинган бошқа шахслар, шунингдек, ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги масала суд томонидан ҳал этилган шахслар томонидан кассация тартибида берилган шикоятлар, прокурорларнинг протести асосида ишларни қайта кўриш орқали амалга оширадилар.

## **2-§. Кассация инстанция судига мурожаат қилиш ҳуқуқи ва уни амалга ошириш тартиби**

Кассация инстанцияси судида иш кўзғатиш биринчи инстанция суди томонидан мазмунан кўриб ҳал қилинган фуқаролик иши юзасидан қабул қилинган ва қонуний кучга кирган, апелляция тартибида кўрилмаган ҳал қилув қарори ёки ажрими устидан кассация тартибида шикоят бериш, протест келтириш йўли билан амалга оширилади. Кассация тартибида шикоят бериш ёки протест келтириш ҳуқуқи бу – кассация инстанцияси судида иш кўзғатиш учун асос ҳамда биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирган апелляция тартибда кўрилмаган ҳал қилув қарори ҳамда ажримини қонунийлиги, асослангилганлиги ва адолатлигини кассация инстанцияси суди томонидан кассация тартибида берилган шикоят (протест) асосида ишларни қайта кўриш орқали текшириш билан боғлиқ бўлган фаолиятини қувватлашга қаратилган ҳуқуқдир. Бу ҳуқуқ ФПКнинг 348<sup>1</sup>-моддасида кўрсатилган.

Ушбу модданинг мазмунида баён этилишича, қонуний кучга кирган, апелляция тартибида кўрилмаган ҳал қилув қарори устидан суднинг ҳал қилув қарори чиққан кундан эътиборан бир йил ичида тарафлар ва ишда иштирок этиш учун жалб қилинган бошқа шахслар, шунингдек иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги масала суд томонидан ҳал этилган шахслар кассация тартибида шикоят бериши ва прокурор протест келтириши мумкин.

Қонуний кучга кирган, апелляция тартибида кўрилмаган биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорлари ва ажримлари кассация инстанцияси судида ишни қайта кўришнинг объектини ташкил қилади. Юқорида таъкидлаб ўтилган шахслар эса, кассация тартибида шикоят бериш протест келтириш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар ҳисобланади, шу жумладан, ФПКнинг 33-моддасида кўрсатилган шахслар ҳам.

Кассация тартибида шикоят бериш (протест келтириш) ҳуқуқини амалга ошириш ўзига хос хусусиятга эга. Кассация шикоятлари ва протестлари кассация инстанцияси суди номига ёзилади, лекин ҳал қилув қарори чиқарган судга берилади. Вакил томонидан кассация шикоятига ишончнома ёки вакилнинг ваколатларини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжат илова қилиниши лозим.

Кассация шикояти ёки протести ишда иштирок этувчи шахсларнинг сонига мутаносиб миқдоридаги нусхалари билан бирга судга

тақдим этилиши керак. Ахборот тизими орқали электрон шаклда юбориладиган кассация шикоятни ёки протести бундан мустасно. Бу қоида ФПКнинг 348<sup>3</sup>-моддасига 3-қисм қилиб киритилди<sup>1</sup>.

Судга зарур ҳолларда кассация шикоятни берган шахс ёки кассация протести келтирган прокурор зиммасига кассация шикоятни ёки кассация протестига илова қилинган ёзма материалларининг нусхаларини ишда иштирок этувчи шахслар сонига мутаносиб миқдорда тақдим этиш мажбуриятини юклаши ҳам мумкин.

Ходим билан тузилган меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бекор қилинганда ёки ходим бир ишдан бошқа ишга ғайриқонуний равишда ўтказилганда аввалги ишга тиклаш тўғрисида суд чиқарган ҳал қилув қарори устидан кассация шикоятни шу қарорнинг ижросига доир ҳужжат илова қилинган тақдирдагина қабул қилинади. Акс ҳолда суд кассация шикоятини қабул қилмайди.

Кассация тартибида берилган шикоят ёки прокурор томонидан келтирилган протест кассация инстанция судида иш қўзғатиш асоси бўлиши билан бирга ўзининг мазмунига ҳам эга бўлиши керак. Кассация тартибида шикоят бериш ёки протест келтириш ваколатига эга бўлган субъектлар томонидан кассация тартибида берилган шикоятда ёки протестда қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

- 1) шикоят берилаётган ёки протест келтирилаётган суднинг номи;
- 2) шикоят бераётган ёки протест келтираётган шахснинг номи (фамилияси, исми, отасининг исми);
- 3) шикоят берилаётган ҳал қилув қарори ва уни чиқарган суд;
- 4) ҳал қилув қарорининг нотўғрилиги нимадан иборат эканлиги;
- 5) шикоят бераётган ёки протест келтираётган шахснинг илтимоси;
- 6) шикоят ёки протестга илова қилинган ёзма материалларнинг рўйхати.

Кассация шикоятни, шикоят бераётган шахс ёки унинг вакили томонидан имзоланиши керак. Кассация протести ушбу ишда қатнашганлигидан қатъи назар, прокурор томонидан келтирилади ва имзоланади.

Кассация шикоятида ёки протестида шикоят берган ёки протест келтирган шахснинг ёхуд унинг вакилининг телефонлари ва факслари рақамлари, электрон манзили кўрсатилиши мумкин<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 9 июндаги ЎРҚ-388-сонли қонуни таҳририда. – ЎР ҚХТ. – 2015. – №23. – 301-м.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 9 июндаги ЎРҚ-388-сонли қонунига асосан учинчи қисм билан тўлдирилган. – ЎР ҚХТ. – 2015. – №23. – 301-м.

Қонуний кучга кирган, апелляция тартибида кўрилмаган ҳал қилув қарори устидан шикоят бериш ёки протест келтириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар ФПКнинг 348<sup>1</sup>-моддасида кўрсатилган муддатга риоя қилишлари керак. Кассация тартибида шикоят бериш ёки протест келтириш ҳуқуқи қайси вақтдан бошлаб вужудга келади ва қачон тугайди, муддат ўтказиб юборилса тикланадими ёки йўқми деган саволларга тўғри жавоб бериш ўта муҳим аҳамиятга эга.

Биринчи инстанция судининг кўриб ҳал қилинган фуқаролик иши юзасидан қабул қилинган, қонуний кучга кирган, апелляция тартибида кўрилмаган ҳал қилув қарори, агар унинг устидан шикоят берилмаган ёки протест келтирилмаган бўлса, апелляция шикояти бериш ва протест келтириш муддати ўтгандан кейин қонуний кучга киради. Ҳал қилув қарори устидан апелляция шикояти берилган ёки апелляция протести келтирилган тақдирда ҳал қилув қарори, агар у бекор қилинмаган бўлса, ишни юқори инстанция суди кўриб чиққандан кейин қонуний кучга киради. Бу ҳолат ФПКнинг 217-моддасини мазмунида кўрсатиб ўтилган.

Ушбу моддада апелляция тартибида шикоят бериш ёки протест келтириш муддати кўрсатилмаган. ФПКнинг 320-моддасининг 1-қисмида кўрсатилишича, суд томонидан ҳал қилув қарори чиқарилган кундан эътиборан йигирма кун ичида тарафлар ишда иштирок этишга жалб қилинган бошқа шахслар, шунингдек, ишда иштирок жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги масала суд томонидан ҳал этилган шахслар қонуний кучга кирган, апелляция тартибида кўрилмаган ҳал қилув қарори устидан апелляция тартибида шикоят беришлари, прокурор эса протест келтириши мумкин. Кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган шикоят (протест) кўрилмасдан қолдирилади ва шикоят берган шахсга ёки протест келтирган прокурорга қайтариб берилади.

Ҳал қилув қарорининг қонуний кучга кириши учун унинг устидан апелляция тартибида шикоят бериш ёки протест келтириш борасида белгилаб қўйилган йигирма кунлик муддат ўтиши керак. Агар бу муддат ўтказилиб юборилган бўлса, уни тиклаш масаласи ФПКнинг 130-моддасида кўрсатилган тартибда ҳал қилинади. Ишда иштирок этувчи шахслар қонунда белгиланган муддатни суд узрли деб топган сабабларга кўра, ўтказиб юборган бўлсалар, ўтказиб юборилган муддат биринчи инстанция суди томонидан тикланади.

Ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисидаги ариза процессуал ҳаракат бажарилиши ёки ҳужжат топширилиши лозим бўлган

судга берилади ва ишда иштирок этувчи шахслар хабардор қилинган ҳолда суд мажлисида кўриб чиқилади. Ариза берган шахснинг суд мажлисига келмаслиги муддатни тиклаб бериш масаласини ҳал қилиш учун тўсқинлик қилмайди. Ўтказиб юборилган процессуал муддатни тиклаш тўғрисида ариза бериш билан бир вақтда муддати ўтказиб юборилган ҳаракат бажарилиши ёки тегишли ҳужжат топширилиши лозим.

Қонуний кучга кирган, апелляция тартибида кўрилмаган ҳал қилув қарори устидан кассация тартибида шикоят бериш учун ўтказиб юборилган процессуал муддатни тиклаб беришни суд рад қилса, бу ҳақида у ажрим чиқариши керак. Суднинг процессуал муддатни тиклаб беришни рад қилиш тўғрисида чиқарган ажрими устидан хусусий шикоят берилиши ёки хусусий протест келтирилиши мумкин.

Кассация тартибида шикоят бериш ёки протест келтириш тўғрисида белгилаб қўйилган процессуал муддат ўтказиб юборилганда уни тиклаш масаласини кассация инстанцияси суди эмас, биринчи инстанция суди ҳал қилади. Бу борада ўтказиб юборилган процессуал муддатнинг ўтказиб юборилганлиги сабаблари асосий роль ўйнайди. Ўтказиб юборганлик сабабларини суд узрли деб топса, ўтказиб юборилган муддатни тиклайди, сабаблар узрсиз бўлса, ўтказиб юборилган процессуал муддатни тиклаб беришни рад қилади.

Ўтказиб юборилган процессуал муддатни суд тиклаб берса, уни тиклаш тўғрисида судга мурожаат қилган шахс суд ҳал қилув қарори устидан кассация тартибида шикоят бериш ҳуқуқига эга бўлади. Агарда суд ўтказиб юборилган процессуал муддатни тиклаб бериш тўғрисидаги талабни рад этса, бу қонуний кучга кирган, апелляция тартибида кўрилмаган ҳал қилув қарори устидан кассация тартибида шикоят бериш ёки протест келтириш ҳуқуқидан маҳрум қилади. Бундай ҳал қилув қарори устидан назорат тартибида протест келтириш ваколатига эга бўлган мансабдор шахслар назорат тартибида протест келтиришлари мумкин. Бунинг учун манфаатдор шахс тегишли юқори суднинг раисига ёки назорат тартибида протест келтириш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахсга уч йил мобайнида ариза билан мурожаат қилган бўлиши керак. Аризада кўрсатилган сабаблар узрли бўлса протест келтирилади, узрсиз бўлса унинг сабабларини кўрсатиб, ёзма равишда жавоб бериши керак.



### **3-§. Кассация шикоятини (протестини) ҳаракатсиз қолдириш, қўшилиш, тўлдириш, ўзгартириш, шикоятдан воз кечиш ва протестни қайтариб олиш**

Кассация шикояти ўз-ўзидан ҳаракатсиз қолдирилмайди. Бунинг учун маълум сабаблар бўлиши керак. Кассация тартибида берилган шикоятни (протестни) ҳаракатсиз қолдириш учун ФПКнинг 348<sup>3</sup>-348<sup>4</sup>-моддаларида кўрсатилган талабларнинг бузилганлиги асос бўлиб хизмат қилади. Шу билан бирга, кассация шикояти ёки протести бўйича қонунда белгилаб қўйилган ва тўланиши керак бўлган давлат божининг тўланмаганлиги ҳам кассация тартибида келтирилган шикоят ёки протестни ҳаракатсиз қолдириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Кассация шикояти ёки протести ҳаракатсиз қолдирилса, суд бу ҳақда ажрим чиқаради. Судья ўзининг ажримида кассация шикояти ёки протестини ҳаракатсиз қолдириш учун асос бўлган, йўл қўйилган камчиликлар ва уларни тузатиш учун муддатни кўрсатиши керак. Ажрим кассация шикояти берган ёки протест келтирган шахсга имзо қўйдириб топширилади ёки унга почта орқали ёхуд ахборот тизими орқали электрон шаклда юборилиши керак<sup>1</sup>.

Агар шикоят берган ёки протест келтирган шахс судьянинг кассация шикояти ёки кассация протестини ҳаракатсиз қолдириш тўғрисидаги ажримида кўрсатилган камчиликларни белгиланган муддатда тузатса, шикоят ёки протест дастлаб судга тақдим этилган кундан берилган ҳисобланади. Акс ҳолда, шикоят ёки протест берилмаган ҳисобланиб, шикоят берган ёки протест келтирган шахсга қайтарилади ва бу ҳақида судья ажрим чиқариши керак. Шикоят ёки протест шикоят берган ёки протест келтирган шахсга ажрим билан бирга имзо қўйдириб топширилиши ёки почта орқали ёхуд ахборот тизими орқали электрон шаклда юборилиши керак (ФПКнинг 348<sup>5</sup>-моддаси).

Кассация тартибида шикоят бериш ва протест келтириш билан бевосита боғлиқ бўлган масалалардан яна бири бу – кассация шикоятига қўшилишдир. Ушбу масала ФПКнинг 348<sup>7</sup>-моддасининг мазмунида баён этилган. Ушбу модданинг мазмунига кўра, процессда кассация шикояти берган тараф томонида қатнашаётган шерик иштирокчилар ва учинчи шахслар берилган шикоятга қўшилишлари

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 9 июндаги ЎРҚ-388-сонли қонуни таҳририда. – ЎР ҚХТ. – 2015. – №23. – 301-м.

мумкин. Шикоятга қўшилиш ҳақида ариза берган вақтда давлат божи ундирилмайди. Давлат божи фақат кассация тартибида шикоят берган тарафдан ундирилади.

Кассация шикоятини (протестини) тўлдириш, ўзгартириш, шикоятдан воз кечиш ва протестни қайтариб олиш масалалари ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган масалалардан ҳисобланади ва маълум ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради. Бунинг учун кассация шикоятини ёки протестини тўлдириш, ўзгартириш, ундан воз кечиш ва қайтариб олишга ким ҳақли эканлигини билиб олиш муҳим аҳамият касб этади.

Кассация тартибида ким шикоят берган бўлса, ўша шахсининг ўзи шикоятни тўлдириши, ўзгартириши ёки ундан воз кечиши мумкин. Кассация тартибида шикоят берган шахсдан бошқа шахслар шикоятни тўлдириш, ўзгартириш ва ундан воз кечишга ҳақли эмаслар. Бу ҳуқуқ фақат кассация тартибида шикоят берган шахсга берилганлиги учун ҳам у хоҳласа шикоятни тўлдиради, ўзгартиради ёки ундан воз кечади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назорат олиб бориш прокуратура органларининг олдида турган асосий вазифа ҳисобланади. Бу вазифани Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширишлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 118-моддаси<sup>1</sup>да ҳамда Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Прокуратура тўғрисида»<sup>2</sup>ги қонуни 1-моддасининг 2-қисмида кўрсатилган.

Прокуратура органлари олдида турган асосий вазифаларидан келиб чиқиб, кассация протести келтирган прокурорнинг ўзи протестни тўлдириши, ўзгартириши ва қайтариб олиши мумкин. Бундан ташқари, прокурор томонидан келтирилган кассация протестини юқори турувчи прокурор ҳам суд мажлиси бошлангунга қадар протестни тўлдириши, ўзгартириши ва қайтариб олиши мумкин. Агар прокурор томонидан кассация тартибида келтирилган протест бўйича ишни кўриш кассация инстанцияси суди томонидан бошлаган бўлса, кассация тартибида протест келтирган прокурорнинг ўзи ёки юқори турувчи прокурор протестни қайтариб ололмайди ва ундан воз кеча

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., 2015. – Б.66.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 2001. – №9-10. – 168-м.; 2003. – №5. – 67-м.; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2004. – №51. – 514-м.; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси. – 2007. – №6. – 249-м.

олмайди. Кассация тартибида шикоят берган шахс фуқаролик процессининг барча босқичларида суд ишларини юритиш жараёнида ўзининг келтирган шикоятдан воз кечиши мумкин, шу жумладан, кассация инстанцияси судида суд ишларини юритиш жараёнида ҳам.

Агар ҳал қилув қарори устидан бошқа шахслар кассация тартибида қонуний кучга кирган, апелляция тартибида кўрилмаган ҳал қилув қарори устидан шикоят бермаган бўлса, шикоятдан воз кечишни кассация инстанцияси суди қабул қилган бўлса ва протест қайтариб олинган бўлса, кассация инстанцияси суди ажрим чиқариб, ўзининг ажрими билан кассация тартибида иш юритишни тугатиши керак.

#### **4-§. Кассация тартибида берилган шикоятларни ёки келтирилган протестларни кўриб ҳал қилиш тартиби**

Фуқаролик процессуал қонунчилигида белгилаб қўйилган қоидаларга риоя қилиб, қонуний кучга кирган апелляция тартибида кўриб ҳал қилинмаган ҳал қилув қарори устидан берилган шикоят ва протестлар, ҳал қилув қарорини чиқарган суд томонидан қабул қилиб олинмиши керак. Чунки кассация шикоятлари ва протестлари кассация инстанцияси суди номига ёзилган бўлса ҳам иш юзасидан ҳал қилув қарори чиқарган судга берилиши кераклиги ФПКнинг 348<sup>3</sup>-моддасида кўрсатилган.

Кассация шикояти ёки протестини олгандан сўнг биринчи инстанция суди қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириши керак:

1) ишда иштирок этувчи шахсларга шикоят ёки протестнинг нусхаларини юбориш;

2) ишда иштирок этувчи шахсларга ишни кассация инстанциясида кўриш вақти ва жойи тўғрисида маълум қилиш;

3) суд қарори ижросини (агар у ижро этилмаган бўлса) иш кассация тартибида кўрилгунига қадар тўхтатиб қўйиш ва бу хусусда манфаатдор шахслар, ташкилотларни хабардор этиш;

4) кассация шикояти ёки протести келиб тушган кундан эътиборан йигирма кунлик муддат ичида ишни тушган шикоят ёки протест билан бирга кассация инстанцияси судига юбориши шарт.

Ишда иштирок этувчи шахслар судда иш материаллари ва тушган шикоятлар ёки протестлар билан танишишга ҳақли.

ФПКнинг 348<sup>8</sup>-моддасида кўрсатилишича, кассация шикояти (протести) юзасидан тушунтириш бериш (эътироз билдириш) ишда иштирок этувчи шахсларга берилган ҳуқуқлардан бири. Ишда ишти-

рок этувчи шахслар ўзларига берилган ушбу ҳуқуқдан фойдаланиб, ҳал қилув қарори устидан кассация тартибида берилган шикоят ёки келтирилган протест юзасидан тушунтиришлар берса, унинг берган тушунтиришларини (эътирозларини) тасдиқлайдиган ҳужжатлар ҳам илова қилиб берилиши керак.

Тушунтиришлар (эътирозлар) ишда иштирок этувчи шахсларнинг сонига мутаносиб миқдордаги нусхалари билан бирга судга тақдим этилиши лозим. Ахборот тизими орқали электрон шаклда юбориладиган тушунтиришлар (эътирозлар) бундан мустасно. Тушунтиришларнинг (эътирозларнинг) нусхаларини суд ишда иштирок этувчи шахсларга топшириши, юбориши керак<sup>1</sup>.

Кассация инстанция суди биринчи инстанция суди томонидан йигирма кун ичида юборилган ишни тушган шикоят билан олгандан сўнг уни дарҳол кўриб ҳал қилмайди. Ишни шикоят (протест) билан бирга олгандан сўнг кассация инстанция суди ҳам маълум процессуал ҳаракатларни бажариши керак. Кассация инстанция суди ишни шикоят (протест) билан олгандан сўнг қуйидаги процессуал ҳаракатларни амалга оширади:

1) ишда иштирок этувчи шахсларга шикоят ёки протест юзасидан тушунтириш беришни (эътироз билдиришни) таклиф қилиш, тушунтиришларнинг (эътирозларнинг), шунингдек, уларга илова қилинган ҳужжатларнинг нусхаларини ишда иштирок этувчи шахсларга топшириш;

2) ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосномаси бўйича далилларни талаб қилиб олишга кўмаклашиш.

Қонуний кучга кирган, апелляция тартибида кўрилмаган ҳал қилув қарори устидан кассация тартибида берилган шикоятни ёки келтирилган протестни кассация тартибида кўриб ҳал қилиш ваколатига эга бўлган судларни аниқлаб, иш кўриш тартибини билиб олиш ўта муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Ушбу масаланинг туб моҳиятини тушуниб олиш учун ФПКнинг 348<sup>2</sup>-моддасининг мазмунига ҳамда 14,333-342-моддаларининг мазмунида кўрсатилган ҳолатларга эътиборни қаратиш керак.

ФПКнинг 348<sup>2</sup>-моддасининг мазмунида баён этилган кассация шикоятларини (протестларини) қуйидаги судлар апелляция тартибида кўриб ҳал қилади:

1) Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 9 июндаги ЎРҚ-388-сонли қонуни таҳририда. – ЎР ҚХТ. – 2015. – №23. – 301-м.

судлари — тегишли фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судларининг ҳал қилув қарорлари устидан, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий судининг, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг ҳал қилув қарорлари устидан берилган кассация шикоятларини (протестларини);

2) Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди — округ ва ҳудудий ҳарбий судларнинг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг ҳал қилув қарорлари устидан берилган кассация шикоятларини (протестларини);

3) Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати — Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳал қилув қарорлари устидан берилган кассация шикоятларини (протестларини);

4) Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ҳарбий ҳайъати — Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ҳарбий ҳайъатининг ҳал қилув қарорлари устидан берилган кассация шикоятларини (протестларини) кўради.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди — округ ва ҳудудий ҳарбий судларнинг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг ҳал қилув қарорлари устидан берилган кассация шикоятларини (протестларини) кассация тартибида кўриб ҳал қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати — Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳал қилув қарорлари устидан берилган кассация шикоятларини (протестларини) кўриб ҳал қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ҳарбий ҳайъати — Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ҳарбий ҳайъатининг ҳал қилув қарорлари устидан берилган кассация шикоятларини (протестларини) кўриб ҳал қилади.

Қонуний кучга кирган, апелляция тартибида кўрилмаган ҳал қилув қарорлари ва ажримлари устидан ишда иштирок этувчи шахслар, шунингдек ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги масала суд томонидан ҳал этилган шахслар томонидан кассация тартибида берилган шикоят ёки прокурор томонидан кассация тартибида келтирилган протест бўйича фуқаролик ишини қайта кўриш ваколатига эга бўлган кассация инстанция судлари, жумладан: Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди

кассация шикояті ёки протести бўйича тушган фуқаролик ишини у келиб тушган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай кўриб чиқиши лозим. Иш ўта мураккаб бўлган ёки бошқа ҳолларда тегишли суднинг раиси бу муддатни кўпи билан яна йигирма кунга узайтириши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди кассация шикояті ёки протести бўйича тушган фуқаролик ишини у келиб тушган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай кўриб чиқиши лозим. Алоҳида ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси ёки унинг ўринбосари бу муддатини кўпи билан яна бир ойга узайтириши мумкин.

Фуқаролик ишини кассация инстанцияси судларида кўриш муддати узайтирилганда ишда иштирок этувчи шахслар иш кўриладиган кун олдидан биринчи инстанция суди томонидан хабардор қилиниши керак.

Кассация тартибида берилган шикоят ва келтирилган протест бўйича фуқаролик ишини кассация инстанцияси судларида кўриб ҳал қилиш муддатларини олдиндан қонун билан белгилаб қўйилганлиги ўта муҳим аҳамиятга эга. Биринчидан, кассация инстанцияси судлари томонидан кассация тартибида берилган шикоят ва протестларни ўз вақтида кўриб ҳал қилиш йўли билан судга мурожаат қилган шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган субъектив ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилишни кафолатлайди. Иккинчидан, кассация инстанцияси судлари томонидан хоҳлаган ишни хоҳлаган муддатда кўриб ҳал қилишнинг олдини олади, яъни ишни ўзбошимчалик асосида кўришга йўл қўймайди. Учинчидан, ишни ўз вақтида кўриб ҳал қилиш ва иш юзасидан қонуний, асослан-тирилган ва адолатли одил судлов ҳужжатларини қабул қилишни таъминлашга асос бўлиб хизмат қилади.

Кассация инстанция судлари ҳам кассация тартибида берилган шикоят ёки протест бўйича фуқаролик ишини процессуал қонунчилигида кўрсатилган тартибда суд мажлисида кўриб ҳал қилади. Кассация шикоятини (протестини) суд мажлисида кўриш тартиби ФПК-нинг 348<sup>14</sup>-моддасида кўрсатилган. Ушбу моддада таъкидланишича, кассация инстанциясининг суд мажлиси кодекснинг 14, 333-342-моддаларида назарда тутилган тартибда ўтказилиши керак.

Кассация инстанцияси судининг мажлисида раислик қилувчи 164,165,166-моддаларига амал қилиб, суд мажлисида тегишли тартибни таъминлаш чорасини кўриши керак. Суд мажлисида раислик қилувчи суд мажлисини очади, кимнинг кассация тартибда берган

шикояти ёки протести бўйича ҳамда қайси суднинг қонуний кучга кирган, апелляция тартибида кўрилмаган ҳал қилув қарори юзасидан қандай иш кўрилишини эълон қилади. Раислик қилувчи ишда иштирок этувчи шахсларнинг қайси бири келмаганлигини, келмаганлик сабаблари тўғрисида қандай маълумотлар борлигини, судга келганларнинг шахсини аниқлаши керак. Шу билан бирга, мансабдор шахслар ҳамда вакилларнинг ваколатини текширади.

Раислик қилувчи суд таркибини эълон қилади, суд мажлисининг котиби, прокурор, эксперт, таржимон сифатида кимлар қатнашаётганлигини маълум қилади ва бу ишда иштирок этувчи шахсларга рад қилиш ҳақида арз қилиш ҳуқуқларини тушунтиради. Агар ишда иштирок этувчи шахслардан судьяни, прокурорни, экспертни, мутахассисни, таржимон ва суд мажлисининг котибини рад қилиш тўғрисида ариза берилган бўлса, суд рад қилиш асосларига эътибор бериши керак.

Ишнинг пировард натижасидан шахсан бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлса, ёхуд унинг холислигига шубҳа туғдирадиган бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса ёки шу иш илгари кўрилганида гувоҳ, эксперт, мутахассис, таржимон, вакил, прокурор, суд мажлисининг котиби сифатида қатнашган бўлса, шунингдек ишда иштирок этувчи тарафларнинг қариндоши бўлса, судья томонидан ишни кўришга йўл қўйилмайди. Судья ушбу асосларга кўра ишни кўришдан четлаштирилиши керак. Бир-бирига қариндош шахслар суд таркибига кириши мумкин эмас. Бу асослар ФПКнинг 25-моддасининг мазмунида ўз ифодасини топган. Прокурор, эксперт, мутахассис, таржимон ва суд мажлисининг котиби ишнинг пировард натижасидан шахсан бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлса, ёхуд унинг холислигига шубҳа туғдирадиган бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса, шунингдек ишда иштирок этувчи тарафларнинг ёки бошқа шахсларнинг қариндоши бўлса, булар ҳам ишни кўришдан четлаштирилиши керак.

Бундан ташқари, эксперт, мутахассис ва таржимон ишда иштирок этувчи тарафларга ёки бошқа шахсларга хизмат юзасидан ёхуд бошқача тарзда қарам бўлса, эксперт ва мутахассис эса, шунингдек, тафтиш ўтказган ёки хулоса ҳам берган бўлиб, уларнинг материаллари мазкур фуқаролик ишни кўзғатишга асос бўлиб хизмат қилган бўлса, уларни рад қилиш тўғрисида ариза беришлари мумкин.

Рад қилиш масаласи бўйича шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ФПКнинг 25,26 ва 27-моддаларида кўрсатилган ҳолатлар мавжуд бўлса, судья, прокурор, эксперт, мутахассис, таржимон ва суд мажлисининг котиби бу ҳақда судга арз қилиши (ўз-ўзини рад қилиши)

шарт. Ишда иштирок этувчи шахслар ҳам юқоридаги асослар бўйича рад қилиш ҳақида арз қилишлари мумкин.

Рад қилиш тўғрисида арз асосланган бўлиши ва ишни кўриш бошлангунга қадар маълум қилиниши лозим. Рад қилиш ҳақида кечикиб арз қилишга рад қилиш учун асослар, судга ёки рад қилишни сўраб арз қилган шахсга ишни кўриш бошлаб юборилгандан сўнг маълум бўлиб қолган ҳоллардагина йўл қўйилади. Бошқа ҳолларда бунга йўл қўйилмайди.

Кассация инстанцияси судида рад қилиш тўғрисида ишда иштирок этаётган шахслар томонидан арз қилинган бўлса, уни ҳал қилиш ФПКнинг 29-моддасида кўрсатилган тартибда ҳал қилиниши керак. Ушбу модданинг мазмунида баён қилинишича, рад қилиш тўғрисида арз қилинган тақдирда, суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг фикрини, агар рад қилишни талаб қилаётган шахс тушунтириш беришни хоҳласа, унинг сўзларини ҳам эшитиши керак.

Судьяни рад қилиш масаласи рад қилиниши талаб қилинган судьянинг иштирокисиз қолган судьялар томонидан ҳал қилинади. Рад қилишни ёқлаб ва унга қарши берилган овозлар сони тенг бўлиб қолса, судья рад қилинган ҳисобланади. Икки судьянинг ёки суднинг бутун таркибини рад қилиш талаб қилинганида рад қилиш масаласи шу суднинг тўлиқ таркибида кўпчилик овоз билан ҳал қилинади.

Прокурор, эксперт, мутахассис, таржимон ва суд мажлиси котибини рад қилиш масаласини ишни кўриб чиқаётган суднинг ўзи ҳал қилади.

Рад қилиш масаласини ҳал қилиш учун судья (суд) алоҳида хонага (маслаҳатхонага) чиқади ва рад қилиш талабини қабул қилиш ёки қабул қилмаслик тўғрисида ажрим чиқаради.

Рад қилиш тўғрисидаги аризани қаноатлантириш маълум ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради. Иш Ўзбекистон Республикаси Олий судида, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий судида, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судида кўрилаётганида судья ёки суднинг бутун таркиби рад қилинган тақдирда, иш шу суднинг ўзида, лекин бошқа суд таркибида кўрилади.

Агар Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий судида, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларида ФПКнинг 27-моддасида ишни кўришда судьянинг такрор иштирок этишига йўл қўйилмаслиги сабабларига кўра рад қилиш қаноатлантирилганидан кейин шу ишни кўриш учун суднинг янги



таркибини ташкил қилишга имкон бўлмаса, иш Ўзбекистон Республикаси Олий судига ўтказилиши лозим. Бундай ҳолларда иш Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан кўрилади ёки Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг фармойишига биноан кўриш учун бошқа тегишли судга юборилади. Иш қайси судга юборилган бўлса, ўша суд томонидан кўриб ҳал қилинади.

Раислик қилувчи ишда иштирок этувчи шахсларга рад қилиш бўйича арз қилиш ҳуқуқига эга эканликларини тушунтиргандан кейин бу ҳақда ариза берилмаган бўлса, ишда иштирок этувчи шахсларга уларнинг процессуал ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тушунтиради. Ишда иштирок этувчи шахслардан бирортаси суд мажлисига келмаган бўлса ва у ишни кўриш вақти ва жойи тўғрисида тегишлича хабардор қилинганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлмаса, суд иш кўришни кейинга қолдиради. Ишда иштирок этувчи, иш кўриладиган вақт ва жой тўғрисида хабардор қилинган шахслар суд мажлисига келмаса, суд ишни уларни йўқлигида ҳам кўриб ҳал қилиши мумкин. Бундай шахсларнинг суд мажлисига келмаслиги ишни кўриш учун тўсқинлик қилмаслиги процессуал қонунчилигида кўрсатилган. Шундай бўлса-да, суд уларни суд мажлисига келмаганлик сабабларини узрли деб топса, ишни кўришни кейинга қолдириши ҳам мумкин.

Агар прокурор ёки адвокат узрсиз сабабларга кўра суд мажлисига келмай қолган бўлса, суд бу ҳақида ажрим чиқариб, буларнинг суд мажлисига келмаганликларини тегишли бўлишига қараб, юқори турувчи прокурорга ёки Ўзбекистон Республикаси адвокатлар палатасининг ҳуқуқий бошқармаси ҳузуридаги малака комиссиясига маълум қилиши керак.

Юқорида баён этилган ҳолатлар кассация инстанцияси суди мажлисининг биринчи қисмида суд мажлисида раислик қилувчи томонидан амалга оширилади. Ишни кассация инстанцияси судида кўриш раислик қилувчи ёки судьялардан бирининг маърузаси билан бошланади. Маърузачи ишнинг ҳолатини қонуний кучга кирган, апелляция тартибида кўрилмаган ҳал қилув қарорининг мазмунини, кассация тартибида берилган шикоят ёки келтирилган протест ва улар юзасидан берилган тушунтиришларини (эътирозларни), келтирилган, яъни далилларнинг мазмунини, шунингдек ҳал қилув қарорининг қонуний, асослантилган ва адолатли эканлигини текшириш учун суд зарур бўлган барча маълумотларни баён қилади.

Кассация инстанцияси судида кассация тартибида берилган шикоят ёки кассация тартибида келтирилган протест бўйича ишни

кўриш жараёнида тарафлар ўзаро келишув битимини тузиш йўли билан иш юритишни тугатишлари мумкин. Кассация шикоятни берилган ёки протест келтирилгандан кейин даъвогар ўзининг даъво талабларидан воз кечса, жавобгар даъвогарни даъво талабларини тан олса, тарафлар ёзма шаклда, жумладан ахборот тизими орқали электрон шаклда ўзаро келишув битими тузган бўлсалар, булар кассация инстанцияси судига топширилиши керак, агар даъвогар кассация инстанцияси судида ишни кўриш вақтида ўзининг даъво талабларидан воз кечса, жавобгар даъвогарни арз қилган талабларни тан олса ёки тарафлар келишув битими тузган бўлсалар, бу ҳақида суд мажлисининг баённомасига ёзиб қўйилиб, баённома тегишли бўлишига қараб даъвогар, жавобгар ёки ҳар икки тараф томонидан имзоланиши керак.

Суд даъводан воз кечишни қабул қилишни ёки келишув битимини тасдиқлашдан олдин даъвогарга ёки иккала тарафга бундай процессуал ҳаракатлар қандай ҳуқуқий оқибатларга олиб келишини тушунтириб бериши керак. Агар кассация инстанцияси суди даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечганлигини қабул қилса ёки тарафлар ўртасида тузилган келишув битимини тасдиқласа, бу ҳақида ажрим чиқариб, биринчи инстанция судини иш бўйича чиқарилган ва қонуний кучга кирган, апелляция тартибида кўрилмаган ҳал қилув қарорини бекор қилиб иш юритишини тугатиши керак. Агар даъвогарнинг арз қилган талаблардан воз кечиши ёки тарафларнинг келишув битими қонунга зид бўлса, ёхуд кимнингдир ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган бўлса, суд воз кечишни рад қилади ёки тузилган келишув битимини тасдиқламай ишни кассация тартибида кўриб ҳал қилиши керак.

Суд мажлисида раислик қилувчи ёки судьялардан бири иш бўйича маъруза қилгандан сўнг суд мажлисига келган ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришларини тинглайди, бу шахслар кассация шикоятни ёки протестида кўрсатилмаган важлар ва қўшимча материаллар тақдим этиш ҳуқуқига ҳам эга.

Кассация инстанциясида ишни кўриш жараёнида кассация шикоятини берган шахс ва унинг вакили биринчи бўлиб, агар иш прокурорни кассация тартибида келтирган протести бўйича кўриб чиқиладиган бўлса, биринчи бўлиб прокурор сўзга чиқади. Ҳал қилув қарори устидан ҳар икки тараф ҳам шикоят берган бўлса, биринчи бўлиб даъвогар ундан кейин жавобгар сўзга чиқади.

Бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ваколатига эга бўлган ФПКнинг 48-моддасида кўрсатилган давлат бошқаруви органларининг, ташкилотларнинг вакиллари, шунингдек, айрим фуқаролар, агар суднинг қонуний кучга кирган апелляция тартибида кўрилмаган ҳал қилув қарори устидан кассация шикоят бермаган бўлсалар, кассация инстанцияси судининг мажлисида тарафлар ва учинчи шахслардан кейин сўзга чиқадилар. Агар буларнинг вакиллари ва айрим фуқаролар ҳал қилув қарори устидан кассация тартибида шикоят берган бўлсалар, кассация инстанцияси судида иш улар берган шикоят асосида кўрилади бўлса, суд мажлисида биринчи бўлиб сўзга чиқадилар. Булардан кейин даъвогар ёки унинг вакили, жавобгар ёки унинг вакили, булардан кейин прокурор ҳал қилув қарори қай даражада қонуний, асосланган ва адолатли эканлиги тўғрисида ўзининг фикрини баён қилади.

Иш кассация инстанцияси судида кўрилади бўлганда суд биринчи инстанция суди ҳал қилув қарорининг қонуний, асосланган ва адолатли эканлигини кассация шикоти ёки протестининг важлари ҳамда улар юзасидан билдирилган эътирозлар доирасида текширади. У янги далилларни ўрганиб чиқиши ва янги фактларни аниқлаши мумкин.

### **5-§. Ҳал қилув қарорини кассация тартибида бекор қилиш асослари**

Биринчи инстанция судлари томонидан мазмунан кўриб ҳал қилинган фуқаролик ишлари юзасидан чиқарилган ва қонуний кучга кирган, апелляция тартибида кўрилмаган ҳал қилув қарорлари қонунда кўрсатиб қўйилган асослар мавжуд бўлмаса, кассация инстанция судлари томонидан бекор қилинмайди. Шундай экан, биринчи инстанция судлари томонидан иш юзасидан чиқарилган ҳал қилув қарорини кассация инстанция суди томонидан бекор қилиш учун қонунда кўрсатиб қўйилган асослар мавжуд бўлиши керак<sup>1</sup>. Ҳал қилув қарорларини бекор қилиш асослари ва қонунда кўрсатиб қўйилган ҳолатлар ҳисобланади. Бундай асослар мавжуд бўлган тақдирда кассация инстанция суди биринчи инстанция суди томонидан мазмунан кўриб ҳал қилинган, қонуний кучга кирган, апелляция тартибида кўрилмаган ҳал қилув қарорини бекор қилиши керак.

---

<sup>1</sup> Гражданский процесс: Учебник / Под ред. проф. В.В. Блажеев, проф. Е.Е. Укусова. – М., 2015. – С.603-605.

Ҳал қилув қарорини кассация тартибида бекор қилиш ёки ўзгартириш учун асослар бўлиб, судлар томонидан ўзларининг процессуал фаолиятларига доир қўйилган талабларга риоя қилмаганликларини гувоҳлантирувчи ҳолатлар ҳисобланади. Ҳал қилув қарорларини кассация тартибида бекор қилиш ёки ўзгартириш учун асослар бўлиб уларнинг ғайриқонунийлиги, асослантирилмаганлиги ва адолатсизлиги ҳисобланади.

ФПКнинг 312-моддасида кўрсатилишича, ҳал қилув қарорини кассация тартибида бекор қилиш учун қуйидагилар асос бўлиб хизмат қилади:

- 1) иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўлиқ аниқланмаганлиги;
- 2) суд аниқланган деб ҳисобланган, иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларнинг исботланмаганлиги;
- 3) суднинг ҳал қилув қарорида баён қилинган хулосаларнинг иш ҳолатларига мувофиқ келмаслиги;
- 4) моддий ҳуқуқ нормалари ёки процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёки нотўғри қўлланганлиги.

Ҳал қилув қарори ғайриқонуний ҳисобланади, қачонки биринчи инстанция суди иш бўйича татбиқ этилиши керак бўлган моддий ҳуқуқ (фуқаролик, оила, меҳнат, уй-жой ва бошқалар) нормасини ёки процессуал ҳуқуқ нормасини бузган бўлса ёки нотўғри татбиқ этган бўлса. Масалан, суд ишни тўғри ҳал қилиш учун татбиқ қилиниши лозим бўлган қонунни қўллаш ўрнига уни қўлламаган бўлса ёки суд иш бўйича татбиқ қилинмаслиги лозим бўлган қонунни қўллаган бўлса, ёинки суд қонунни нотўғри талқин қилган бўлса, булар моддий ҳуқуқ нормасини бузиш ёки нотўғри қўлланилганлигини исботлаб берувчи ҳолатлар бўлиб, ўз навбатида биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирган апелляция тартибида кўрилмаган ҳал қилув қарорини кассация тартибида бекор қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Суднинг мазмунан тўғри бўлган ҳал қилув қарори, ажрими фақат расмий асосларга кўра бекор қилиниши мумкин эмас.

Ҳал қилув қарорини кассация тартибида бекор қилиш ёки ўзгартириш учун асос бўлиб хизмат қиладиган ҳолатларни умумлаштирган ҳолда қарайдиган бўлсак, бу асосларнинг барчаси, иш юзасидан қабул қилинган ҳал қилув қарорининг ғайриқонунийлиги, асослантирилмаганлиги ва адолатсизлигидан далолат беради. Суд ҳал қилув қарорининг ғайриқонунийлиги тушунчаси билан асослантирилмаганлиги ва адолатсизлиги тушунчалар ўртасида узвий алоқадорлик мавжуд. Юридик адабиётларда таъкидланишича, ҳал қилув қарорини

асослантирилган бўлишига қўйилган талаб процессуал ҳуқуқ нормаларида кўрсатилган, шунинг учун ушбу талабга риоя қилмаслик, айти вақтда қонунни бузганликдан далолат беради. Агарда суднинг ҳал қилув қарорининг ғайриқонунийлигини кенг маънода тушунадиган бўлсак, ҳар қандай асослантирилмаган ҳал қилув қарори бир вақтнинг ўзида ғайриқонуний бўлади. Агарда суд ҳал қилув қарорининг асослантирилмаганлигини кенг маънода тушунадиган бўлсак, суднинг асослантирилмаган ҳар қандай ҳал қилув қарори айти бир вақтнинг ўзида ғайриқонуний бўлади. Ҳал қилув қарорларининг бекор қилиш асосларини турларга бўлиш маълум маънода шартли характерга эга. Бир томондан, ишнинг фактик томонларини ўрнатиш бўйича суд томонидан йўл қўйилган хатолар умумий қоидага кўра, суд томонидан суд ишларини юритиш қоидаларини бузишлик бўлса, бошқа томондан, ишнинг фактик ҳолатларини нотўғри ўрнатиш моддий ҳуқуқ нормасини нотўғри татбиқ этишга олиб келиши мумкин<sup>1</sup>. Бу фикрга қўшилса бўлади. Чунки, ҳал қилув қарорига асосан иккита талаб қўйилади: 1) Ҳал қилув қарорининг қонуний бўлиши; 2) ҳал қилув қарорининг асослантирилган бўлишлиги. Бизда ФПКнинг 311-моддасида учинчи талаб ҳам қўйилган. У ҳам бўлса ҳал қилув қарорининг адолатли бўлишлиги. Лекин суднинг ҳал қилув қарори қачон асосли бўлишлиги тўғрисида тушунча йўқ. Фикримча, иш юзасидан чиқарилган суднинг ҳал қилув қарори қонуний ҳамда асослантирилган бўлса, у ўз навбатида адолатли бўлади. Шунинг учун суднинг иш юзасидан чиқарган ҳал қилув қарори одил судлов ҳужжати сифатида бир вақтнинг ўзида қонуний ва асослантирилган бўлиши керак. Шундагина у адолатли бўлади.

Ҳал қилув қарори асослантирилмаган бўлади, қачонки, суд ишни тўғри ҳал қилиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган фактик ҳолатларни нотўғри аниқлаган бўлса. Агар иш ҳолатларини суд тўғри аниқланган далилларга асосланиб ўзининг қарорини чиқарган бўлса, суднинг ҳал қилув қарори асослантирилган бўлади. Ҳал қилув қарори асослантирилмаганлигининг сабаблари турлича бўлиши мумкин. Масалан, иш бўйича татбиқ этилиши лозим бўлган моддий ҳуқуқ нормасида кўрсатилган, ишнинг тақдирини ҳал қиладиган барча юридик фактларнинг суд томонидан ўрганилмаганлиги, текширилмаганлиги ёки бундай нормада кўрсатилмаган юридик фактларни текширганлиги, ҳал қилув

---

<sup>1</sup> *Шерстюк В.М.* Обжалование и проверка судебных решений и определенных не вступивших в законную силу, в кассационном порядке: Учебник. Гражданский процесс / Под ред. М.К.Треушникова. – М., 2008. – С.541-542.

қарорини асослантирилмаганлигидан далолат беради. Суд ҳал қилув қарорининг асослантирилмаган бўлиши кўпчилик ҳолларда исботлаш предметининг нотўғри аниқланганлигига боғлиқ бўлади.

Суд аниқланган деб ҳисобланган, иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларнинг исботланмаганлиги ҳам ҳал қилув қарорининг асослантирилмаганлигидан далолат беради. Агарда суд ҳал қилув қарорида аниқланиши керак бўлган фактларни қонунда кўрсатиб қўйилган далилларга асосланиб, исботлаб, тасдиқлаб бермаган бўлса ёки аниқ бўлмаган, қарама-қарши бўлган далилларга асосланиб фактларни ўрнатган бўлса, суднинг ҳал қилув қарори асослантирилмаган бўлади.

Суднинг ҳал қилув қарорида баён қилинган хулосалар иш ҳолатларига мувофиқ келмай қолиши мумкин. (масалан, суд иш юзасидан ўрнатилган фактлар бўйича ишда иштирок этувчи тарафлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар борасида нотўғри фикрга келган бўлса). Бунинг оқибатида суд иш юзасидан қабул қилинган ҳал қилув қарорини объектив жиҳатдан тўғри деб бўлмайди.

Ҳал қилув қарорларининг асослантирилмаганлиги бўйича хулоса қилиб айтиш мумкинки, фуқаролик ишини тўғри кўриб ҳал қилиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатларнинг тўлиқ аниқланмаганлиги, суд аниқланган деб ҳисоблаган, иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларнинг исботланмаганлиги, суд ҳал қилув қарорида баён қилинган хулосаларнинг иш ҳолатларига мувофиқ келмаслиги ва моддий ҳуқуқ нормалари ёки процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёки нотўғри қўлланилганлиги натижасида чиқарилган ҳал қилув қарорлари асослантирилмаган ҳисобланади ва айни пайтда кассация инстанцияси суди томонидан кассация тартибида келтирилган шикоят ёки протест бўйича уларни бекор қилиш ёки ўзгартириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Биринчи инстанция суди томонидан ишни кўриб ҳал қилиш жараёнида суд томонидан процессуал ҳуқуқ нормаларини бузиш ва нотўғри қўллаш ҳам маълум ҳуқуқий оқибатларга олиб келади. Буларни ҳуқуқий оқибатларга олиб келиш асосларига қараб икки турга бўлиш мумкин: 1) муҳим асослар; 2) муҳим бўлмаган асослар. Агар процессуал нормаларни бузишлик ёки нотўғри қўллашлик, суднинг иш юзасидан чиқарган ва қонуний кучга кирган, апелляция тартибида кўрилмаган ҳал қилув қарорини бекор қилишлик учун асос бўлиб хизмат қилса, у муҳим ҳисобланади. Ҳал қилув қарорини бекор қилиш учун хизмат қилмайдиган даражада процессуал нормаларни бузиш ёки нотўғри қўллаш муҳим бўлмаган асослар ҳисобланади.

Агар суд ҳал қилув қарорини бекор қилиш учун асос бўладиган даражада процессуал-ҳуқуқий нормаларни бузган ёки нотўғри қўлланган бўлса, процессуал норма қўпол равишда бузилган ҳисобланади ва бу, ўз навбатида, албатта ҳал қилув қарорини бекор қилишга олиб келади. Унчалик муҳим аҳамиятга эга бўлмаган процессуал нормаларни бузиш ёки нотўғри қўллаш суд ҳал қилув қарорини бекор қилиш учун асос бўлмайди. Масалан, суд мажлисининг музокара қисмида сўзга чиқиш тартибини бузганлик, ишни судда кўриш учун тайёрлаш муддатини бузиш, даъвони таъминлаш тартибига риоя қилмаганлик каби ҳолатлар тарафларнинг ҳуқуқ ва бурчлари бўйича судьянинг якуний хулосаларига таъсир қилмаса, булар унчалик муҳим процессуал нормаларни бузишлик ҳисобланмайди ва ўз навбатида суд ҳал қилув қарорни бекор қилиш учун асос бўлмайди.

Бундай хатоликларга йўл қўйган судьяларга нисбатан кассация инстанцияси суди хусусий ажрим чиқариб, келгусида бундай хатога йўл қўйган судьяга нисбатан интизомий жазо қўллаши ҳам мумкин.

Ҳал қилув қарорини бекор қилиш учун асослар бор ёки йўқлигини кассация инстанцияси суди кассация тартибида келтирилган шикоятни ёки протестни кўриб ҳал қилиш жараёнида аниқлайди. Суд ҳал қилув қарорининг қонуний, асослантилган ва адолатлилиги тўғрисидаги суднинг хулосаси тўғри бўлиши керак. Бунинг учун кассация инстанцияси суди биринчи инстанция судининг иш юзасидан моддий ҳамда процессуал нормаларни тўғри татбиқ этганми, ишда бор бўлган ва ишда иштирок этувчи шахслар томонидан қўшимча равишда тақдим этилган далилларга баҳо берганми ёки йўқлигини аниқлаш керак. Чунки кассация инстанцияси судининг асосий мақсади ишни тўғри ҳал қилиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни ўрнатиш эмас, балки биринчи инстанция суди томонидан мазмунан кўриб ҳал қилинган, қонуний кучга кирган, апелляция тартибида кўрилмаган ҳал қилув қарорининг қонунийлиги, асослантилганлиги ҳамда адолатлилигини текшириш ва шу йўл билан фуқаролик суд ишларини юритишнинг олдига қўйилган вазифаларни бажариш, қонунчилиқни мустаҳкамлаш, ҳуқуқни бузилиш ҳолларининг олдини олиш учун хизмат қилади.

Суд ҳал қилув қарорларини кассация тартибида бекор қилиш учун асос бўладиган процессуал ҳуқуқ нормаларини бузиш ёки нотўғри қўллаш ФПК 314-моддасида кўрсатилган. Ушбу норманинг мазмунига кўра, процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёки нотўғри қўлланганлиги ишнинг нотўғри ҳал этилишига сабаб бўлган

ёки сабаб бўлиши мумкин бўлган тақдирдагина ҳал қилув қарори, ажрими ёки қарорнинг бекор қилинишига асос бўлади. Булар қуйидагилардан иборат:

- 1) иш суд томонидан ғайриқонуний тартибда кўрилган бўлса;
- 2) иш суд муҳокамасида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган, аммо суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабар берилмаган шахслардан бирортасининг йўқлигида кўрилган бўлса;
- 3) иш кўрилаётганида иш юритиладиган тилга доир қоидалар бузилган бўлса;
- 4) суд ишда қатнашишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига доир масалани ҳал қилган бўлса;
- 5) ҳал қилув қарори, ажрим, қарор чиқаришда суд маслаҳатининг сир сақланишига доир қоидалар бузилган бўлса;
- 6) ҳал қилув қарори, ажрим, қарор судьялардан бирортаси (судья) томонидан имзоланмаган ёки ҳал қилув қарори, ажрим, қарор уларда кўрсатилмаган судьялар (судья) томонидан имзоланган бўлса;
- 7) ҳал қилув қарори, ажрим, қарор ишни кўрмаган судьялар томонидан чиқарилган бўлса;
- 8) ишда суд мажлиси баённомаси мавжуд бўлмаса ёки у имзоланмаган бўлса, ҳал қилув қарори, ажрим, қарор мажбурий тартибда бекор қилиниши шарт<sup>1</sup>.

Юқорида кўрсатиб ўтилган асослар, процессуал ҳуқуқ нормаларини бузиш ёки нотўғри қўлланганлигини муҳим шартлари ҳисобланади. Бошқа ҳолатлар ҳал қилув қарори, ажрим ва қарорни кассация тартибида бекор қилиш учун асос бўлиб хизмат қилмайди.

## **6. Иш бўйича ажрим чиқариш ва уни ўқиб эшиттириш**

Ишда иштирок этувчи шахслар томонидан мазмунан кўриб ҳал қилинган фуқаролик иши юзасидан қабул қилинган ва қонуний кучга кирган апелляция тартибида кўрилмаган биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори устидан кассация тартибида берилган шикоят ёки прокурор томонидан келтирилган протест бўйича кассация инстанция судининг ишни якуни бўйича ажрим чиқариб уни эълон қилиш кассация инстанцияси суди мажлисининг учинчи қисмини ташкил қилади. Суд аъзолари кассация инстанцияси судининг мажли-

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал кодекси (2015 йил 1 ноябрғача ўзгартиш ва қўшимчалар билан). – Т., 2015. – Б.147-148.



сида кўрилган ишни маслаҳатхонада муҳокама қилиб, ҳал қилув қарорининг қонуний, асослантилган ва адолатли эканлигини овоз бериш йўли билан ҳал қиладилар. Кассация инстанцияси суди томонидан ишда иштирок этувчи шахслар томонидан берилган шикоят ёки прокурор томонидан келтирилган протест бўйича кўриб ҳал қилинган иш юзасидан ажрим чиқариш учун зарур бўлган барча масалалар маслаҳатхонада судьяларнинг кўпчилик овози билан ҳал этилади. Ажрим шу мажлисининг ўзидаёқ эълон қилиниши керак.

Кассация инстанцияси судининг иш юзасидан чиқарган ажрими маслаҳатхонада чиқарилади ва у ёзма равишда тузилади. Ажрим чиқариш вақтида бошқа шахсларнинг ҳозир бўлишига йўл қўйилмайди. Ҳар бир масала ҳайъат томонидан ҳал этилаётганида судьяларнинг бирортаси ҳам овоз беришда бетараф қолишга ҳақли эмас. Раислик қилувчи ҳаммадан кейин овоз беради. Озчилик томонидан қолган судья ўзининг алоҳида фикрини ёзма равишда баён қилишга ҳақли, унинг бу фикри ишга қўшиб қўйилади, бироқ эълон қилинмайди. Ишда иштирок этувчи шахслар судьянинг алоҳида фикри билан таништирилмайди.

Агар алоҳида фикр баён қилинган суд қарори юқори инстанция судида кўрилган бўлса, у қонуний кучга киргандан кейин иш билан бирга қўшиб ажримга нисбатан протест келтириш масаласини ҳал қилиш учун тегишли суд раисига юборилиши керак (ФПКнинг 14-моддаси).

Ҳал қилув қарори устидан кассация тартибида берилган шикоят ёки келтирилган протест бўйича ишни кўриб ҳал қилган судьялар маслаҳатхонада қуйидаги масалаларни ҳал қилишлари шарт:

1) иш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар биринчи инстанция суди томонидан текширилганлигини;

2) ҳал қилув қарорида баён этилган суд хулосаларининг иш ҳолатларига мувофиқлигини;

3) суд аниқланган деб ҳисобланган иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар исботланганлигини;

4) моддий ҳамда процессуал ҳуқуқ нормалари бузилганлиги ёки бузилмаганлигини;

5) моддий ҳамда процессуал ҳуқуқ нормалари тўғри қўлланилганлигини;

6) кассация тартибида келтирилган шикоят ёки протестда келтирилган важларнинг асослантилганлигини.

Ушбу масалаларни ҳал қилмасдан туриб кассация инстанцияси суди иш бўйича ўзининг ажримини чиқара олмайди. Кассация инстанция

судининг ажримини ёзма равишда баён қилишга киришиш учун судьялар юқоридаги масалаларни маслаҳатхонада коллегиялик принципага асосан овоз бериш йўли билан ҳал қилган бўлишлари керак.

Иш бўйича кассация инстанцияси судининг ажрими суд мажлисида раислик қилувчи ёки суд аъзоларидан бири томонидан ёзма шаклда баён этилди ва шикоят ёки протест бўйича ишни кўриб ҳал қилишда қатнашган барча судьялар томонидан имзоланади. Ажримни қабул қилишда кўпчилик судьяларнинг фикрига қўшилмаган, озчилик томонда қолган судья ўзининг алоҳида фикрини ёзиб ишга илова қилиб қўйиши мумкин. Алоҳида фикрда қолган судья, ажрим бўйича алоҳида фикрда қолган бўлса ҳам, у ажримни имзолашга мажбур. Чунки процессуал қонунчилигида ҳар бир масала ҳайъат томонидан ҳал қилинаётганида судьяларнинг бирортаси ҳам бетараф қолишга ҳақли эмаслиги, суд мажлисида раислик қилган судья ишни кўриб ҳал қилишда қатнашган бошқа судьяларга ўз таъсирини ўтказмаслиги учун ҳаммадан кейин овоз беришлиги, озчилик томонида қолган судья ўзининг алоҳида фикрини ёзиб ишга илова қилиши мумкинлиги қонуний тарзда кўрсатилган.

Кассация инстанцияси суди шикоят ёки протест бўйича ишни кўриб ҳал қилиб, иш юзасидан коллегиялик принципага асосланган ҳолда чиқарган ажримини барча судьялар имзоланганларидан сўнг, барча судьялар суд мажлиси залига қайтиб кириб, иш бўйича чиқарган суднинг ажримини раислик қилувчи ўқиб эшиттиради, норози тараф назорат тартибида протест келтириш ваколатига эга бўлган мансабдор шахсларга мурожаат қилиш тартибини ва муддатини тушунтиради ҳамда иш юзасидан ўтказилган суд мажлисини ёпиқ деб эълон қилади. Шу билан кассация инстанцияси судида иш юритиш ўз ниҳоясига етади (ФПКнинг 202-моддаси).

Кассация инстанцияси суди кассация тартибида берилган шикоят ёки келтирилган протест асосида кўриб ҳал қилинган ишни қайта кўриб чиқиш натижаси бўйича чиқарган ажрим билан ўзига берилган ваколатларни амалга оширади.

## **7-§. Кассация инстанцияси судининг ваколатлари**

Биринчи инстанция судлари томонидан мазмунан кўриб ҳал қилинган фуқаролик иши юзасидан қабул қилинган, қонуний кучга кирган, апелляция тартибида кўриб ҳал қилинмаган ҳал қилув қарорини ишда иштирок этувчи шахслар томонидан кассация тартибида

берилган шикоят ёки прокурор томонидан келтирилган протестлар бўйича ишни кассация тартибида кўриб ҳал қилиш ваколатига эга бўлган кассация инстанцияси судининг ваколатлари, фуқаролик процессуал қонунчилиги нормалари асосида уларга берилган процессуал ҳуқуқларда ўз ифодасини топади.

Кассация инстанцияси судлари, ишни кассация тартибида кўриб ҳал қилиш босқичида, кенг ҳуқуқлар билан таъминланганлар. Кассация инстанцияси судларига қонуний асосда берилган ҳуқуқлар, яъни ваколатлар, процессуал қонунчилигида кўрсатиб қўйилган бўлса ҳам, иш юзасидан қабул қилинган, қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори устидан 348<sup>1</sup>-моддасида кўрсатилган шахслар томонидан берилган шикоят ёки протестни кўриб ҳал қилиш билан боғлиқ процессуал ҳаракатларни амалга ошириш натижасида, иш юзасидан қабул қилинган кассация инстанцияси судининг ажримида ўз ифодасини топади ва амалга оширилади.

Кассация инстанцияси судининг кассация тартибида иш юритиш босқичида процессуал ҳаракатларни бажаришга оид процессуал ҳуқуқлари, биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирган, апелляция тартибида кўрилмаган ҳал қилув қарорлари устидан кассация тартибида шикоят берилганлиги ёки протест келтирилганлиги муносабати билан ишни кўрадиган кассация инстанцияси судининг ваколатларига бағишланган ФПКнинг 348<sup>15</sup>-моддасида қонуний тарзда кўрсатилган.

Ушбу моддада кўрсатилишича, суд ишни ишда иштирок этувчи шахслар томонидан қонуний кучга кирган, апелляция тартибида кўрилмаган ҳал қилув қарори устидан кассация тартибида берилган шикоят ёки протест бўйича кўриб чиққанидан сўнг иш юзасидан чиқарган ўзининг ажрими билан ўзига берилган қуйидаги ваколатларни амалга оширади:

1) ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдириш, шикоят ёки протестни эса қаноатлантirmаслик;

2) ҳал қилув қарорини ўзгартириш ёхуд бутунлай ёки қисман бекор қилиш ва янги ҳал қилув қарорини чиқариш;

3) иш суд муҳокамасида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган, аммо суд мажлисининг вақти ва жой тўғрисида хабар берилмаган шахслардан бирортасининг йўқлигида кўрилган бўлса, ҳал қилув қарорини бутунлай ёки қисман бекор қилиш ҳамда ишни янгидан кўриб чиқиш учун биринчи инстанция судига юбориш;

4) ҳал қилув қарорини бутунлай ёки қисман бекор қилиш ҳамда ушбу Кодекснинг 97 ва 100-моддаларида кўрсатилган асослар мав-

жуд бўлса, аризани кўрмасдан қолдириш ёхуд иш юритишни тугатиш билан боғлиқ бўлган ҳаракатларни амалга оширади.

Агар биринчи инстанция судининг иш юзасидан чиқарган, қонуний кучга кирган, апелляция тартибида кўрилмаган ҳал қилув қарори қонуний асослангандир ва адолатли, эканлиги тўғрисида кассация тартибида берилган шикоятда келтирилган ҳолатлар ҳал қилув қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун унчалик аҳамиятга эга эмас деган хулосага келса, ўзининг ажрими билан ҳал қилув қарорини ўзгартиришсиз қолдириб, шикоят ёки протестни қаноатлантирмайди. Шундай бўлса-да, судлов ҳайъати биринчи инстанция суди томонидан йўл қўйилган камчиликларни ўзининг ажримида ёки махсус чиқарган хусусий ажримида кўрсатиб ўтиши керак<sup>1</sup>.

Кассация инстанцияси суди ишни қайта кўриш учун биринчи инстанция судига юбормасдан ҳал қилув қарорини ўзгартириш ёхуд бутунлай ёки қисман бекор қилиб иш юзасидан янги ҳал қилув қарорини чиқариши мумкин, агарда иш тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар биринчи инстанция суди томонидан тўла ва тўғри аниқлаганлиги, далилларни тўплаш ёки уларни қўшимча текшириш талаб қилинмаса, моддий ҳуқуқ нормасини қўллашда хатоликка йўл қўйган бўлса, кассация инстанция суди бу хатоларни тузатиш мақсадида янги ҳал қилув қарорини чиқариб, биринчи инстанция судининг чиқарган ҳал қилув қарорини ўзгартиради. Кассация инстанцияси судида ишини тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни исбот қилиш учун хизмат қиладиган далилларни тўпламайди ва қўшимча равишда уларни текширмайди. Чунки иш учун аҳамиятли ҳолатлар биринчи инстанция суди томонидан тўлиқ ва тўғри аниқланган бўлади. Шундай бўлса-да, ишни мазмунан кўриб ҳал қилган биринчи инстанция судининг иш бўйича моддий ҳуқуқ нормасини бузиш ёки нотўғри қўллаганлиги, кассация инстанцияси суди томонидан ҳал қилув қарорини ўзгартириш, бутунлай ёки қисман бекор қилиш ва янги ҳал қилув қарорини чиқариш учун асос бўлади.

Ҳал қилув қарорини ўзгартириш деганда, низо бўйича биринчи инстанция суди хулосаларни кассация инстанция суди томонидан тузатилганлигини тушуниш керак. Масалан, даъво предметини ўзгартириш (мулкни натура шаклида ундириш имконияти бўлмаса, унинг қийматини ундириш, ундирилган нарсанинг миқдорини камайтириш ёки кўпайтириш ва бошқалар).

---

<sup>1</sup> *Шорахметов Ш.Ш.* Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процесуал ҳуқуқи: Дарслик. – Т., 2001. – Б. 374-375.

Кассация инстанцияси суди томонидан кассация тартибида кўрилган иш юзасидан чиқарган ажрим ўзининг мазмуни билан ҳам ҳал қилув қарорларидан фарқ қилади. Айрим ҳолларда биринчи инстанция судининг иш юзасидан қабул қилган ҳал қилув қарорига қарама-қарши бўлади. Масалан, биринчи инстанция суди томонидан даъвогарнинг даъво талаби қондирилган бўлса, кассация инстанцияси суди уни рад этиш тўғрисида ажрим ёки ҳал қилув қарори чиқариши мумкин.

Агар биринчи инстанция судининг иш юзасидан қабул қилинган, қонуний кучга кирган, апелляция тартибида кўрилмаган кассация инстанцияси суди ҳал қилув қарорини бутунлай ёки қисман бекор қилиб ишни янгидан кўриб чиқиш учун биринчи инстанция судига юборса, ҳал қилув қарорида йўл қўйилган камчиликларни ишни янгидан мазмунан кўриб ҳал қилмасдан туриб тузатиш мумкин бўлмаса, бундай камчиликлар ҳал қилув қарорининг ғайриқонунийлиги, асослантилмаганлиги ва адолатсизлигидан далолат беради.

Агар суд ишни кўриб ҳал қилишда ҳал қилув қарорини албатта бекор қилиш учун асос бўлиб хизмат қиладиган процессуал нормаларни бузган бўлса ёки биринчи инстанция судининг ҳал қилув қароридаги камчиликларни ишни кассация тартибида кўриб ҳал қилишда тузатиш мумкин бўлмаса, кассация инстанцияси суди ҳал қилув қарорини бутунлай ёки қисман бекор қилиб, ишни биринчи бор кўрган суднинг ўзига ёки бошқа судга юбориши керак. Масалан, биринчи инстанция суди ишни кўриб ҳал қилишда иш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган барча ҳолатларни аниқламаган ёки ҳал қилув қарорида ушбу ҳолатларни тасдиқлайдиган далилларни кўрсатмаган бўлса, кассация инстанция суди бундай ҳал қилув қарорини албатта бекор қилиши керак. ФПКнинг 314-моддасида кўрсатилган процессуал ҳуқуқ нормаларини бузиш ёки нотўғри қўллаб чиқарилган биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ҳам албатта бекор қилиниши керак.

Кассация инстанцияси суди биринчи инстанция судига ишни янгидан кўриш учун юборганида кассация инстанцияси суди ўзининг ажримда иш бўйича янги ҳал қилув қарорини чиқариш имконияти йўқлиги тўғрисидаги важларни келтириб, улар бўйича ўзининг ҳал қилув қарорини чиқариш ёки биринчи инстанция суди ҳал қилув қарорини ўзгартириш мумкин эмаслигини кўрсатиши керак.

Қонуний кучга кирган, апелляция тартибида кўрилмаган ҳал қилув қарорининг қонунийлиги, асослантилганлиги ва адолатлигини, ФПКнинг 348<sup>1</sup>-моддасида кўрсатилган шахслар томонидан кассация тартибида келтирилган шикоят ёки протестлар бўйича ишни кўриб

ҳал қилиш йўли билан текширишни, кассация инстанцияси суди процессуал қонунчилиги бўйича ўзига берилган ваколатларини қонунга қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширади.

Кассация инстанцияси судининг ишни кўриш доирасига бағишланган ФПКнинг 348<sup>13</sup>-моддасида кўрсатилишича, ишни кассация тартибида кўраётганида суд қонуний кучга кирган, апелляция тартибида кўрилмаган ҳал қилув қарорининг қонуний, асосли ва адолатли эканлигини кассация шикоятчи ёки протестининг важлари ҳамда улар юзасидан билдирилган эътирозлар доирасида текширади. Шу билан бирга, янги далилларни ўрганиб чиқиши ва янги фактларни аниқлаши ҳам мумкин.

Кассация инстанцияси суди қонунийлик нуқтаи назаридан, қонуний кучга кирган, апелляция тартибида кўрилмаган ҳал қилув қарорини тўла ҳажмда текшириш ҳуқуқига эга. Кассация инстанцияси суди ҳал қилув қарорини бекор қилиб ишни янгидан кўриш учун юбораётганда ишни мазмунан кўриб ҳал қилиш учун қайси судга юбориш масаласини ҳам ҳал қилиши керак.

Кассация инстанцияси суди суднинг қонуний кучга кирган, апелляция тартибида кўрсатилмаган ҳал қилув қарорини бутунлай ёки қисман бекор қилиш мумкин, агарда ишни мазмунан кўриб ҳал қилган биринчи инстанция суди ФПКнинг 152-моддасида кўрсатилган судга даъво тақдим этиш шартларини бузган бўлса. Бундан ташқари иш, кассация тартибида кўриб ҳал қилиш жараёнида даъвогар ўз даъвосидан воз кечса ёки тарафлар келишув битими тузган бўлсалар, шунингдек, ФПКнинг 100-моддасида кўрсатилган асослар мавжуд бўлган тақдирда кассация инстанцияси суди ажрим чиқариб иш юритишни тугатади.

Иш юритишни тугатиш учун қуйидагилар асос бўлади:

- 1) иш судга тааллуқли бўлмаса;
- 2) айти бир тарафлар ўртасидаги, айти бир предмет тўғрисидаги ва айти бир асослар бўйича чиққан низо юзасидан суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори ёки даъвогарнинг арз қилган талабаларидан воз кечишини қабул қилиш тўғрисидаги ёхуд тарафларнинг келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги ажрим мавжуд бўлса;
- 3) даъвогар арз қилган талабаларидан воз кечган ва суд бу воз кечишни қабул қилган бўлса;
- 4) тарафлар келишув битими тузган бўлсалар ва у суд томонидан тасдиқланган бўлса;
- 5) ишни судда кўришга тайёрлаш вақтида жавобгар даъвогарнинг талабаларини тан олган бўлса ва бу тан олиш судья томонидан қабул

қилинган бўлса; б) тарафлар ўртасида ушбу низони ҳал қилиш учун ҳакамлик судига топшириш ҳақида ҳакамлик битими тузилган бўлса. Ушбу асослардан бири мавжуд бўлмаса, кассация инстанцияси суди иш юритишни тугатиш тўғрисида ажрим чиқара олмайди.

Агарда ФПКнинг 97-моддасида кўрсатилган асослар мавжуд бўлса, кассация инстанцияси суди ишни тугатмайди, аризани кўрмасдан қолдиради. Масалан, ариза муомалага лаёқатсиз шахс томонидан берилган бўлса, манфаатдор шахс номидан аризани иш юритишга ваколати бўлмаган шахс берган бўлса, суд айна бир тарафлар ўртасидаги, айна бир предмет тўғрисидаги ва айна бир асослар бўйича чиққан низо юзасидан иш юритаётган бўлса, ишни ўзларининг иштирокисиз кўришни илтимос қилмаган тарафлар иккинчи чақирув бўйича ҳам узрли сабабларсиз судга келмасалар, суд эса ишга оид мавжуд материаллар асосида ишни ҳал қилиш мумкин эмас деб ҳисобласа, шунингдек ишни ўзининг иштирокисиз кўришни илтимос қилмаган даъвогар иккинчи чақирув бўйича ҳам судга келмаса, жавобгар эса, ишни мазмунан кўриб ҳал қилишни талаб қилмаса, иш кўрмасдан қолдиради. Бу асослардан бири мавжуд бўлмаса, кассация инстанцияси суди аризани кўрмасдан қолдириш тўғрисида ажрим чиқара олмайди.

## **8-§. Кассация инстанцияси судининг ажрими ва унинг аҳамияти**

Кассация инстанцияси судининг ажрими ўзининг мазмунмоҳияти билан биринчи инстанция суди, апелляция инстанцияси суди ҳамда назорат инстанцияси суди томонидан фуқаролик иши юзасидан чиқарилган ажримдан фарқ қилади. Кассация инстанцияси судининг ажримида, қонуний кучга кирган, апелляция тартибида кўрилмаган ҳал қилув қарорининг қонунийлиги, асослантирилганлиги ва адолатли эканлигини ФПКнинг 348<sup>1</sup>-моддасида кўрсатилган шахслар томонидан кассация тартибида берилган шикоят ёки протест бўйича ишни қайта кўриш йўли билан текшириш бўйича кассация инстанцияси судининг фаолияти ўз ифодасини топади.

Кассация инстанцияси судининг ажрими ҳам биринчи инстанция судининг мазмунан кўриб ҳал қилинган фуқаролик иши юзасидан чиқарилган ҳал қилув қароридек тўрт қисмдан иборат:

- 1) кириш;
- 2) баёнот;
- 3) асослантириш;

#### 4) хулоса.

Ажримнинг ҳар бир қисмида унинг мазмунини ташкил қилувчи масалалар ўз ифодасини топиши керак. Ажримнинг кириш қисмида қуйидагилар кўрсатилиши керак: ажримни чиқарган вақт ва жой, ажримни чиқарган суднинг номи, судьяларнинг фамилиялари, суд таркиби, иш бўйича судьяларнинг қайси бири маъруза қилган бўлса ўша судья, унинг фамилияси, кассация инстанцияси судида ишни кўриб ҳал қилишда иштирок этган бошқа шахслар. Ҳал қилув қарори устидан кассация шикоятни ёки протести ким томонидан келтирилганлиги кўрсатилади.

Кассация ажримининг баёнот қисмида ҳал қилув қарорининг мазмуни қисқача тарзда баён этилади. Шундан сўнг кассация тартибида шикоят ёки протест келтирган шахснинг талаби кассация инстанцияси судига тақдим этилган қўшимча материаллар, ишда иштирок этувчи шахсларнинг баёнотлари ҳамда прокурорнинг фикрининг мазмуни қисқача тарзда баён этилиши керак.

Кассация ажримининг асослантириш қисмида ишни фактик ҳолатларни ўрнатиш, далилларга тўғри баҳо берилганлиги, ҳуқуқ нормасини қўллаш, шунингдек кассация шикоятни ёки протестидан келтирилган важлар ва улар юзасидан билдирилган эътирозларни текшириш бўйича биринчи инстанция судининг фаолияти бўйича натижалар ўз ифодасини топади (яъни, биринчи инстанция суди фаолиятини юқоридаги масалалар бўйича анализи).

Кассация ажримининг асослантириш қисмида иш бўйича йўл қўйилган хатоликлар юзасидан уларни тузатиш биринчи инстанция суди учун кўрсатмалар берилади. Кассация инстанцияси судининг берган кўрсатмалари ажримнинг қонуний кучига асосланади. Кассация инстанцияси суди қуйидаги ҳолда ўзининг ажрими бўйича кўрсатмалар беради. Кассация инстанцияси суди ишни кўриб ҳал қилиш жараёнида аниқланган, биринчи инстанция суди томонидан йўл қўйилган хатоларни ўзи бартараф қила олмаса, бу камчиликларни бартараф қилиш учун кўрсатмалар беради. Масалан, фақат биринчи инстанция суди томонидан тузатиши мумкин бўлган низонинг ҳақиқий ҳолатларини аниқлаш ҳуқуқ нормаларининг бузилганлигини кассация инстанцияси суди аниқласа, бу хатоликларни тузатиш бўйича ўзининг ажримида биринчи инстанция судига кўрсатмалар беради ва уларни қандай қилиб тузатиш тартибини кўрсатиши керак<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Гражданское процессуальное право / Под ред. С.Ф.Афанасьева, А.И.Зайцева. – М., 2013. – С.552.



Бу борада шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, кассация инстанцияси суди ишни кўриб ҳал қилишда йўл қўйилган хатоларни тузатиш бўйича берган кўрсатмалари, судьяларнинг мустақиллиги ва уларни фақат қонунга бўйсунуш принципини бузмаслиги ва олдиндан ишни қандай қилиб ҳал қилиш тўғрисида яқуний хулоса бериши мумкин эмас. Чунки ҳар бир суд бўғини ишни кўриб ҳал қилишда мустақил бўлиб, фақат қонунга бўйсунган ҳолда ўз фаолиятини амалга оширади.

Ишни кассация тартибда кўраётган суд биринчи инстанция суди томонидан ишни мазмунан кўриб ҳал қилиш жараёнида йўл қўйилган камчиликлар ва уларни қандай тартибда тугатиш мумкинлиги тўғрисида кўрсатмалар берса ҳам, ҳал қилув қарорларини тан олинмаган ёки уларда инкор этилган ҳолатларни исботланган деб ҳисоблаш, у ёки бу далилни ҳақиқий ёки ҳақиқий эмаслиги, бир далилни бошқа далилга нисбатан устун мавқега эга эканлиги, иш бўйича моддий ҳуқуқнинг қайси нормасини қўллаш кераклиги, ишни янгидан кўришда иш бўйича қандай ҳал қилув қарорини чиқариш бўйича кўрсатмалар бера олмайди.

Кассация инстанцияси суди биринчи инстанция судларига қуйидаги кўрсатмаларни бериш ҳуқуқига эга:

а) аниқ фуқаролик иши юзасидан иш ҳолатлари бўйича объектив ҳақиқатни қонуний равишда қандай воситалар билан ўрнатиш. Масалан, қандай далиллар ёрдамида ишга оид қайси ҳолатларни аниқлаш, далилларни қаердан талаб қилиб олиш мумкинлиги тўғрисида;

б) ишни янгидан кўришда биринчи инстанция суди амал қилиши керак бўлган процессуал нормалар бўйича;

в) зарур процессуал тадбирлар тўғрисида. Масалан, бир неча талабларни бир ишга бирлаштириш ёки бирлаштирилган талабларни алоҳида кўриб ҳал қилиш учун ажратиш, иш бўйича прокурорни жалб қилиш, давлат бошқаруви органларининг вакилларини жалб қилиш;

г) ишни кўриб ҳал қилиш жараёнида моддий ҳуқуқ нормаларига шарҳ бериш. Масалан, иш юзасида татбиқ қилинган нормани нотўғрелигини тушунтириш ва уни тўғри татбиқ этиш шартларини кўрсатиш;

д) иш юзасидан айрим масалаларни муҳокама қилиш. Масалан, мулкни бўлиш тўғрисидаги ишни кўриб ҳал қилишда маълум мулкни даъвогарга олиб бериш ва бошқалар.

Кассация инстанция суди ўзига берилган ҳуқуқлар доирасида биринчи инстанция судларига ўзининг ажрими билан тегишли кўрсатмалар бериш ваколатига эга бўлса ҳам, иш янгидан кўриш учун юборилган тақдирда, мазмунан кўриб ҳал қилиниши лозим бўлган фуқаролик ишини тўғри ҳал қилиш учун татбиқ этиши лозим бўлган моддий

ҳуқуқ нормасини кўрсатиши мумкин эмас. Бу судьяларнинг мустақиллиги ва уларни қонунга бўйсунитиши принципига зид ҳисобланади.

Кассация инстанцияси судининг ишнинг маълум фактик ҳолатлари ҳамда ишда иштирок этувчи шахсларнинг маълум ўзаро муносабатлари бўйича берган кўрсатмалари биринчи инстанция судлари учун мажбурий ҳисобланади. Иш ҳолатлари ўзгарганда кассация инстанцияси судининг иш юзасидан берган кўрсатмалари ўз моҳиятини йўқотади. Масалан, кассация инстанцияси судининг ажримдан кейин иш бўйича даъвогар ёки жавобгар тарафнинг вафот этиши, низоли мулкнинг йўқ бўлиб кетганлиги, тарафлар томонидан низоли судсиз тугатиш тўғрисида келишув битимининг тузилганлиги, даъвогарнинг даъво талабидан воз кечиши ёки жавобгар томонидан ўз мажбуриятларини бажаришлиги кассация инстанцияси судининг ажримда кўрсатиб ўтилган кўрсатмаларни бажарилмайдиган қилиб қўяди.

Кассация инстанцияси суди ажримининг резалютив қарор (хулоса) қисмида иш юзасидан кассация тартибида шикоят берилган ёки протест келтирилган ҳал қилув қарори бўйича кассация инстанция судининг ваколатлари баён қилиб берилади.

Кассация инстанцияси суди иш юзасидан янги ҳал қилув қарори чиқарганда биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилинганлигини кўрсатиш билан биргаликда ишни қандай ҳал қилинганлигини ўзининг ажримда кўрсатиши керак. Кассация инстанцияси суди ишни кўриб ҳал қилиш жараёнида айрим масалаларни ҳал қилиш юзасидан хусусий ажрим чиқариши мумкин. Масалан, шикоят берилган шахс кассация шикоятдан воз кечса ёки кассация протести қайтариб олинган ва уни суд тасдиқлаганлиги тўғрисида суд тегишли якуний ажрим чиқариб ўзининг ушбу ажрими билан кассация тартибида иш юритишни тугатади.

Кассация инстанцияси суди иш юзасидан биринчи инстанция суди томонидан чиқарган ҳал қилув қарорини ўзгартириб ёки янгисини чиқариб кассация ажрими билан ҳал қилув қарорининг ёзувидаги хатолар ва очик кўриниб турган арифметик хатоларни тузатиши мумкин (ФПКнинг 213-моддаси).

Биринчи инстанция судининг ажримлари устидан кассация тартибида шикоят бериш ҳуқуқи ишда иштирок этувчи шахсларга берилган Конституциямизнинг ўнинчи бобига тегишли бўлган 43-46-моддалари билан кафолатланган ҳуқуқлардан биридир. Ишда иштирок этувчи шахслар ана шу ҳуқуқдан фойдаланиб биринчи инстанция судининг апелляция тартибида кўрилмаган ажримлари устидан суд-

нинг ҳал қилув қароридан алоҳида ҳолда кассация инстанцияси судига суд ажрими чиқарилган кундан эътиборан бир йил ичида тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар томонидан шикоят беришлари, прокурор протест келтириши мумкин. Берилган ҳуқуқий шикоятлар ва хусусий протестлар кассация инстанция судида кўриб чиқилади. Кассация инстанцияси суди хусусий шикоят ёки хусусий протестни кўриб, ўзига берилган ваколатлар доирасида ажримни ўзгартиришсиз қолдиришга, шикоят ёки протестни эса қаноатлантормасликка, ажримни бекор қилишга ва ишни моҳиятан кўриш учун биринчи инстанция судига юборишга, ажримни бутунлай ёки қисман ўзгартиришга ёхуд бекор қилишга ҳамда масалани моҳиятан ҳал қилишга ҳақли. Булар ўз навбатида кассация инстанцияси судларининг ваколатларини ташкил қилади.

Кассация инстанцияси судининг қарорлари ичида хусусий ажрим муҳим аҳамиятга эга. Биринчи инстанция судлари томонидан хусусий ажрим чиқариш учун асослар мавжуд бўлган тақдирда кассация тартибида иш кўрадиган судлар ҳам хусусий ажрим чиқаришга ҳақли. Бундан ташқари, кассация инстанцияси суди қуйи судларга нисбатан ҳал қилув қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлмайдиган даражада ҳуқуқий нормаларни бузганликларини аниқласа, ўз ишига совуққонлик билан қараганлиги учун қуйи судларга нисбатан хусусий ажрим чиқариши ҳам мумкин. Иш юзасидан чиқарилган хусусий ажримлар қуйи судлар томонидан йўл қўйилган хатоларни ўз вақтида бартараф қилишда ўта муҳим аҳамиятга эга.

### **9-§. Биринчи инстанция судининг ажримлари устидан кассация тартибида шикоят бериш ва протест келтириш**

Биринчи инстанция судининг ажрими устидан ишда иштирок этувчи шахслар томонидан хусусий шикоят берилиши ёки хусусий протест келтириш мумкин. ФПКнинг биринчи инстанция судининг ажримлари устидан кассация тартибида шикоят бериш ва протест келтириш ҳуқуқига бағишланган 348<sup>16</sup>-моддасининг мазмунида кўрсатилишича, биринчи инстанция судининг, апелляция тартибида кўрилмаган ажримлари устидан суднинг ҳал қилув қароридан алоҳида ҳолда кассация инстанцияси судига суд ажрими чиқарилган кундан эътиборан бир йил ичида тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар томонидан шикоят берилиши ҳамда прокурор томонидан протест келтирилиши мумкин.

Хусусий шикоятлар бериш ва хусусий протестлар келтириш ФПКнинг 28-бобида белгилаб кўйилган тартибда амалга оширилади ва кўриб чиқилади<sup>1</sup>. Ушбу бобда кўрсатилишича, қонуний кучга кирган, апелляция тартибида кўрилмаган биринчи инстанция судининг ажрими устидан хусусий шикоят бериш ёки протест келтириш ва кўриб ҳал қилиш ҳам биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори устидан шикоят бериш ёки протест келтириш ва уларни кўриб ҳал қилиш учун ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

Хусусий шикоят бериш ва протест келтиришнинг объекти бўлиб биринчи инстанция судининг иш юзасидан чиқарилган, қонуний кучга кирган, апелляция тартибида кўрилмаган ажримлари ҳисобланади. Шундай ажримлар борки, улар ҳал қилув қарори устидан берилган шикоят ва протестларга боғлиқ бўлмаган ҳолда, мустақил тарзда ишда иштирок этувчи шахслар томонидан хусусий шикоят бериш ёки хусусий протест келтиришнинг объекти ҳисобланади. Масалан, биринчи инстанция суди томонидан фуқаролик ишини мазмунан кўриб ҳал қилиш жараёнида қабул қилган ажримлари.

Биринчи инстанция судининг ажрими устидан хусусий шикоят бериш ёки протест келтириш борасида шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, ишда иштирок этувчи шахслар ҳамда прокурор суд томонидан ишни мазмунан кўриб ҳал қилиш жараёнида қабул қилган ажримлар устидан хусусий шикоят беришлари ёки протест келтирилиши мумкин (масалан, биринчи инстанция судининг ажрими устидан хусусий шикоят бериш ёки протест келтириш, процессуал қонунчилигида кўрсатилган бўлса ёки ишни мазмунан кўриб ҳал қилиш борасида суд жараёнини боришига тўсқинлик қиладиган ҳолатлар бўйича чиқарилган бўлса). Бошқа ажримлар бўйича, хусусий шикоят ёки хусусий протест берилмайди.

Фуқаролик ишини мазмунан кўриб ҳал қилишга тўсқинлик қиладиган ажримларга мисол қилиб, ФПКнинг 92-моддасидаги суд ишларини юритишни тўхтатиш, 97-моддаси бўйича аризани кўрмасдан қолдириш ва 100-моддаси бўйича иш юритиш тугатиш тўғрисидаги ажримларни кўрсатишимиз мумкин. Булардан ташқари, ФПКнинг 64, 121, 125, 130, 156-моддаларида кўрсатиб ўтилган ҳолатлар бўйича биринчи инстанция судининг чиқарган ажримлари ҳам хусусий шикоят бериш ёки протест келтиришнинг объекти ҳисобланади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал кодекси. – Т., 2015. – Б.160.

Бу ажримлар устидан ҳам ишда иштирок этувчи шахслар кассация тартибида кўриб ҳал қилиш учун хусусий шикоят беришлари, прокурор эса хусусий протест келтириши мумкин. ФПКнинг 42, 43, 84, 140, 153, 154, 161, 176 ва 180-моддаларида кўрсатилган ҳолатлар бўйича чиқарилган ажримлар, жумладан, ишга дахлдор бўлмаган тарафни алмаштириш, процессуал ҳуқуқий ворислик, экспертиза тайинлаш, жавобгарни қидириш, иш кўзғатиш, аризани қабул қилиб олишни рад этиш, аризани ҳаракатсиз қолдириш, ишни судда кўришга тайинлаш, гувоҳ, эксперт, мутахассиснинг суд мажлисига келмаганлиги, даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечиши, жавобгарнинг даъвогар талабларини тан олиши ва тарафларнинг келишув битими устидан хусусий шикоят берилмайди ёки протест келтирилмайди. Чунки бу ажримлар ўз моҳияти бўйича ишни суд томонидан мазмунан кўриб ҳал қилинишига тўсқинлик қилмайди.

Хусусий тартибда шикоят қилиниши мумкин бўлмаган ажримларга нисбатан эътирозлар бўлса, ишда иштирок этувчи шахслар ўзларининг эътирозларини ҳал қилув қарори устидан кассация тартибида берган шикоятларига, прокурор эса кассация тартибида келтирилган протестига киритиши мумкин. Биринчи инстанция судининг ажримларининг қонунийлиги, асослантилганлиги ва адолатлилигини текшириш масаласини кассация инстанцияси суди бир вақтнинг ўзида ҳал қилув қарори тўғрилигини текшириш вақтида кўриб ҳал қилади.

Биринчи инстанция судининг ажримлари устидан ишда иштирок этувчи шахслар томонидан хусусий шикоят бериш ёки прокурор томонидан хусусий протест келтириш билан боғлиқ процессуал ҳаракатлар процессуал қонунчилигида кўрсатиб ўтилган муддатларда амалга оширилиши керак. Хусусий шикоят берилиши ёки хусусий протест келтирилиши мумкин бўлган биринчи инстанция судининг ажримлари устидан ишда иштирок этувчи шахслар суднинг иш юзасидан чиқарган ҳал қилув қароридан алоҳида тарзда кассация инстанцияси судига суд ажрими чиқарилган кундан эътиборан бир йил ичида хусусий шикоят беришлари, прокурор хусусий протест келтириши мумкин. Бу муддатни узрсиз сабабларга кўра ўтказиб юбориш ишда иштирок этувчи шахсларни ҳамда прокурорни ажрим устидан хусусий шикоят бериш ёки хусусий протест келтириш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди. Ўтказиб юборилган муддатни тиклаб бериш тўғрисида ФПКнинг 130-моддасига асосланиб судга ариза билан мурожаат қилиш мумкин. Бундай ҳолда ушбу масалани суд ишда иштирок этувчи шахсларни хабардор қилган ҳолда суд мажли-

сида кўриб чиқади. Бу шахсларнинг суд мажлисига келмаслиги масаланинг ҳал қилинишига тўсқинлик қилмайди. Суд ўтказиб юборилган муддатни сабабларини узрли деб топса уни тиклаб беради, узрсиз деб топса рад этади.

Биринчи инстанция судининг ажримлари устидан ўз вақтида берилган хусусий шикоят ва протестдан давлат божи ундирилмайди.

Кассация инстанцияси суди биринчи инстанция судининг ажрими устидан хусусий шикоят берилганлиги (протест келтирилганлиги) муносабати билан унинг қонунийлиги, асослантилганлиги ва адолатли эканлигини текшириб, ўзига берилган ваколатлар доирасида таъкидлаб ўтилганидек, қуйидагиларни амалга оширади:

1) биринчи инстанция судининг иш юзасидан қабул қилган ажримни ўзгаришсиз қолдиришга, шикоят ёки протестни қаноатлантirmасликка;

2) ажримни бекор қилишга, ишни моҳиятан кўриш учун биринчи инстанция судига юборишга;

3) ажримни бутунлай ёки қисман ўзгартиришга ёхуд уни бекор қилишга ҳамда масалани моҳиятан ҳал қилишга ҳақли (ФПКнинг 348<sup>17</sup>-моддаси).

Кассация инстанцияси судининг биринчи инстанция суди томонидан чиқарилган ажримларининг қонунийлиги, асослантилганлиги ва адолатлилигини текшириш юзасидан чиқарган ажрими дарҳол қонуний кучга киради.

Кассация инстанцияси судининг иш бўйича чиқарилган ажримдан норози бўлган тараф ажрим чиқарилган кундан бошлаб уч йил ичида, ФПКнинг 350-моддасига асосан, тегишли суднинг раисига, назорат тартибида протест келтириш ваколатига эга бўлган прокурорга ариза билан мурожаат қилиши мумкин. Аризага суд чиқарган ҳал қилув қарорининг нусхаси, кассация инстанцияси суди ажримининг нусхаси илова қилиниши керак. Уч йил ўтгандан кейин берилган аризалар кўрилмайди. Ариза бўйича тегишли суднинг раиси ёки назорат тартибида протест келтириш ваколатига эга бўлган прокурор назорат тартибида протест келтирилган бўлса, ушбу протест бўйича назорат инстанцияси суди кўриб ҳал қилинган иш юзасидан кассация инстанцияси судининг ажрими қонунийлиги, асослантилганлиги ва адолатли эканлигини текшириш йўли билан ариза берган шахснинг бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилади.

## АДАБИЁТЛАР

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., 2015.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси (2015 йил 1 ноябрғача ўзгартиш ва қўшимчалар билан). – Т., 2015.

Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодекси (2015 йил 1 ноябрғача ўзгартиш ва қўшимчалар билан). – Т., 2015.

Президентимиз Ислон Каримовнинг 2013 йил 28 июндаги “Юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1990-сонли қарори.

2014 йил 22 апрелдаги ЎРҚ 368-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тасдиқланган судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисида Низом (янги таҳрири) / Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси. – 2014. – № 2. – Б. 3-14.

*Каримов И.А.* Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т., 1998.

*Каримов И.А.* Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – олий қадрият. – Т., 2005.

*Каримов И.А.* Ўзбекистон демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси.– Т., 2010.

*Каримов И.А.* Амалга оширилаётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини қуриш – ёруғ келажакимизнинг асосий омилдир. – Халқ сўзи. – 2013.

*Борисова Е.А.* Апелляция в гражданском (арбитражном) процессе. – М., 2000.

*Борисова Е.А.* Проверка судебных актов по гражданским делам. – М., 2006.

*Борисова Е.М.* Апелляция в гражданском (арбитражном) процессе. – М., 2000.

Гражданский процесс: Учебник / Под ред. проф. В.В. Блажеев, проф. Е.Е.Уксусова. – М., – 2015.

*Мамасидиқов М.М.* Меҳнатга оид етказилган моддий ва маънавий зарарни судда ундиришнинг назарий ва амалий муаммолари: Монография. – Т., 2008.

*Мамасидиқов М.М.* Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик. – Т., 2010.

*Хабибуллаев Д.Ю.* Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг тамойиллари ва уларни суд амалиётида татбиқ этиш муаммолари: Юрид.фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган автореферат. – Т., 1994.

*Шерстюк В.М.* Обжалование и проверка судебных решений и определений не вступивших в законную силу, в кассационном порядке: Учебник. Гражданский процесс / Под ред. М.К.Треушникова. – М., 2008.

*Шерстюк В.М.* Обжалование и проверка судебных решений и определений не вступивших в законную силу в кассационном порядке: Учебник. Гражданский процесс / Под ред. М.К.Треушникова. – Москва: Городец, 2008. – с. 525-551.

*Шерстюк В.М.* Производство в суде кассационной инстанции: Учебник / Гражданский процессуальное право / Под ред. М.С.Шакарян. – М., 2004.

*Шорахметов Ш.Ш.* Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи: Дарслик. – Т., 2001.

*Эгамбердиев Э.* Алоҳида тартибда суд ишларини юритиш / Фалсафа ва ҳуқуқ. – 2008.

*Эгамбердиев Э.* Даъво асосида суд ишларини юритиш / Фалсафа ва ҳуқуқ. – 2007.

*Эгамбердиев Э.* Даъво ва унинг элементлари: Ўқув қўлланма. – Т., 2000.

*Эгамбердиев Э.* Қонуний кучга кирган суднинг қарорларини қайта кўриш / Ҳаёт ва қонун. – 1999. – № 1. – Б. 42-44.

*Эгамбердиев Э.* Суд ишларини юритиш муаммолари: Ўқув қўлланма. – Т., 2008.

*Эгамбердиев Э.* Суд қарорларини назорат тартибида қайта кўриш / Ҳаёт ва қонун. – 2002. – №4. – Б.42-44.

*Эгамбердиев Э.* Судга мурожаат қилиш ҳуқуқи / Ҳаёт ва қонун. – 1993. – № 3. – Б. 58-67.

*Эгамбердиев Э.* Фуқаролик жараёни ҳуқуқида даъво муаммолари. – Т., 1994.

*Эгамбердиев Э.* Фуқаролик ишида процессуал муддатлар / Ҳаёт ва қонун. – 1997. – № 5. – Б. 31-39.

*Эгамбердиев Э.* Фуқаролик процессида прокурорнинг иштироки / Қонун ҳимоясида. – 1997. – № 5. – Б. 32-39.

*Эгамбердиев Э.* Фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатлар: Ўқув қўлланма. – Т., 2000.

*Эгамбердиев Э.* Фуқаролик суд ишларини юритиш турлари ва ўзига хос хусусиятлари. – Т., 2010.

*Эгамбердиев Э.* Фуқаролик суд ишларини юритиш турлари ва ўзига хос хусусиятлари. – Т., 2010.

*Эгамбердиев Э.* Фуқаролик суд ишларини юритиш турлари. – Т., 1996.

*Эгамбердиев Э.* Фуқаролик суд ишларини юритиш турлари. – Т., 1996.

*Эгамбердиев Э.* Ҳуқуқ ҳимояси сифатида даъво. – Т., 2007.

*Эгамбердиев Э.* Ҳуқуқни ҳимоя қилишнинг процессуал воситалари / Ҳаёт ва қонун. – 2002. – № 7. – 35-39-б.

*Эсанова З.Н.* Оталикни белгилаш тўғрисидаги ишларни судда кўришнинг хусусиятлари: Монография. – Т., 2005.

*Эсанова З.Н., Мамасиддиқов М.М., Хабибуллаев Д.Ю.* Фуқаролик суд ишларини юритишнинг долзарб муаммолари: Монография. – Т., 2014.

*Якубов С.А.* Стороны в гражданском процессе. – Т., 2006.



## МУНДАРИЖА

СЎЗ БОШИ ..... 3

### I БОБ. СУД ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРЛАРИ, АЖРИМ ВА ҚАРОРЛАРИНИНГ ҚОНУНИЙЛИГИ ВА АСОСЛАНТИРИЛГАНЛИГИНИ ТЕКШИРИШ

1-§. Суд қарорлари устидан шикоят қилиш, протест келтириш ва уларни қайта кўришнинг умумий қоидалари..... 6

### II БОБ. БИРИНЧИ ИНСТАНЦИЯ СУДИНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРЛАРИ ВА АЖРИМЛАРИ УСТИДАН БЕРИЛГАН АПЕЛЛЯЦИЯ ШИКОЯТИ (ПРОТЕСТИ) БЎЙИЧА УЛАРНИ ҚАЙТА КЎРИШ (АПЕЛЛЯЦИЯ ТАРТИБИДА СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШ)

1-§. Апелляция тушунчаси ва унинг турлари..... 14

2-§. Фуқаролик ишлари бўйича апелляция тартибида иш юритишнинг элементлари ..... 20

3-§. Фуқаролик ишини апелляция инстанцияси судида кўриб ҳал қилиш ..... 29

4-§. Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини апелляция тартибида ўзгартириш ва бекор қилиш асослари..... 39

5-§. Апелляция инстанция судининг ваколатлари ..... 42

6-§. Биринчи инстанция судининг ажрими устидан шикоят бериш ва протест келтириш ..... 44

### III БОБ. ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРГАН СУД ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРЛАРИ ВА АЖРИМЛАРИ УСТИДАН КАССАЦИЯ ТАРТИБИДА ШИКОЯТ БЕРИШ ВА ПРОТЕСТ КЕЛТИРИШ БЎЙИЧА ИШЛАРНИ ҚАЙТА КЎРИШ (КАССАЦИЯ ТАРТИБИДА ИШ ЮРИТИШ)

1-§. Суд ҳал қилув қарорлари, ажримларини кассация тартибида қайта кўриш босқичи ва унинг аҳамияти..... 50

2-§. Кассация инстанция судига мурожаат қилиш ҳуқуқи ва уни амалга ошириш тартиби..... 53

3-§. Кассация шикоятини (протестини) ҳаракатсиз қолдириш, қўшилиш, тўлдириш, ўзгартириш, шикоятдан воз кечиш ва протестни қайтариб олиш .....57

4-§. Кассация тартибида берилган шикоятларни ёки келтирилган протестларни кўриб ҳал қилиш тартиби ..... 59

5-§. Ҳал қилув қарорини кассация тартибида бекор қилиш асослари..... 67

6. Иш бўйича ажрим чиқариш ва уни ўқиб эшиттириш ..... 72

7-§. Кассация инстанцияси судининг ваколатлари ..... 74

8-§. Кассация инстанцияси судининг ажрими ва унинг аҳамияти..... 79

9-§. Биринчи инстанция судининг ажримлари устидан кассация тартибида шикоят бериш ва протест келтириш ..... 83

АДАБИЁТЛАР..... 87

Эминжон ЭГАМБЕРДИЕВ  
юримдик фанлар доктори, профессор

**СУД ХАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРЛАРИ, АЖРИМ ВА  
ҚАРОРЛАРИНИНГ ҚОНУНИЙЛИГИ ВА  
АСОСЛАНТИРИЛГАНЛИГИНИ  
ТЕКШИРИШ**

*ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА*

*Муҳаррир С. С. Қосимов*  
*Техник муҳаррир Д. Р. Джалилов*

Босишга рухсат этилди 29. 06. 2016. Нашриёт ҳисоб табағи 5,6  
Адади 20 нусха. Буюртма №..... Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси  
100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68.